Амина Шенликўғли

Ёлвораман, хиёнат қилма!



КИРИШ

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи ила.

Ҳурматли опа-сингилларим, ака-укаларим! Қўлингиздаги ушбу роман Чанаккалъа камокхонасида дунёга келган. Асарни ёзишни ўша ерда бошладим ва Истанбулда тамомладим.

Ёзувчи дегани зеҳний хоргинликдан холи бўлган холда каламини кўлга олиши ва ёзаётган асари тугагунча одамлардан бироз узок туриши зарур. Ана шунда ижодининг фойдаси, самараси кўпрок бўлади. Бу, айникса, роман ёзувчилар учун зарур шартдир. Шовкин-суронсиз, сокин бир макон, факатгина маслаги билан овора бир юрак керак. Афсуски, замонамизнинг ғалвали бухронларининг дастидан бундай имкониятни топа олмадим. Мен ожиза опангиз мана шу шартлар остида кўлингиздаги «Ёлвораман, хиёнат килма!» номли китобимни ёздим. Сиздан илтимосим шуки, агар бу асаримни ҳам бошка китобларим каби ёктириб колсангиз, атрофингиздагиларга таркатинг. Унда бошка асарларимдаги каби кўз ёши йўқ, аммо аклнинг, тафаккурнинг нигохи бор.

Яна бир илтимос: китобни ўкиб тугатганингиздан кейин исломий мавзуда калам тебратадиган барча ижодкорлар учун "Аллоҳ рози бўлсин" деб кўйсангиз. Ажабмаски, биз ҳам ўша карвонга кўшилиб колсак... Балки сизнинг холис дуоингиз ва ниятларингиз сабабидан каламнинг учидан ислом биродарлиги томчилар ва бир-биримиздан айро колмасмиз.

Ё Парвардигор! Бизга Ўзинг ёрдам бер!

Бизга ёрдам бермасанг, душманимиз колиб, бир-биримизни бўғишга, бир-биримизга зулм килишга маҳкум бўламиз!

Сенинг розилигинг учун ва фақатгина Сенга қул бўлганим учун ёздим.

Ё Роббим! Гувоҳ бўл! Менга сенинг гувоҳлигинг етади!

Аллоҳга омонат бўлинглар, мухтарам биродарларим!

Агар У хоҳласа, жаннатларда учрашиш тилаги билан...

Амина Шенликўғли
18.01.1990, Дортмунд, Германия

– Онааа! Илтимос, кетманг!.. Кетманг, онажон, кетманг!.. Мен сизсиз яшолмайман, илтимос! Она… Она… Онажооон!

– Омина, болам, уйғон, уйғон! Нима бўляпти сенга? Кўзинг-ни оч, туш кўрдингми? Яна ўйланиб ётдингми?

Кўзларини ишқалаганча жавоб қайтарди Омина:

– Албатта, ўйлайман-да, онажон. Эртага судингиз бор. Отам билан ажрашсангиз, нима бўлади? Мени сиздан айиришса, нима қиламан?

Омина йиғлар, Фотима хоним эса уни юпатишга уринарди. Нихоят, нонуштадан олдин қизи ўзига келди. Унинг кайфия-тини кўтаришни истади.

– Қизим, кел, сенга бир эртак айтиб бераман. Анча замон-лар олдин бир телба қирол бўлиб, инсонларни яхши кўрган-ларидан айиришни хуш кўрар экан. Бир кун қараса, болалар оналарини яхши кўрармиш. Улардан интиқом олиш учун шун-дай фармонлар чиқарибдики, болалар оналаридан ажралишга мажбур бўлибди.

– Қирол нега бундай қилади? Унинг онаси йўқ эканми?

– Бор экан, аммо ота-онасининг кимлиги аниқ эмас экан. Бир куни Зиннура исмли қизни онасидан айиришибди. У жуда кўп йиғлабди, қиролни дуойи бад қилибди. Қизчанинг дуоси ижобат бўлибди. Юртни кушлар босибди, хатто қиролнинг саройини вайрон қилибди. Қиролни ўрмон ичига олиб бориб ташлашибди. Шундан кейин юрт олдинги ҳолига қайтибди, ҳатто ундан ҳам чиройли бўлиб кетибди. Кейин Зиннура ва-фот этибди. Жаннат боғида Аллоҳ унга онасини кўрсатибди, она-бола жуда бахтиёр бўлишибди.

– Тушунмадим, онажон, мен бахтли бўлишим учун ўли-шим керакми?

– Билмайман, болам, билолмайман. Бизнинг бу дунёда бахт-ли бўлишимиз учун нима керак?.. Мезонларимни йўқотдим, қизим, билмайман...

* * *

Эртаси куни судда Омина судьяга ёлворди:

– Илтимос, судья амаки, мени онамдан айирманг! Мен онамсиз яшолмайман! Илтимос, онамни беринглар менга. Отамни ҳам. Ота-онам ажрашмасин. Уларга бақириб беринг, илтимос, судья амаки... Болалик пайтингизда сизнинг онангиз бўлмаганми? Бола онасидан айрилиб, қандай бахтли бўлиши мумкин?..

– Тўғри, лекин нима ҳам қила олардик, болам? Отанг онанг билан ажрашяпти, онангни яхши кўрмас экан.

– Ёлғон, судья амаки... Валлоҳи, отам ёлғон гапиряпти. Отамнинг онамга «Сен бир ёнсану дунё бир ён» деганини ўз қулоғим билан эшитганман.

– Аммо ҳозир ажрашишни истаяпти. Онанг унинг учун яхши хотин эмасмиш.

– Жоним онамни бундай деманг, илтимос. Қаранг, бечора қанчалар йиғлаяпти...

Омина ёш тўла кўзларини отасига қаратди. Отасидан ёрдам кутарди. Судья баланд овозда сўради:

– Ҳурматли Камол Келеш, қизингизни эшитдингиз. Келинг, оилангизни мана шу бола учун асраб қолинг. Қаранг, хотинингиз ҳам ёмон аёлга ўхшамайди. Унга ҳам, ўзингизга ҳам жабр бўлади, кейин пушаймон бўласиз.

– Йўқ, пушаймон бўлмайман, жаноб судья. Бу аёл билан келишиб бўлмайди. У билан ҳаётимни давом эттира олмайман.

Судья асабий тарзда жавоб қайтарди:

– У аёл сиз билан қандай давом эттиради ҳаётини?.. Ишни келгуси ойнинг ўн биринчи кунигача қолдираман. Сизларга ўйлаб кўриш учун яна бир ой муҳлат. Бу имкониятдан унумли фойдаланинг. Бунинг устига, ажрашиш учун сабаблар ҳам етарли эмас.

Омина хурсанд бўлиб кетди.

– Катта рахмат, судья амаки. Аллох сизни хам фарзандлариигиздан айирмасин.

Нима килишини билмай колган Фотима хоним рахмат айтишни унутмади:

– Соғ бўлинг, жаноб судья, хукукимни химоя килдингиз, сизга нима дейишни хам билолмаяпман.

Суддан чикиб, кишлокка кетиш тараддудида экан, Фотима ўзига ўзи гапирди:

– Судьялар адолатга бир томонлама карайди дейишарди. Холбуки, ундай эмас экан.

Гапини тугатмаган хам эдики, эрининг асабий тарзда унга қараб келаётганини кўрди. У якинлашиб-якинлашмай Фотиманинг юзига тупурди.

– Аллох жазоингни берсин! Бошимга битган баломисан? Сен билан яшашни истамайман дедим-ку! Бу масала ёпилган, канадек менга ёпишиб олма! Мени судьянинг олдида шарманда килдинг. Сен хам истамайман деганингда, хаммаси тамом эди.

Омина отасининг сўзини кесди:

– Ота! Нега онам билан яшашни хохламайсиз, онам сизга нима килди?

– Жим бўл! Бир карич бўйинг билан мендан хисоб сўраяпсанми? Кунингни кўрсатиб қўяман! Яна бир марта мени судьянинг олдида шарманда қилсаларинг, кўрадиганларингни кўрасанлар.

– Ота...

– Бўлди, қизим, отангга ёлворма, таъсир қилмайди. Унинг кўзи беномус Танзилада! Мен билан ажрашиб, унга уйланади. Мен аҳмоқ эса бу одамга мени ташлаб кетманг, дея ёлвориб юрибман.

– Албатта, ёлворасан. Сен хали нимани кўрдинг? Кунингни кўрсатмасам, мени Камол дейишмасин.

– Тўғри, айтдингиз, жуда тўғри. Чунки чорасизлигимни кўриб турибсиз. Боламдан айрилишни истамаётганимни ҳам биласиз.

– Қўлингдан келса, берма. Қўлингдан келадими? Менинг кучим судни сотиб олишга ҳам етади. Сен-чи? Сен нима қила оласан?

Фотима ҳайрон қолди:

– Нима? Судни сотиб оласизми? Суд сотилар эканми?

– Бунақа ишларга сенинг ақлинг етмайди. Мен қизимни оламан, бўлди, тамом. Қайтиб юзимни ҳам кўрмайсан.

– Аммо у менинг ҳам болам, тўғрими? Менга: «У золим, шарафсиз, унинг фамилияси Келеш эмас, Каллеш[1] бўлиши керак эди», дейишганди, аммо ишонмагандим. Ростданам номардмисиз? Аммо бунга ҳеч ким ишонмайди. Чунки адолат ҳақида гапирганда, ўзингизни адолатнинг тимсоли қилиб кўрсатасиз...

– Жим, бас қил! Адолат ҳақидаги гапларингни қўй. Албатта, адолат ҳақида гапираман, ҳамма шунақа эмасми? Қани айтчи, ким ҳақиқий адолатни билади? Ҳақиқий адолат ер юзида йўқ! Марсда бўлса бордир, аммо буни билмайман.

– Тўғри... Ҳақиқий адолат қандай бўлишини билмасдан адолат бўлмайди, албатта. Адолат бўлганида сиз мени шунақа йиғлатармидингиз?..

Омина отасидан сўролмай туролмади:

– Ота! Сиз адолатсизмисиз?

– Бу нима деганинг, қизим? Адолатсиз бўлганимда онангни ўлдирган бўлардим.

– Нима қилдимки, мени ўлдирасиз? Агар ўлдириш ҳунарингиз бўлса, ўзингиздаги золим ва марҳаматсиз нафсингизни ўлдиринг. Ана шунда... ана шунда балки одам бўларсиз.

– Нима, ҳозир ҳайвонманми? Шундай демоқчимисан? Ҳозир сени сўйиб ташлайман!..

Фотима қўрқиб кетди.

---

[1] Келеш "мард, келишган", каллеш эса "хоин, номард" маъноларини билдиради.

– Йўўўўк... Жахл устида айтиб юбордим...

– Шусиз хам асабим бузилиб турибди. Ажрашишга сабабларим етарли эмас экан. Нима қилсам, сен билан ажрашар эканман, билмадим.

– Отажон! Илтимос, ажрашманг. Бундай қилсангиз, мен доим йиғлайман.

– Йиғласанг, йиғлайвер. Энди сени ўйлашим қолувди.

– Унақада кимни ўйлайсиз? Энг кўп ўйлайдиганингиз раки[2]. Хали уйингиздан кетмадим, сиз билан судма-суд юрибман. Уялганим учун отамга хабар беролмаяпман. Ох, Аллохим, дардимни кимга айтсам, кимга тўксам экан-а?! – кўзларига ёш олди Фотима.

– Айтсанг айтавер отангга... Отангнинг ўтмиши хақида бошлаб қолмай тағин...

ЭРТАСИ КУНИ

Камол Келеш адвокат Муҳсин Чанталига дардини дастурхон қилди:

– Судья хотиним тараф бўлди, ажратадиганга ўхшамайди. Аммо менинг қарорим қатъий. Албатта, у билан ажрашаман.

Адвокат кўпроқ пул ундириш илинжида бу ишнинг анча қийинлигини таъкидлади:

– Ҳммм... Бу осон бўлмади. Судьяни танийман, гап уқмайдиганлар хилидан. Аммо олдига озгина "арпа" солсак, бўлмайдиган ишнинг ўзи йўқ бу оламда.

– Жаноб адвокат, сизга хам маълумки, ажрашиш учун менинг сўзларимнинг ўзи етарли эмас экан. Арзирли сабаб топишим керакмиш.

– Хавотир олманг, бирор сабаб топамиз. Хотинингизнинг кўзлари ўйнаб турадими ёки ўғрилик одати борми?

– Йўўўўк... Аллох шохидки, бундай нарсалар йўқ унда.

---

[2] Раки – турк ароғи.

– Йўқ бўлса, топамиз, тақсир. Модомики, ажрашишга қарорингиз қатъий экан, унга лой чаплаймиз ва иш тамоман ҳал бўлади. Масалан, хотиним бошқасини северди десангиз бўладими?

– Бўлмайди. Бундай қилсак, менинг обрўйимга доғ тушади. Мени ҳалигинақа дейишади... Лапашанг, хотинини эплолмабди дейишади.

– Гарчи мен бир оила ҳаловатини бузишни истамасам-да, сизларнинг бирга бўлишингиз мумкин эмаслигини кўриб, мана шуни ўйлагандим.

– Бошқа нарса топинг. Хотиним диндор, унинг бундай иш қилмаслигини қишлоқдаги ҳамма билади. Гувоҳ ҳам тополмаймиз.

Адвокат хазина топгандек хурсанд бўлиб кетди:

– Нима? Диндорми?

– Ҳа.

– Ўранганми?

– Албатта.

– Унақада сабабимиз аниқ, табриклайман.

– Нима бўлди, тушунмадим?

– Менга қаранг, хотинингиз отатуркчими?

– Билмадим. Менимча, отатуркчи эмас, шундай бўлса, қонун олдида жавобгар бўладими?

– Мен бу ҳолатга бошқа томондан қараяпман. Аризада шундай кўрсатасиз: “Хотиним Отатуркнинг ғоя ва инқилобларига қарши. Мен эса отатуркчиман. Шунинг учун менинг ҳур фикрларим бу қолоқ хотиннинг фикрларига тўғри келмаяпти, ана шунинг учун ҳам ўртамизда жуда катта тушунмовчилик бор”.

– Шундай десам, судья ажратиб юборадими?

– Зудлик билан, азизим, зудлик билан. Чунки бу судьяни яхши биламан.

– Жуда ақллисиз, жаноб адвокат. Устига-устак, жуда айёрсиз ҳам. Ҳуқуқларимни жуда яхши ҳимоя қиляпсиз. Адолат борлиги яхши-да.

– Ҳа, шунақаман. Айёр ва ўз навбатида адолат тарафдориман.

* * *

– Ота, адолат нима дегани?

– Нега сўраяпсан?

– Адолатнинг нималигига қизиқяпман, ота. Адолат ноҳақликни кўрармикан?

Жавобни Фотима хоним берди:

– Адолат золимнинг назарида унинг ғалаба қозонишидир. Аммо ҳақиқий адолат фақатгина ҳақнинг ғалабасидир.

– Онажон, унақада сиз ғалаба қиласиз. Чунки сиз ҳақсиз.

– Тўғри, мен ҳақман. Лекин ҳақлигимни ҳеч ким тан олмайди...

* * *

Ниҳоят, суд куни етиб келди. Фотима хоним чуқур-чуқур нафас олиб қизи Оминага қарар, кўзларидан маржон-маржон ёш тўкарди.

– Болажоним, қизим, Оминам! Суд бизни ажраштириб, сени отангга берса, мен нима қиламан?

– У билан кетмайман, онажон, ўлсам ҳам кетмайман.

– Йўқ, йўқ, қизим. Ғурурига текканим учун сени албатта олади. Сени менга кўрсатиб турса, шунга ҳам розиман. Аммо атайлаб кўрсатмайди.

– Йўқ, онажон, қўрқманг. Мен судья амакига кўпроқ ялинаман, бизни ажратмайди.

– Ох, Оминам, оҳ! Аслида отанг билан ажрашганимизга кўп бўлди, бироқ сен учун яшаётгандим. Бу ишнинг диний масъулияти ҳам бор. Нима қилишни билмай бошим қотиб қолди... Бобонг эшитса, мени кечирмайди. «Сен билан яшашни хоҳламаган эркакка нега ҳалиям ёлворяпсан? Ўзлигингни йўқотдингми, нима бало?» дейди. Бунинг устига, ажрашган деган ном оламан. Ана ундан кейин одамларнинг гап-сўзларидан қочиб қутулолмайман. Қўшниларникига чиқсам, «ажрашган хотин» дея эрларини мендан қизғанади... Нима қилишни билмайман, қизим, анави келаётган отанг эмасми?

– Ҳа.

– Ёнида адвокати борми?

– Ҳа.

– Вой, уятсиз-эй. Мен билан ажрашиш учун нималар қилмаяпти-я.

– Мен бу адвокат амакига ҳам ёлвораман, она.

– Йўқ, қизим, йўқ, жайроним. Аллоҳдан қўрқмайдиган инсонлар пул берган томон бўлади, мана шуни унутма.

– Аммо адолатни пул учун сотган бўлишмайдими, она?

– Сотишади, болам, сотишади. Аллоҳдан қўрқмайдиганлар мусулмонни ҳам пулга алмашади. Пул олган жойини доим хақ деб билишади. Улар оталарини ҳам сотишади.

– Аммо бу ноҳақлик... Гуноҳ эмасми?

Фотима хоним аччиқ-аччиқ кулди:

– Ҳақ нима, гуноҳ нима – буни биладиган йўқ, Оминам, йўқ. Бу инсонларнинг мингдан биригина Аллоҳдан қўрқиб, манфаати бор томон фойдаси учун гапирмаслиги мумкин.

– Инсонларнинг хаммаси фойдани кўзлайдими, она?

– Айтдим-ку, мингдан биттаси бундан мустасно. Масалан, манави адвокат. Отангдан пул оляпти, менинг фойдамга гапирадими?

– Она! Биз ҳам адвокат ёллайлик унда, бизнинг ёнимизни олар балки.

– Ох, болам... Сени тушунаман, бу ҳаракатларинг замирида қандай олов турганини биламан. Бизда адвокат бўлиши мумкин эмас, болам. Биринчи сабаби, пулимиз йўқ. Иккинчидан, отанг мен билан яшашни истамаса, уни адвокат ёллаб қайтара олмайман, Оминам. Бу аёллик даъвоси эмас, имон даъвосига ҳақорат бўлади. Мен бошқа курашмайман, жайроним. Илтимос, мени кечир. Отангга бошқа ёлворолмайман.

Омина йиғлайди.

– Унақада, онажон, мен онасиз қоламанми? Менинг сочларимни ким тарайди? Мен кимни «онажон» дейман? Мана шуларни бир ўйланг, онажон, илтимос.

– Шу кунгача фақат сени деб чидаб келдим, болам, фақат сен учун. Мени умуман қадрламайдиган одамга сен учун чидадим.

Мана шу пайт мубоширнинг[3] овози куйдирувчи ўқ сингари эшитилди:

– Камол Келеш, Фотима Келеш. Навбат сизларда, ичкарига киринглар!

Фотима карахт ҳолда турган эди, бирдан ёнида адвокатни кўриши билан саволини сўрамай қўймади:

– Жаноб адвокат! Бир оиланинг бузилиши учун олган пулларингиз қандай томоғингиздан ўтади? Қандай қилиб ўзингизни бу касбга муносиб кўрдингиз, ҳайронман. Виждонингизни сумкангизга солиб, фикрларингизни денгизга тушириб юборгансиз, шекилли. Бунинг яна қандай изоҳи бўлиши мумкин деб ўйладим.

– Гапларингизга эҳтиёт бўлинг, хоним. Ҳақорат қиляпсиз. Бу бизнинг вазифамиз. Истаган ҳар ким адвокат ёллаши мумкин.

– Адвокат ёлламасин деганим йўқ, адвокат ёлласин, аммо оилани бузиш учун бўлмасин. Айбланувни ҳақ бўлса, уни қутқариб қолиш учун ёлласин. Жиноят қилганларни қутқариш учун эмас.

[3] Мубошир – суд нозири

– Илтимос, ваъз ўқиманг. Кеч қоляпмиз...

Келеш оиласи суд ҳузурида турарди. Судья Камол Келешдан сўради:

– Ажрашмоқчи бўлиб даъво очибсиз. Ажрашиш сабабингиз нима?

Камол кўз учи билан адвокатига қарагандан кейин жавоб берди:

– Адвокатим бор, афандим, у гапирсин.

Адвокат гап бошлади:

– Мижозим қийин аҳволда қолган. Хотини Фотима Келеш Отатурк душманидир. Зеро, унга қараладиган бўлса, судья жаноблари, буни дарров тушуниб олса бўлади. Қаранг, шариатга мос равишда кийиниб олган бу аёл. Бир томон Отатурк тарафдори, иккинчи томон эса унинг душмани бўлгач, оилада жиддий келишмовчиликлар юз берган ва бу вазият мижозимнинг доимий равишда асаблари бузилишига олиб келган.

Адвокат иддаоларини давом эттирар экан, уни ҳайрат билан тинглаётган Фотима қулоқларига ишонмас, олдинги судда унга яхши муносабатда бўлган судья бироздан сўнг эрига танбеҳ беришини умид қиларди.

Адвокатнинг гаплари тугагандан кейин судья Фотима хонимдан сўради:

– Шу гаплар тўғрими? Сиз Отатуркка қарши гапирдингизми?

– Йўқ, афандим. Мен на Отатуркка қарши, на унинг фойдасига гапирдим. Ҳеч нарса демадим.

– Бу қанақаси? Нега унинг фойдаси учун гапирмадингиз? Демак, бу гаплар тўғри.

– Йўқ, афандим, бунинг алоқаси йўқ. Мен қишлоқда катта бўлган аёлман. Бунақа ишларга ақлим етмайди.

– Нега билмайсиз? Аммо динга келганда динни ўрганибсиз... Нонкўрлар...

– Афандим, дин... Дин бошқа нарса, афандим. Динсиз бўлиш мумкин эмас, мусулмон динсиз бўлолмайди.

– Жим бўлинг! Гап қайтаришларини истамайман... Отатурк бизга хаёт берди. У бўлмаганида биз йўқ эдик. Ҳозир инглизларнинг қўлида бўлардик.

– Мен бу ишларни билмайман, афандим. Ҳозир кимнинг қўлида эканимизни хам билмайман. Мен Отатуркка қарши гапирганим йўқ. Керак бўлса, қасам ичаман. Бу одам мен билан ажрашиш учун туҳмат қиляпти.

– Нима фарқи бор? Мақтамаяпсиз, демак, яхши хам кўрмайсиз.

– Аммо менга шундай айб қўйиш мумкинми, жаноб судья? Сизнинг адолатингизда борми бу?

– Буни қаранглар, тили узайиб боряпти... Қишлоқ аёли судья қаршисида гапира олмас эди, сиз эса бемалол гапиряпсиз. Бизни ахмоқ деб ўйлаяпсизми?

Фотима чуқур бир нафас олгандан кейин алам ва ҳазин тўла овоз билан жавоб қайтарди:

– Дард, ғам, тақдир, севги, зулмга учраш... Мана шу каби воқеалар содир бўлганда инсон гапиради, албатта, гапиради. Ҳозир менинг юрагим ёниб кетяпти. Бу юрак ҳам она, ҳам аёл ҳамда бир жафокашнинг юраги. Нима учун гапирмайин, сиздан нима учун қўрқай? Қалбимдаги олов қўрқувдан буюкроқ. Сиздан қўрқишим учун бирор сабаб борми? Сиз қўрқинчли одаммисиз? Сиздан қўрқишим шартми?

– Сўралмаган саволларга жавоб берманг. Шикоятда Отатуркка қарши гапирганингизга оид икки гувоҳ борлиги ёзилган, бунга нима дейсиз?

– Нимаям дея олардим, бу одамлар ҳар нарса деб ёзиши мумкин. Буларга бир нима деб бўлмайди. Қизиқ, гувоҳларнинг ўзига гувоҳ керак бўлиб турган бу даврда ким менга қарши гувоҳлик бериши мумкин? Мен Отатурк ҳақида нима биламанки, нима гапираман? Мен сизга айтдим, илмсиз, кўп нарсани тушунмайдиган бир аёлман. Бу ишларга ақлим етмайди. Фақаттина бувам раҳматли жуда бошқача инсон эди. Бир

неча марта ундан эшитгандим. «Халкка Отатуркни муносиб равишда тушунтиришмаяпти. Бу ноҳақлик», деганди. У ҳақида бошка хеч нарса билмайман.

– Бувангизга офарин. Отатурк халкқа муносиб равишда тушунтирилмади. Агар тушунтирилганида шундай бўлармиди?

– Бувам ҳам худди шундай дерди, афандим.

Судья яна Камолга қаради.

– Бу аёл билан ажрашишга қарорингиз қатъийми?

– Ҳа, афандим. Ундан қутулишни истайман.

– Бу бола-чи? Уни олиб қолишни истайсизми?

– Албатта, афандим, истайман.

– Ҳақсиз... Мутаассиб фикрлайдиган бу аёл боланинг миясини чалкаштиради. Балки аллакачон улгургандир ҳам. Боладан ҳам сўраб кўрайлик-чи. Тахминлар тўғри чиқса, бу каби колоқ кишиларга болани қолдириш мантиқан тўғри бўлмайди.

Оминани ёнига чақирган судья биринчи саволини берди:

– Қани айт-чи, болам, мактабга борасанми?

– Ҳа, афандим, 3-синфда ўқийман. Ёшим бир ёшга катта қилиб ёзилган.

– Болам, қани айт-чи, Отатурк ким?

– Буюк йўлбошчимиз.

– У биз учун нима қилди?

– Юртимизни душманлардан қутқарди, душманни денгизга чўктирди.

– Нечанчи йил туғилган?

– 1881 йил Селаникда туғилган.

– Уни яхши кўрасанми?

– Ота-онамдан кўпроқ яхши кўраман. Устозим: «Уни яхши кўрмаганлар Ватан хоинидир, кофирдир», дейди.

– Яхши, баракалла! Онанг сенга Отатурк ҳақида нимадир дедими?

– Йўқ. Онамдан эшитмаганман.

Судья асабийлашиб, яна сўради:

– Сизнинг гувоҳларингизни эшитамиз. Улар шу ердами?

– Ҳа, афандим.

– Чақиринг, кирсин.

Гувоҳлардан бири судья қаршисида эди. Судья Фотимадан сўради.

– Бу гувоҳни танийсизми?

– Йўқ. Биринчи марта кўриб турибман. Пулга сотиб олинган бўлса керак. Бу одам бизнинг қишлоқдан эмас.

– Аниқлаштирилсин.

Гувоҳ деди:

– Мен битта қишлоқдан эмасман, афандим, бир кеча уларникига меҳмон бўлгандим.

– Яхши, қани, гапир, ўша кеча нима бўлди? Эр-хотин ўртасида нималар бўлди?

– Аёл Отатуркка қарши гапирар, бу одам эса уни жим қилишга уринарди.

Фотима энди эътироз билдирмас, шунчаки гувоҳга қараб турарди.

Судья сўради:

– Фотима Келеш, бирор нима дейсизми?

– Йўқ, афандим. Умрида бир марта уйимизга келган, бир пиёла чойимни ичган ҳолда менга нисбатан мана шундай ёлғонлар уйдира оладиган одамга айтилган сўз ўз қадрини йўқотади. Айтадиган гапим йўқ.

– Омина Келеш, қани айт-чи, онанг билан қолишни хоҳлайсанми, отанг биланми?

– Иккисини ҳам хоҳлайман. Илтимос, мени ота-онамдан айирманг. Бунга чидолмайман, судья амаки. Асло чидолмайман.

– Сени онангнинг мутаассиблигидан қутқариш учун отангга бераман, болам. Отанг маданиятлироқ, замон билан ҳамнафас инсон. Онангни қара, бугунги замон билан, замондошлик билан алоқаси йўқ.

– Илтимос!.. Мен онам билан қолай, ҳаммасига розиман. Отамнинг мени уришига, ҳатто ўлдиришига ҳам розиман. Илтимос, судья амаки, мени онамдан айирманг!..

* * *

– Қарор қилинди: Камол Келеш ва Фотима Келешнинг ажрашишига, қизлари Омина Келешнинг отаси Камол Келешнинг қарамоғига берилишига...

Фотима хоним судьянинг гапларини эшитмасди. Камол Келеш ва адвокати бир-бирларига "ғалаба қозондик" дегандек қараб туришганида Омина онасидан айрилган жайрон боласидек бир муддат судьяга нафрат билан қаради ва онасининг бағрига отилди.

– Онажоон! Жоним онам... Мен сиздан айрилолмайман. Илтимос, мени ташлаб кетманг.

– Болам, Оминам... Қизим, малагим. Хавотир олма, барибир сени қайтариб оламан, илтимос, йиғлама. Қара, отам ҳам келибди, йиғлаяпти. Унинг кўз ўнгида йиғламайлик...

Кейин қизига юрагининг туб-тубидан чиққан бир шеърни айтиб берди:

Қамради оташ қалбимни,
Сўндира олмаймиз биз.
Турмуш қурганлар ёняпти,
Ажрашганлар ёняпти!

Қанча Оминалар
Сенинг каби онасиз,
Ҳам оналар йиғлайди,
Ҳам фарзандлар йиғлайди...

– Қани, чикинглар, ташкарида давом эттирасизлар, суд залини бўшатиб қўйинглар.

Фотима залдан чикаётиб судья томонга ўгирилди ва охирги сўзларини айтди:

– Рахмат, жаноб судья! Ўзингизга муносиб ишни килдингиз, адолатингиз тантана килди!

Суддан чикишди. Фотима, отаси ва Омина бир алпозда кетишарди. Учови хам йиглар, бир-бирлари билан гаплаша олмасди. Жимликни Фотима хонимнинг отаси Ахмад бобо бузди:

– Фотима қизим, нега менга айтмадинг? Балки бирор нима килардик.

– Зулмат босган виждонларни ҳеч ким ҳеч нарса килолмайди, ота. Танзилага ошик бўлгани учун мени куйдирди. Боламни куйдирди... Сизга айтганимда ҳам, унинг марҳаматсизлиги ўзгармасди.

Омина онасини кучоклаб олган ва унга караб турар, бир томондан ёлворарди.

– Онажон, илтимос, мени ташлаб кетманг... Қаранг, отам келяпти. Мени унга берманг...

– Болам, ўн беш кунда учрашишга ҳаққимиз бор. Ўшанда бир жойларга бориб турамиз. Нимаям килардик. Бу чалкаш дунёда ҳамма нарса бизга бегона. Бизга тегишли бўлган факатгина ўзимиз, лекин ўз ҳолимизга қўйишмаяпти...

Бу орада Камол Келеш Фотиманинг ёнига етиб келганди.

– Оминани бер. Бер болани!

Фотима Оминага ёлворарди:

– Боракол, болам, бор отангга... Бошқа унинг юзини кўришни истамайман.

Оила дунёсининг бир пардаси шу тарика шафқатсизларча ёпилди.

– Мени ташлаб кетманг, она, илтимос. Ташлаб кетманг!

Важохат билан келган Камол Оминани кучоклаб, олиб ке-
тишга уринарди. Отасининг елкасида типирчилаётган Омина
овозининг борича бакирарди:

– Оназа! Онажон, илтимос, мени ташлаб кетманг! Сизсиз
яшолмайман! О....она....

Фотима кўчанинг бир четида ўтириб колган, эсига келган
ва кўлидан келган ягона ишни киларди. Бу хам бўлса, йиглаш.
Нохакликка учрагани учун эмас, кўпрок боласи учун юраги
ёнарди. Бир неча дакика йиглагандан кейин лабларидан шу
мисралар тўкилди:

Оминам, ишон, сени мен қийнамадим,
Рост, гўзал қизим, сени алдамадим,
Дунёнинг ҳақиқий оташи мени ёқди,
Ҳолбуки, бу оташ золимларга лойиқ эди.

Сени мендан айирдилар, болам, Оминам,
Сенсиз мен бу йўллардан бир ўзим ўтолмайман,
Жайроним, гўзал қизим, золим зулмига қара,
Биздан бошқаси йиғламасин, кел, интиқом оламиз.

Кел...Кел, Оминам, жаннатга йўл оламиз,
Кел, Оминам, кел ва бу ўкка карши ўк отамиз...

– Кизим! Фотима! Болам, ўзингга кел. Мусулмон аёл куч-
ли ва иззатли бўлади. Озрок иродали бўл, болам. Факирлик-
нинг кўзи кўр бўлсин. Пулимиз бўлганида адвокат ёллаган
бўлардик.

– Ха, ота, хаксиз. Факирликнинг эмас, факирликка сабабчи
бўлганнинг кўзи кўр бўлсин.

– Бўлсин, кизим, бўлсин... Юр, болам, уйга кетамиз. Рах-
матли онангдан кейин аёл кўрмаган уйимизга.

– Нима килай, ота, эрим мени юбормаган бўлса...

– Биламан, болам, биламан. Хамма нарсани билардим, ўзим-
ни билмасликка олардим. Бундай одам билан бир умр яшаб

бўлмасди барибир, қизим. Нукул ўз ҳаққини излаб, бошқаларни ҳақсиз деб ҳисоблайдиган одам-ку. Бунақалар ё болалигида яхшилаб тарбияланиши, ёки кейин уларга умуман яқинлашмаслик керак. Вақтида сени бераётганда суриштирдим, яхши одам дейишганди. Нимаям қилардик, болам. Инсонларда мезон йўқ. «Ўлчови бузилган тарози тўғрини кўрсатмайди», дейман-ку доим. Шунинг учун ҳам шу гапни айтаман.

УЧ ЙИЛДАН КЕЙИН

Фотима хонимнинг ота уйидаги аламли ҳаётининг учинчи йилида отаси вафот этди. Шундан кейин у баттар сиқила бошлади. Тақиқ қўйилгани учун қизи Омина билан кўриша олмаётганди. Она ҳам, қиз ҳам уч йилни кўз ёшлари билан ўтказишди. Баъзан яширинча учрашишар, лекин бу она-боланинг бир-бирига соғинчини бостира олмасди.

Фотима хоним ҳайҳотдек уйда ёлғиз яшашдан зерикди. Бир нечта жойдан совчи келди-ю, ҳеч бирига рўйхушлик бермади. Ниҳоят, қўшни қишлоқлик Исматга турмушга чиқишга қарор қилди. Чунки унинг Билқис исмли қизи бор экан. «Бечора қизга оналик қиламан», деб ўйлади. Лекин Исматда адашди, устига-устак, Билқис ҳам уни ёқтиравермайди, отасини ундан қизғанади.

Ичи тўла сир бу Билқиснинг. Дугонаси Чиллига қилган инжиқликларини ҳеч кимга қилмайди, аммо энг кўп яхши кўрадиган ўртоғи ҳам шу.

Кунлардан бирида икки дугона даладан қайтаётганда Чилли бирдан гап бошлаб қолди:

– Менга қара, бошимни айлантириб ташладинг, Билқис! Йўлингга қарасанг-чи. Бошинг нега у томонга буриляпти, тушунмадим.

– Яна бошладингми, Чилли? Бир марта бўлса ҳам жанжаллашмасдан қишлоққа борайлик.

– Унақада тинч юр. Жанжал қилишга мажбурлама мени.

– Жуда ақллисан-да. Қаерга қараётганимни биласанми ўзи? Нега бунақа деяпсан?

– Қандайдир шайтонликни ўйлаётганинг аниқ.

– Шайтонлик эмас. Ҳусайн сержантнинг ўғлини кўрдингми?

Сўқмоқ йўлдан шоша-пиша кетаётган икки қиз жанжалининг сабабини бир-бирига тушунтира олмаётганди.

Билқис асабий ҳолатда яна сўради:

– Ҳусайн сержантнинг ўғлини кўрдингми дедим.

– Нима бўпти Ҳусайн сержантнинг ўғлига? Кўрмадим.

– Нима бўларди, ёнида Истанбулдан келган Нолон бор.

– Сенга нима? Бировнинг боласи, ёнига кимни истаса, ўшани олади, хўжайинлик қилиш сенга қолдими?

– Менга фарқи йўқ. Аммо Нолоннинг катта кетиши менга ёқмаяпти. Юзида бир кило бўёқ, Ҳусайн сержантнинг ўғли ана шу бўёққа алданяпти.

– Тушунмадим, сенга нима ёқмаяпти? Алданиб ўлиб кетмайдими?

– Фазлининг ўша пардоз-андозга алданиши ёқмаяпти-да. Ичимдан унга бир нималар деяпман.

– Нима? Нималар деяпсан? Жинни-пинни бўлмадингми?

Билқис дудуқланиб қолди.

– Ҳозир айтсам, кейин устимдан куласан.

– Кулмайман, кулмайман. Қани айт-чи, нима экан сени бунча безовта қилаётган нарса? Ичингдагиларни тўк. Ахир дугонангман-ку!

Билқис бор журъатини тўплаб, бирдан юрагини очди:

– Фазлини анойи дейман, анойи. Тушундингми энди? Мен унинг эшиги олдидаман, кўзлари мени кўрмайди, бўяниб олган Нолоннинг атрофида гирдикапалак. Шундай қилиб тургандан кейин уни анойи демай кимни дейин? У ёлғончи гўзалликка алданяпти...

Чилли ниҳоят тахмин қилган ҳақиқатни Билқиснинг ўзидан эшитди ва унга раҳми келди. Йўлларида давом этар экан, Чилли дугонасига тасалли берарди:

– Хафа бўлма, Билқис. Сен уни Нолондан рашк қиляпсан, тўғрими? Менга ишон, унинг ҳийласи тез орада ошкор бўлади. Аммо гап гўзалликдан бошқа нарсада бўлса-чи? Унда нима бўлади?

– Унинг ҳийласи фош бўлгунча мен сил бўламан. Танноз Нолон бир куни: «Қишлоқлик қизлар жуда ширин бўлар экан!» деса бўладими? Маккора, қишлоқ қизларини менсимайди, аммо йигитларига кўз сузади. Агар бир қўлимга тушса борми, яхшилаб таъзирини берардим, ишонавер.

– Жуда ошириб юбординг, Билқис. Сал бўлмаса...

– Сен ҳам мени тушунмаяпсан, Чилли. Аллоҳдан мендан баттар ошиқ бўлишингни сўрайман. Ана шунда тушунасан менинг ҳолатимни.

– Мен аҳмоқмасман. Меники бўлмаганни нима учун севайин? Меники бўлиши ёки бўлмаслиги ҳам аниқ эмас... Қуёш ботай деб қолибди, тезроқ юрайлик, қишлоққа кеч қоляпмиз. Қоронғи тушиб қолса, кейин қўрқамиз.

– Умуман қўрқмаймиз, ортимиздан Фазли билан Нолон келяпти. Сал секинроқ юрайлик, ўша истанбуллик таннозни кўрайлик.

– Нега у қизни танноз дейсан? Балки яхши қиздир? Шаҳар қизлари ёмон бўлади деган қоида йўқ-ку!

– Менга деса, фаришта бўлмайдими, мен учун умуман фарқи йўқ.

Билқис тез-тез орқага қарар, ўзига ўзи гапириб кетарди: «Хоин... Ўзини ким деб ўйлаяпти?»

Чилли Билқиснинг гапларини яхши илғай олмай қолди:

– Нима дединг, тушунмадим?

– Майли, тушунмай қўя қол. Ўзимга ўзим гапиряпман, майлими?

– Майли, майли. Оғам яқинда бир мактуб юборибди. «Ота-жон, дунёда фақатгина ўзига ўзи гапириш тақиқланмаган, аммо буни эшитиб қолишса, тамомсиз», деб ёзибди. Фазли сени эшитмайди, бемалол гапиравер.

Бу орада Фазли билан Нолон икки қизга яқинлашиб қолишганди. Бироз юргандан кейин сўқмоқдан текисликка чиқишди. Фазли бу имкониятни қўлдан беришни истамади.

– Хой қизлар, сизларга дўстимни таништирмоқчиман. Истанбулдан Нолон.

Билқис яна ўзига ўзи гапирди: «Севмасам бўларди...»

Чилли Нолонни умуман танимайдигандек турарди. Билқис тирсаги билан уни туртиб, имо қилди.

– Хуш келибсиз, Нолон хоним. Яхшимисиз, қишлоғимиз сизга ёқдими? – деди.

– Жуда ҳам ёқди, айнан мен истаган жой. Султон хола жуда мақтаганди. Айтганича бор экан. Эртага расм чизишни бошлайман.

– Қишлоғимизга расм чизиш учун келдингизми?

– Ҳа. Ҳалиги, исмингиз нима эди?

– Менинг исмим Чилли, дугонам Билқис. Тасодифни қарангки, иккимиз бир кунда туғилганмиз. Оналаримиз охирги фарзандим қиз бўлади дейишган ва Билқис билан мен туғилганмиз.

Нолон Билқиснинг қовоғи солинганини сезиб қолиб, дарров сабабини сўради.

– Билқис хоним, сизга нима бўлди? Кайфиятингиз йўқдек.

Чилли дугонасини вазиятдан чиқаришга ҳаракат қилди:

– Ҳалиги, дугонам шунақа, сал совуқроқ.

Фазли орага қўшилди:

– Яхшимас, Билқис! Одам меҳмонга ҳам шунақа муомала қиладими?

Билқиснинг асаби бузилди:

– Кечирасиз, Фазли бей, сизга ўхшаб тоғу тошларни таништиришга вақтимиз бўлмади.

Чиллининг ҳам кайфияти бузилди. Билқис эса асабий тарзда давом этди:

– Бўлди, кўп гапираверма, Чилли. Қуёш ботай деб қолди, қоронғига қолиб кетамиз. Шоқоллар олдимиздан чиқса, қўрқувдан ўтакамиз ёрилади.

Кейин мушмула[4] солинган тўрвани олиб, тез юриб кета бошлади. Фазли:

– Қўрқманглар, мен борман-ку! – деди.

Билқис унинг устидан кулгандек жавоб қайтарди:

– Шунақами? Яхшиям сиз борсиз, шоқолларга салом берасиз, сизни танишгани учун бизни қўйиб юборишади.

– Тавба, тавба. Жинни бўлганми бу қиз? Бунга нима бўлди, билмай қолдим. Бунақа эмасди. Яхшиликка бўлсин ишқилиб.

Нолонни «шоқоллар» сўзи қўрқитганди:

– Мен шоқоллардан жуда қўрқаман. Яна тоғ айиқлари бўлса борми, юрагим ёрилади.

Билқис узиб олди:

– Хавотир олманг, бизнинг шоқолларимиз ҳам, тоғ айиқларимиз ҳам Истанбул шоқолларидан ва шаҳар айиқларидан анча тарбиялироқ, ҳеч бўлмаса, ҳийлани билишмайди.

Нолон хафа бўлиб сўради:

– Бу нима деганингиз? Яъни биз...

Фазли Нолоннинг гапини бўлди:

– Нолон, сен бу қизга эътибор берма, бугун чап томони билан турган шекилли.

– Яхши, лекин Истанбул шоқоллари, шаҳар айиқлари деганда нима демоқчи бўлди, шуни тушунолмадим. Истанбулда катта бўлдим, на шоқол кўрдим, на айиқ.

– Сизнинг шоқолларингиз икки оёқли олифталар, сиз уларни кўрсангиз ҳам танимайсиз. Айиқлари ҳам шунақа, илонлари ҳам... Аммо ҳеч ким билмайди. Чунки улар галстукли шоқол...

Нолон ҳайрат билан яна сўради:

– Бу қизнинг Истанбулга аллергияси борми?

---

[4] Мушмула – раънодошларга мансуб мева.

Чилли жавоб қайтариш учун оғиз жуфтлаганлики, Билқис тўхтатиб қолди:

– Чилли, бир нарса десанг, ўлдираман сени!

Фазли жуда уялган ва мавзуни ўзгартиришга уринарди:

– Мана, Қорачали қишлоғиям кўринди. Нолон, қара, мана бу томондаги қишлоқни кўрдингми, бу Исиранли қишлоғи. Қара, масжид минорасининг учи кўриниб турибди.

– Кўрдим, кўрдим. Ростданам чиройли қишлоққа ўхшаяпти. Қуёш ботаётган томонда, тўғрими? Эртага мени ўша ерга олиб бор, бир кўрай, роса қизиқиб қолдим.

Қишлоққа яқинлашиб қолишганди. Нолон бу қизлар билан келишишни, дугона бўлишни истар, лекин Билқиснинг қўполлигидан безовта бўлиб қолганди. Фазли Билқиснинг қўлидаги тўрвани олмоқчи бўлди.

– Билқис, чарчагандирсан, тўрвани менга бера қол.

– Раҳмат, яхшиямки қўлимдаги тўрвани кўриб қолдинг, сени кўр деб ўйлагандим. Қишлоққа икки қадам қолганда уйғондингми?

Чилли Билқиснинг қулоғига эгилиб деди:

– Сенда уят деган нарса йўқми? Сал қолса, Фазлига нега мени олмаяпсан дея ўқ узасан-а. Сал ўзингни қўлга ол. Жинни бўлдингми?

Билқис жавоб беришдан тортинмади:

– Менга қара, саккиз йилдан бери Фазлига ошиқ бўлган сен эмассан, менман. Шусиз ҳам миямга қон қуйиляпти, сен ҳам асабимни бузма.

Уларнинг гапларини Фазли сезди, Нолондан уялди. Уни чалғитишга уринди:

– Бизнинг қишлоғимиз бу атрофдаги энг чиройлиси. Булоқлари муздек, тоғлари, дараларига эса жон берсанг арзийди. Инсонлари самимий, меҳнаткаш. Тирикчиликларини картошка, буғдой ва маккажўхори билан ўтказади. Қовун-тарвузлари ҳам жуда машҳур.

Билқис яна гап суқди:

– Қишлоғимизнинг ёшлари эса Истанбул қизларига ошиқ.

Фазлининг жаҳли чиқди:

– Чилли, бу Билқисга нима бўлди бугун? Шайтон унга икки мушт тушир, ақли жойига келсин деяптику-я...

Билқис дарров жавоб қайтарди:

– Тавба, тавба... Сенинг шайтонинг таёқдан бошқа нарсани билмайдими? Қани бир уриб кўр-чи!..

Фазли меҳмоннинг ёнида уялгани учун жим бўлишни афзал кўрди. Қишлоққа кириб келишганди. Чилли Нолондан сўради:

– Нолон хоним, қаерда яшаяпсиз?

– Фазлиларникида.

– Онангиз биланми?

– Йўқ, мен ёлғиз келдим. Онам Истанбулда.

– Қанақасига? Истанбулдан бу ерга ёлғиз келдингизми?

– Албатта, нега хайрон бўляпсиз?

– Мен сизга эмас, отангизга ҳайрон қолдим. Ахир, ота деганн қизини ёлғиз бу ерларга юборадими? Ҳайратдаман.

– Менимча, ҳайрон қоладиган нарса йўқ. Менга қолса, қизини тоғларга танҳо юборган ота билан Истанбулдан қишлоққа ёки қишлоқдан Истанбулга қизини ёлғиз юборган оталарнинг ҳаммаси бир хил. Шундай экан, айбдор қидирадиган бўлсак, кўп овора бўламиз.

Чилли бундай жавоб кутмаганидан нима дейишни билмай жим бўлиб қолди. Унинг ўрнига Билқис жавоб қайтарди:

– Нима демоқчисиз? Оталаримизга қарши гапиряпсизми?

– Йўқ, ҳақиқатни айтяпман. Чиллининг саволига жавоб қайтардим. Сизнингча ноҳақманми?

– Албатта, ноҳақсиз. Шаҳардан бир ўзи келган қизни шаҳар бўрилари еб қўймайдими?

– Хўп, бир ўзи тоққа борадиган қизни тоғ бўрилари еб қўймайдими? Бўри деганда ёмон одамларни айтаётган бўлсангиз, улар қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам, тоғда ҳам бўлади, ҳатто чўлда ҳам бор. Шунинг учун фақатгина истанбуллик ота-

ни эса жохил. Менга қара, Фазли! Ошириб юборяпсан. Нолон-
га ёкиш учун ўз халкингни сотишдан ам тоймайсан.
– Сени кўрганлар бу қишлоқнинг адвокати деб ўйлайди, –
деди Фазли. Кейин Чиллига ёлвора бошлади: – Илтимос, Чил-
ли синглим, бу қизга бир нарса дегин. Мени жинни қилади.
Қара, хамма бизга қараяпти. Овозини ўчирсин. Худо ҳаққи,
жим қил буни.
– Ха, ёкмадими, Фазли бей?
– Яхши, яхши тушундим. Сенга тенг келолмайман, чунки
сен жодугарсан.

Нолон уларни тинчлантирмоқчи бўлди:

– Вой, бундай қилманглар, мени деб тортишманглар.

– Майли, бўлди, тугади. Энди айриламиз, сен хафа бўлма,
Нолон.

Бу орада Чилли узр сўради:

– Ростдан, мен хам афсусдаман. Билқис бугун негадир аса-
бий, эртага ҳаммаси яхши бўлади.

– Ҳа, сизга ёқмади-а? Қўлингизга қалам тегди, яна шаҳарни
хам кўрдингиз, дарров халқимизга тепадан қараб, жоҳил деб
билдингизми? Шаҳардаги галстукли, шляпали, ташқи кўрини-
шидан одамга ўхшайдиганларни файласуф, зиёли деб ўйлай-
сиз. Мени кўп гапиртирманглар. Бўпти, хайрли кеч, – дея ач-
чиқ-аччиқ гапирди Билқис.

Нолон хафа оҳангда хайрлашди:

– Хайрли кеч, бундай куннинг оқшоми қандай хайрли бўли-
ши мумкин, билмадим. Лекин барибир хайрли кеч!

ЭРТАСИ КУНИ

– Билкис, тур кизим, кеч бўлай деяпти, – деди Фотима хоним.

Билкис чала уйку билан мингирлади:

– Нима истайсиз? Одамни тинч кўймайсиз, жонимга тегиб кетдингиз.

– Кизим, яна канча ухлайсан? Биласан, бугун хирмонимиз бор. Бир ўзим эплолмайман.

Билкис адёлни бошига тортиб, бакирди:

– Мени кизим деманг демаганмидим? Мен сизнинг кизингиз эмасман, тушунарлими? Менинг онам йўк, йўк!

Шу пайт отасининг овози эшитилди:

– Бу ерда нима бўляпти? Эрталабдан бу нимаси, уят деган нарса борми ўзи сизларда? Менга кара, хоним, кизимга ўгайлик килаверма, билиб кўй, хайдаб юбораман!

Йиллар давомида килинган тахдидлар Фотима хонимнинг жонига теккан эди.

– Ўгай она бўлганим учун умуман гапирмаслигим керакми? Ахир ўз онаси бўлганида кизига: «Тур, кизим, тушлик пайти бўлди», дея олмасмиди? Деган бўларди, бу хам етмагандек урарди балки. Аммо унга хеч ким индолмайди, ўгай она битта сўз айтса, киёмат койим бўлади. Ох, менинг ахмок бошим! Рахматли отам «Ўгай болага ўзингникидек гапирсанг хам, барибир ўгай деб кабул килади. Жохил инсонлар адолатсиз бўлади», деганди, аммо мен бу сўзларни унутдим. Отамнинг сўзлари тўгри бўлиб чикди. Хаммаси жонимга тегди. Ўгай бўлсам хам, кофир бўлганим йўк-ку!

Лакаби кофир бўлган Исмат оға каттиқ асабийлашган кўйи Фотимага якинлашди. Фотима хоним унинг важохатидан кўркиб, дераза томонга караб юрди.

– Якинлашманг, Исмат афанди! Биламан, яна урасиз. Худо хакки, айтинг, мен нима килдим? Мендан нима хохлайсиз?

– Нега кизимни азоблаяпсан?

– Қачон азобладим, нима қилдим, Билқис?

Исмат бекордан-бекорга, ноҳақдан Фотима хонимни урарди.

– Қизимни йиғлатасан, мана сенга, мана сенга...

Билқис отасининг ўгай онасини ураётганини эшитгач, кўрпадан бошини чиқарди ва ётоқдан сакраб тушди. Йирткич қоплон каби ўгай онасининг олдида турди.

– Тўхтанг, ота! Нима учун бу аёлни уряпсиз?

Исматнинг энди қизидан ҳам жаҳли чиқди:

– Менга қара, Билқис! Сенинг арқонинг билан қудуққа тушиб бўлмас экан-ку! Бироз олдин қиёмат кўтарган сен эмасмидинг?

Билқис жанжалкаш, аммо адолатни қўлдан бермайдиган, баъзан эса марҳамат билмайдиган, ўзгарувчан қиз. Яна ўзгарган, аммо адолатли томони тутиб қолганди. Отасига жавоб берди:

– Эрталабдан нега бу аёлни уряпсиз?

– Менга қара, қизим! Ҳозир сенга ҳам мушт тушади...

– Тушади, тушади. Бундан шубҳам йўқ. Инсон адолатсиз бўлса, дуч келганни ураверади.

– Бу нима деганинг, қизим?

– Нима деганимми? Ўгай онамга бақирганим учун мен ҳақ бўлавермайман-ку! Нега қизингиз бўлганим учун дарров мени ёнимни оляпсиз? Унутманг, унинг ҳам отаси бор эди. Ҳамма оталар сизга ўхшаб адолатсиз бўлса, кейин фарзандлари билан бирга ўзлари ҳам йиғлайди.

– Менга насиҳат қиляпсанми?

– Йўқ. Шунчаки ҳақиқатни айтяпман. Мен ҳар қанча Фотима опани яхши кўрмасам ҳам, сиз севишга мажбурсиз. Бундан ташқари, адолатли бўлишингиз керак.

– Худди онангга ўхшайсан.

– Мени онамга ўхшатманг.

Исматнинг асаби жойига тушганди.

– Бўпти, қани дастурхонни ёзинглар, одамга ўхшаб нонушта қилайлик.

Фотима хоним оғзидан оқаётган қонни артиб, ошхонага кириб кетди. Йиғлаган ҳолда ўзига ўзи гапирарди: «Бундай конли дастурхонлар жонимга тегиб кетди. Кофир Исмат! Сенга фарқи йўқ, тўғрими? Чунки сенинг жонинг қийналмаяпти, сенинг юрагинг азобланмаяпти-да, сеники эмас-да бу қалб!» Йиғлай-йиғлай дастурхонни тайёрлади. «Заҳар е, Исмат, луқмамни заҳар қилдинг», дегандек шўрвани косаларга қуйди.

Билкис юз-қўлини ювиб, дастурхонга ўтирди. Ота ва қиз бўлиб ўтганларни тамоман унутганди. Исмат оға Фотима хонимни чақирди.

– Хотин, кел, сен ҳам. Сенсиз бўлмайди барибир.

Фотима хоним дастурхонга истар-истамай келди.

– Оғзимдан оққан қонларни кўришни истаяпсизми?

– Йўқ, бўлди ваҳима қилма. Бир-икки мушт туширдим, холос.

– Ўзидан ожизни хўрлаш учун етмайдими бу? Ўтган куни ҳам Билкис сабабли урдингиз. Мен нима қилдим бу қизга? "Ўгай оналар ёмон бўлади", деб дунёга гап тарқатишган. Ёмон ўгай оналар ҳам бор, аммо яхшилари ҳам бор, тўғрими? Сизлар ҳамма ўгай оналарни бир хил кўрасизлар. Бундай қарашларинг жонимга тегди. Мен бу уйдан кетаман. Отамнинг уйида қотган нон есам-да, одамга ўхшаб яшайман. Сизларникида инсонлигимни унутдим. Гапиришни, ўйлашни унутдим.

Кофир Исматнинг қўлидан қошиғи тушиб кетди.

– Қаёққа борасан?

– Кетаман... Мен қул эмасман... Энг аввало, мусулмон одамман.

– Кет, майли, кетавер. Бу дунёда бошқа хотин йўқми? Яна биттасини олишга қурбим етади. Мен бойман, кимлар қизини бермайди дейсан? Молим етарли, молим. Пулини бердингми, тамом...

Фотима хоним бошини силкитиб деди:

– Оласиз, оласиз. Айтганингиздек, пулингиз кўп, пулга сиғинадиганлар сизга мана шунақа ялтоқлангандан кейин сизга қи-

зини эмас, хотинларини ҳам беришлари мумкин. Тавба, тавба! Сал колса, ёмон гапириб юборардим.

– Нима бўлди? Ё рашк киляпсанми?

– Рашк килмайман, жирканаман. Нафратланаман сиздан ва сизнинг айбингизни беркитганлардан. Раҳматли отам: «Бошкаларнинг оркасидан кун кўрган, одамларнинг хаккини еган золимлар ислом душманларига имкон беришади, инсонийликни пулга сотганлар шундай килгандан кейин ислом адолатига жуда камдан-кам одам ишонади», деганди. Ана шуларнинг бири сизсиз. Сиздан хамма нарсани кутса бўлади.

Исматнинг асаблари таранглашди.

– Кимнинг ҳаккини ебман? Мол-мулкимнинг хаммасини пешона терим билан топганман. Отанг кабрида ётибди, уни тинч кўй. Унинг каби хеч вакосиз ўлиш ниятим йўк. Бой бўлиб ўлганимдан кейин имомнинг ҳам узундан-узок дуо килишини хохлайман. Мен отангга ўхшаб факир холатда ўлмайман, тушундингми?

– Албатта... Сизга ўхшаб, бир бериб, икки олган судхўр эмасди. Отам харом емасди.

– Шунаками? Хўш, нима бўлди? Қабрига тузукрок тош хам кўйилмаган.

– Сизнинг кабрингиз тошларга тўла бўлади. Қани кўрамиз, бирор фойдаси бўлармикан.

Кофир Исмат дастурхонга мушт тушириб, ўрнидан турди. Энди хотинини урмокчи бўлган эдики, эшик тақиллаб колди. Қўполлик билан эшик томонга бақирди:

– Ким у?

– Менман, Чилли!

Исмат оганинг дарров туси ўзгарди. Худди кулиб турган-дек гапирди:

– Кел, кизим, кир ичкарига.

Ичкарига кирган Чилли кандайдир кўнгилсизлик содир бўлганини тахмин қилди. Ясама ҳаракат қилишни билмайдиган Билқис билдириб кўйганди. Чилли ўзини тутолмади:

– Нима бўлди, Исмат амаки, асабингиз бузилганми? Негадир сиқилгансиз.

– Йўқ, қизим, йўқ. Ҳеч нарса бўлгани йўқ. Худога шукр, тинчлик. Кел, ўтир, қизим. Бирор нима керак бўлса, айт.

– Ҳалиги... Исмат амаки! Бугун Билқиснинг иши бор, биламан. Аммо уни сиздан бир кунга сўраб турмоқчиман. Эртага келамиз, ҳамма ишни биргаликда қилиб ташлаймиз.

Исмат ота жуда юмшоқ муомала қилиб, рухсат берди.

– Нима, мен Чиғдемнинг илтимосини ерда қолдирайманми! Уй ишлари учун келишингга асло ҳожат йўқ. Майли, бора қолинглар, қизим.

Икки қиз уйдан чиқишди, йўлда гаплашиб кетишарди.

– Биласанми, Билқис, отанг жуда яхши инсон. Доим кулиб туради, бошқаларни тинглайди. Одамлар уни кофир Исмат дейишига ҳайронман. Шундай одам қандақасига кофир бўлсин.

– Кофирми-мусулмонми, буни билмайман, аммо отам жуда айёр. Ичкаридан мени, ташқаридан сени куйдиради. Бунақа айёр одамни кўрмаганман.

– Нега бундай деясан, Билқис?

– Нега бўларди, бошқаларга яхши кўринишни қойиллатади. Буни қандай қилади, сира ақлим етмайди. Отамни қўя турайлик. Мени нега чақирдинг, шундан гапир.

– Сал олдин бизникига истанбуллик Нолон келди. Қиз келишги аҳволингни роса ўйлабди. Кел, шу қизнинг кўнглини олишга уриниб кўр. Тўғриси, чуцук иш бўлди. Хатони сен қилдинг, аммо бундан мен уялдим.

– Нима қилай, унга қизишиб жаҳлим чиқипти. Ўзим билмаган ҳолда бўлди.

– Асабийлашишми ёки рашкми?

– Қандай истасанг, шундай қабул қил. Рашк қилсам, айбми? Одам севган инсонини рашк қилмайдими? Бу ҳам табиий ҳол.

– Рашк қилсанг ҳам, кеча қилганларинг одамийликка тўғри келмайди. Бунақа рашк сенга ярашмайди. Мен бўлганимда...

– Сен бўлганингда, хозиргача Нолонинг кўзларини ўйиб олардинг.

– Асло... Мени билмас экансан. Бир эркак учун ўзимни хароб киламанми? Севсам ҳам, бир чегара бор, ўша чегарадан ўтмайман.

– Шунақами? Олдин бир севиб кўр, ана ундан кейин сен билан гаплашаман. Олдин мен хам шундай дердим.

Бу орада кишлокнинг дарвеш Алисини кўриб колишди.

Дарвеш Али жуда ғалати одам. Кимлардир уни жинни дейди. Қизларни кўргач:

– Ҳой, кофир Исматнинг кизи, сенга бир саволим бор, – деди.

– Сўранг, Али ога.

– Сени кара-ю, олдимда Али оға, ортимдан Али жинни... Шунақами?

– Йўк. Мен бундай демадим.

– Ҳа, майли. Бемалол айтавер, нима десанг, де. Одамлар аклли бўлгани билан нима бўлди? Ким ҳам бу дунёда мендан бахтлирок яшай олади? Саволимга кулоқ солинглар. Битта бошда икки кўз бор, тўғрими?

Қизлар хайрон қолишди.

– Албатта.

– Хўп, сизнингча, ўнтадан кўз бўлганида одамлар янада тўғрирок ва кўпрок кўрармиди?

– Ҳалиги...

– Билмадим.

– Ўйланглар ва жавоб беринглар.

Дарвеш Али бу саволни бериб, у ердан узоклашди.

Қизлар бир-бирларига караб колишди. Билқис:

– Бу Али ога нималар деб кетди, тушунмадим. Туриб-туриб шунака нарсалар айтадики, одамнинг боши ғовлаб кетади, – деди.

Чиллининг миясига бир фикр келди:

– Нолога хам мана шу саволни бериб кўрамиз, нима бўлгандаям, ўкиган киз.

Билкиснинг асаби бузилди.

– Кўрсатиб қўяман сенга Нолонни. Ундан сўрамайсан.

– Майли, ўзинг биласан.

Билкис «Али оға нега бунақа савол берди, тушунмадим», дея ўзича ўйлай бошлади.

– Яна ўзингча бир нарсаларни ўйлаяпсанми? – сўради Чилли.

– Али оға ростданам жинни, шекилли, ғалати саволлар беради доим.

– Жавоб беролмагач, одамни жиннига чиқариш осонми дейман?

Улар Чиллиларнинг уйига етиб келишди. Энди эшикдан кирамиз деб туришганида қаршиларида ваҳима билан бақираётган Жайрон холани кўришди. Чилли Жайрон холага қараб чопа бошлади:

– Нима бўлди, Жайрон хола? Нима бўлди сизга?

– Қизим, Чилли! Боламга бир нарса бўлди. Тез бор, табибни чақир! Илтимос, тезроқ борақол, қизим!

– Хўп, мана кетяпман. Сиз ваҳима қилманг, хола. Сизга нима бўлди? Ахир анча жасур аёлсиз-ку! Бошқаларга «Ўзингизни қўлга олинглар, ўзингизни йўқотиб қўйманглар», дейсиз.

– Болам, бошқаларнинг жони қийналганда маслаҳат бериш осон, аммо ҳозир жасурлик қиладиган ҳолим қолмади. Бор тезроқ, ёшсан, тезроқ хабарини бер. Чопақол, қизим, илтимос!

Чилли нариги қишлоқ четида яшайдиган табибникига чопиб кетди.

Орадан кўп вақт ўтмасдан табиб келди. Жайрон холанинг невараси Ризо каравотда ётар эди. У тинмай титрар, ҳамма жойи шишиб кетган, жон аччиғида бақирарди:

– Она! Мени қутқаринг, қутқаринг, она!

Боланинг азоб ичида бақиришига Чилли билан Билкис чидолмади. У ердан чиқиб, тўғри Фазлининг уйига қараб йўл олишди. Фазли, онаси ва Нолон бирга овқатланиб ўтиришар-

ди. Қизлар эшикни тақиллатиб, ичкарига киришди. Нолон ва Фазли ўринларидан туришди.

Нолон:

– Келдингизми? Эрталабдан бери сизларни кутаман, – деди.

Фазли эса аччиқ қилди:

– Қизлар, мени Нолоннинг олдида шарманда қилдиларинг.

Билқис Фазлига умуман қарамади. Чилли хижолат тортган, ўзини оқлашга уринарди:

– Узр сўрайман. Жайрон холанинг невараси касал экан. Унга табибни чақириб келдик. Шунга кеч қолдик.

Ўтириб, ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин Чилли деди:

– Дарвеш Али бизга бир савол берди, ҳайрон қолдик.

– Қанақа савол экан? – қизиқсинди Нолон.

– Бир инсоннинг бошида ўнта кўзи бўлса, янада яхшироқ кўрадими?

– Сизлар нима дедиларинг?

– Ҳеч нарса демадик. Нима деб жавоб беришни билмадик.

– Ростдан ҳам қизиқ савол.

Фазлининг онаси Дўне хола жавоб қайтарди:

– Ҳеч нарса ўзгармайди, қизим, ўша икки кўз кўрган нарсани кўради. Инсоннинг кўзлари ақлига, ирфонига кўра кўради.

Фазлининг асаби бузилди:

– Она, маърузангизни қўйинг. Булар илмий масалалар, сиз тушунмайсиз.

– Нега, ўғлим? Ўзларингча илмли бўлиб қолдиларингми? Нима, биз илмли одамларни танимаганимиз учун одам эмасмизми? Бизда ақл йўқми? Мен илмларингни билмайман, аммо сени одам бўлсин дея ўқитдим. Энди эса мени умуман гапиртирмайсан шекилли. Сен илмий деган нарсангни билмаганим учун айбдорманми? Ох, мен ўша одамни бир кўрсам эди...

– Она, у одам эмас..

– Нима, ҳайвонми?

– Она, сиз тушунмайсиз. Қўйинг бу тортишувларни.

– Мен тушунмайман, тўғри, битта нарсани биламан: бу илмий деганинг нима бўлса ҳам, унга сажда қила бошлаганингдан бери на фарзандлик қолди сенда, на дин-имон...

Қизлар гап кўпайиб кетмасин дея мавзуни ўзгартиришни исташди, аммо Билқис Дўне холанинг тарафини олди:

– Катта раҳмат сизга, Дўне хола. Бу Фазли бейга ўзи бир нарсалар бўлаётганди. Унга яхши дарс бериб қўйдингиз.

Фазлининг жаҳли чиқди. Нолон нима бўлар экан дея эшитиб ўтирарди.

– Менга қара, Билқис, сен нега бунақа ўзгариб қолдинг ўзи? Илтимос, тушунтириб бер

– Сенда ақл бормики, тушунсанг. Университетга кирганингдан кейин нималар ўзгарди, бир қара. На каттани биласан, на кичикни. Шаҳарлик олифталар жуда яхшилек икки кундаёқ уларни маданиятлига, бизларни қишлоқлик мутаассибга айлантирдинг. Мана шуни тан ол. Мен ҳам Истанбулга борганман. Болалигим ўша ерда ўтган. Аммо сенга ўхшаб эркаланиб кетмадим. Олдинлари намоз ҳам ўқирдинг, ҳозир ўқимай қўйганингга имонинг сусайиб кетибди.

– Сен бор, масжидда имом бўл. Сендан яхши домла чиқади. Ўзи динни тушунасанми? Нега бу нарсаларга аралашяпсан?

– Динсизманми?

– Билмайман. Мен сенда умуман динни кўрмаяпман.

– Жанжални бас қилинглар, ўғлим. Сизлар шунака тортишасизларки, эр-хотин ҳам сизларга ўхшаб уришмайди.

– Албатта, бундай қилишмайди, она. Яхшиям эр-хотин эмасмиз, Худо сақласин.

Билқиснинг бирдан кўзлари олайиб кетди:

– Аслида Аллоҳ мени сендан сақласин!

Нолон кула бошлади.

– Ишонинглар, бунчалар қизиқ ҳолатни кўрмаганман. Қанчалар чиройли тортишяпсизлар...

Дўне хола яна гапга аралашиб, мавзуни ёпди:

– Овқатланиб бўлгандан кейин бироз айланиб келинглар. Кичик булоққа боринглар. Истанбуллик қизимиз сувларимизни кўрсин, бизга ҳавас қилсин.

– Мен шусиз ҳам сизларга ҳавас қиламан, Дўне хола. Мен ҳеч қачон шаҳар ҳаётини мақтамаганман, умуман ёқтирмаганман. Бу ерлар қанчалар чиройли. Йўлларда бензин иси, машина овозлари йўқ, сутларингиз ишончли, бизга ўхшаб шубҳаларга тўла эмассизлар. Биз ичган сувдан бошлаб ёғимизгача, еган гўштимизда ҳам сохталиклар бор. Технология деган нарса одамларни жуда зўриктириб юборган.

– Қизим, технолог деганинг нимаси?

– Технолог эмас, хола, технология. Технология сизнинг тилингизда янги чиққан нарса. Машиналар, фабрика ва бошқа нарсалар.

– Она, технология нималигини ҳали ҳам билмайсиз-а...

Нолон Фазлига жавоб қайтарди:

– Нега уяласан? Онанг билган ҳамма нарсани сен биласанми? Бунинг устига, онаси уни ўқитмаган экан. Сени мана шу онанг ўқитган. Ўқиб, билим эгаллаб, онадан уялиш... Менимча, кераксиз, жуда ноқулай ҳолат. Сенга бунақа ҳаракатлар умуман ярашмайди.

Билқис ҳам жим бўлиб қолганди. Нолон унга қараб давом этди:

– Ростданам, қишлоқларингизга ҳайрон қолдим. Ҳар бир ҳаракатингиз самимий. Сохталикдан узоқ инсонларсиз.

Фазли Нолоннинг гапларидан асабийлашди:

– Нолон, сенга бир нарса бўлди, бир йилдан бери мана шунақа қолоқ нарсаларни мақтайдиган бўлиб қолдинг.

Чилли ҳайратини яшира олмади:

– Демак, олдиндан танишмисизлар? Буни нега яширдиринг?

Нолон елкасини қисиб, «билмадим» дегандек жавоб қи

Унинг ўрнига Фазли баланд овозда гапирди:

– Ҳа, Нолон билан Анқарада танишганмиз. Дам олиш учун бу ерга келдик. Қишлоқдаги мутаассиблар йигит ва қиз дўстлигини ҳали ҳам ҳазм қила олмагани учун яширишга мажбур бўлдим.

Дўне хола сўради:

– Сизлар севишганларданмисиз?

– Албатта, нима қипти? Ахир ривожланган, замонавий дунёда яшаяпмиз.

– Сен замонавий деяётганинг қандай бўлади, болам?

– Яъни никоҳнинг аҳамияти йўқ.

– Сен айтаётган нарсанинг тош даврида ҳам умуман аҳамияти бўлмаган экан... Турмуш қурасизларми?

– Ҳали буни ўйлаб кўрмадик, шунчаки дўстмиз.

– Ўғлим, шаҳарда қиз ва йигитлар бир-бири билан шунақа «дўст»ми?

– Қишлоқда ундай эмас, шунақами? Қишлоқлик қизлар учрашиб, айланишмайдими? Бу қишлоқдаги қизларнинг қайси бирининг севгилиси йўқ?

– Ўғлим, севгани борлиги бошқа масала, тўй қилмасдан эр-хотин бўлиш бошқа. Қишлоғимизнинг қизлари ҳам шаҳардагилар каби кўп нарсани билишмайди. Севги, номус, дўст... Менинг саводим йўқ, саводсиз қолдим. Сенинг ўқишинг, ҳамма нарсани ўрганишингни истадим. Сен бўлсанг, илм одами бўлиб, замонавийлик дейсанми, ана шуларни ўрганиб келдинг. Ҳолбуки, Ҳасан ҳам сенга ўхшаб университетда ўқийди, аммо анча тузалиб қолди.

– *Она... Илтимос...*

Билқис қишлоқлик қиз деган нарсадан қаттиқ асабийлашиб, уйга ботиб қолганди. Бир муддатдан кейин ўзига келди. Мавзу бошқа жойларга кетиб қолгани учун Билқис яна ўша ерга қайтди:

– Нима дединг, Фазли бей, нима дединг?

– Ҳеч нарса, онам билан гаплашаётгандим.

– Йўқ, сал олдин нима дединг? Қишлоқдаги ҳамма қизнинг севгилиси бор, шунақами?

– Шундай десаям бўлаверади.

– Меники йўқ бўлса-чи? Чиллиники бўлмаса-чи? Айб эмасми? Ҳаммага тухмат қиляпсан.

– Бундан нега асабийлашасан? Ҳамма севиши мумкин.

– Албатта, севиши мумкин. Бизнинг қишлоқ қизлари кимни севишни билмагани учун бир тийинга қиммат олифталарни севади, ана ундан кейин мана шунақа ҳайрат билан қараб туришади. Сенга бир гап айтиб қўяй: мен бир саводсиз, ёш қизман, аммо кўп нарсага ақлим етади. Бу қишлоқда севгилиси йўқ қиз бўлса, у Чиллидир. Менга келадиган бўлсак, мен бир маймунни севгандим. Энди севмайман, тушундингми? Севгимни муносибларга бераман. Шаҳар қизлари ҳақида ҳам, қишлоқ қизлари ҳақида ҳам бошқа бундай дема. Менимча, ҳар иккиси ҳам бир. Икковининг ҳам орасида номуслилари ва номуссизлари бор. Лекин шаҳардагилар муҳитга мослашиш учун кўпроқ ҳаракат қилишади. Шаҳарда инсонлар бузилиши учун сабаблар кўпроқ. Фақат ҳақиқат шуки, таълим олмаганимиз сабабидан биз билимсиз яшаймиз. Бунда бизга таълим бермаганларни эмас, бизни айблаш адолатсизлик бўлади. Аслида озгина таҳсил олганларнинг ўқимаганларни менсимаслиги жоҳиллик. Аммо ким ҳам буни тушунарди?!

Билқис ўрнидан туриб, гапида давом этди:

– Шу кунгача бошқалардан зарба егандим. Бугун ўзимга ўзим зарба бердим. Мен сизлар билан бормайман. Сенинг гапларинг асабимни бузяпти.

Кўзлари ёшга тўлган Билқис эшикка қараб кетар экан, Нолон уни тўхтатди:

– Билқис, илтимос, қол.

– Раҳмат. Мен асабий одамман. Сизларга мослаша олмайман

Дўне холанинг илтимоси ҳам фойда бермади. Билқис қишлоқ майдонига борганида миясида турфа ўйлар ғужғон ўй

нарди. «Мен нега ҳақиқатни кўра олмадим? Агар ўнта кўзим бўлганида, Фазлнинг асл юзини кўра олармидим?.. Йўқ! Яхшиси, Дарвеш Алини топай ва ундан билиб олай жавобини...»

Қишлоқ майдонидан қайтиб, масжидга борди. Дарвеш Али масжид ҳовлисида ўтирарди. Энди уни чақирмоқчи эдики, ўгай онасини кўриб қолди.

– Қаёққа кетяпсан, Билқис?

– Ҳеч қаёққа, ўзим айланиб юрибман.

– Йиғлаганга ўхшайсанми? Нима бўлди?

– Эътибор берманг, сиз бораверинг.

– Ёки бирор дардинг борми, қизим, менга айта қол.

– Дармон бўласизми?

– Бу нима деганинг, Билқис? Нега менга бунақа муносабатда бўласан, ҳеч тушунмайман. Сенинг бу туришинг мени хафа қиляпти. Бугун Чилли билан бўлишинг керакмасмиди?

– Сўзимдан қайтдим. Мени кўрганингизни отамга айтманг. Ўзим бир айланиб уйга келаман.

– Майли, майли. Сен хавотир олма, айтмайман.

Билқис масжид ҳовлисида турган Дарвеш Алини чақирди.

– Али оға, Али оға! Оға!..

– Кел, бирор нима сўрамоқчимисан?

– Ҳа...

Билқис ҳовлига кирадиган тахта эшикни очиб, Алининг ёнига борди.

– Али оға, берган саволингизнинг жавобини билишни истайман. Ўнта кўзим бўлганида, тўғрини кўра олармидим?

– Йўқ, кўзлар шакл ва рангларни кўриш учундир. Тўғрини кўз эмас, ақл ва руҳ кўради. Агар илм йўл кўрсатувчи бўлса, киши тўғри йўлда юради. Сенда миллионта кўз бўлса ҳам, яшил ўтларни яшил рангда кўрасан. Ўйлаб, ақлинг, фикринг билан қарайдиган бўлсанг, бу юртларда шунақа кўп нарсани кўрасанки, гўёки сеҳрланиб қоласан.

– Али оға, яхши гап айтяпсиз, лекин маъноси жуда чуқур. Сўзларингизни ҳазм қилолмаяпман. Мен бугун жуда хафаман. Ўзимдан жаҳлим чиқяпти. Мен ўзимни кўришни истайман...

Дарвеш Али ўйланиб, бироз тин олгандан кейин деди:

– Биз бошқа инсонни эмас, ҳатто ўзимизни ҳам танимаймиз. Ҳатто Роббимиздан ҳам хабаримиз йўқ. Бекордан-бекорга яшаб, бўшлиғимизни гуноҳлар билан тўлдиряпмиз. Кейин эса инсонлардан келган зарбани кўргач, ҳайратга тушамиз. Аммо бу ҳайрат ўзимизга зарба келиб урилгандан кейингина пайдо бўлади, динимизга тушган зарбалар бизни ҳайратга солмайди. Умуман эътибор бермаймиз. Менимча, сен севган инсонингдан зарба олгансан. Асло хафа бўла кўрма. Баъзилар зарба егандан кейин ўзига келади, баъзилари эса зарба еган сайин ўзини йўқотиб бораверади. Бир Аллоҳнинг дўсти демишки:

Инсон бу дунёга танҳо келиб, танҳо кетар,
Ё бол билан тўлар, ё бўм-бўш бўлиб кетар,
Ким Ҳаққа қул бўлар, ким шайтонга йўлдош,
Кимга гул ва чечак, кимга калтак етар.

Ҳамма ёлғиз туғилиб, ёлғиз кетади, ҳатто мингта эгизаги билан туғилса ҳам. Шунинг учун ўзимизни танишимиз керак. Ана шунда яқинларимизнинг руҳиятини жуда тез тушунамиз. Ҳозир ўзимизни англай олмаймиз-у, бошқаларни қаердан биламиз? Тушунсак, нима фойдаси бор? Яхшиси, энг гўзалига харидор бўлишдир.

– Энг гўзалини биламан...

– Билишни ҳам билишга муҳтожмиз. Билиш жуда дақиқликни талаб қилади. Билиш билиб олишга ҳаракат қилишдир. Ҳар нарсага меъёр берган Аллоҳнинг қонунларини билиш ва бу қонунларга кўра қадам ташлаш лозим. Қисқаси, «Илм –

илмга толиб бўлиш, тасаввуф билан йўғрилишдир», дейишган. Сен ва сенга ўхшаганларнинг тасаввуфни билиш у ёқда турсин, ҳатто ўзини билишга оид ҳукмларни биладиган илми йўқ. Аллоҳ халқимизга ёрдам берсин. Гарчи яшашимизнинг ўзи ҳам катта ёрдам, аммо буни ҳам билмаймиз. Аллоҳ бир қавмга берган неъматини токи улар ўзларини ўзгартирмагунларича ўзгартирмас.

– Али ога, сиз кўп нарсани билар экансиз. Нега сизни менсишмайди, нега сизга қулоқ солишмайди?

– Улар сажда қиладиган диплом менда йўқ, шундан бўлса керак. Агар менда бир диплом бўлганида эди... Гарчи кўп нарсани билмайман... Барибир, агар дипломим бўлганида менга қулоқ солишарди.

– Дипломга кимлар сажда қилади қишлоғимизда?

– Ким бўларди, шу одамлар-да. Кўзини лавозим кўр қилган одамлар бир-икки гап айтсанг, «Маълумотинг қанақа?» дейишади. «Менинг маълумотим йўқ», дейман. Қўлингда дипломинг бўлмаса, илмингни исботлай олмайсан. Чунки бизга ўхшаган дипломсиз ўқиганларни фақатгина исломий таҳсил олганларгина тушуниши мумкин. Сен хафа бўлма, Билқис. Қара, мен хафа бўлганим йўқ. Бир-икки кишига бир нарсаларни айтиб бериб, йўлимда давом этяпман.

– Тўғриси, сизни бунақа деб ўйламагандим. Сизда яширин хазина бор экан, мен эса бундан бехабар эканман.

– Қанақа хазина?

– Нима дейишга ҳам ҳайронман. Ростдан ҳам, сизни яқиндан билганим учун хурсандман. Аммо нотўғри йўналишда кетяпсиз.

– Қайси йўналишда?

– Қаранг, сиз ҳақиқатга ишонадиган одамсиз. Аммо ўзингизни ҳурмат қилдиришни билмайсиз.

– Қўявер... Мен шундоғам яхшиман. Мени кўрганлар ўринларидан турмасин, «жинни» дея мушт туширишсин, шуниси менга яхшироқ. Муносиб бўлмаган илтифотни кўришдан

кўра лойик бўлмаган тепкини ейиш яхширок. Аклини учта нарса билан банд килмаган инсон тўгри дея ишонган нарсаси хакида битта сўз эшитса, кулогини динг килади. Хамма нарсага эътибор каратаверади. Факатгина инсон амрларига кўра харакат килади. Бошкалари хурмат килса хам, килмаса хам, инсон ёзилган китоби билан бу оламдан кетади.

– Сиз айтган уч нарса нима?

– Шон-шухрат, пул ва шахват. Мана шулардан бирига бериліб кетади кўпинча.

– Тушунмадим, Али ога, пул топиш, еб-ичиш хароммиʼ? Бир кишини севиш шахват деганими? Агар шундай бўлса, инсонлар...

Дарвеш Али унинг гапини бўлди:

– Йўк. Булар хаммаси бошка-бошка нарсалар. Масалан, одамнинг кўзи пулдан бошка нарса кўрмаса...

– Хўш?

– Ҳаммаси аниқ, у пулга сажда қилади. Аммо пулга сажда қилмасдан, қуллик вазифасини бажараётганда пулни халол йўл билан топса, ана унда муаммо эмас. Шахват хам шунака. Ҳамма нарсанинг ҳалоли жоиздир. Ҳеч нарсани ва хеч кимни Аллоҳдан ортиқ севмаслик керак. Масалан, сен севган инсонингни Аллоҳдан кўпроқ севасан деб ўйлайман.

– Йўғ-ей, ундай эмас...

– Шошма, ўйламасдан ундай дема. Аллоҳ сени тарк этганини, энди қул сифатида ёқтирмаслигини билсанг, хафа бўласанми?

– Албатта, жуда ҳам.

– Хўп, шу пайтгача ўйлаб кўрдингми, Аллоҳ сени севадими-йўқми?

Билқис дудуқланиб, жавоб бера бошлади.

– Ҳалиги... Ёлғон гапириб нима қилдим, буни ўйлаганим йў

– Аммо севган инсонингни минг марталаб ўйлагансa

тўғрими?

– Жуда тўгри. Биров эшитиб қолмасин, сизга ишонганим учун бу гапларни айтяпман. Тушунадиган бир кишига ичимни тўкишим керак.

– Ҳақсан. Фақат шу тавсиямни унутмаки, ҳеч нарса Аллоҳдан ортиқ севилишга лойиқ эмас. Бу нарса тавсиядан кўра кўпроқ исломнинг тамал қоидасидир. Аллоҳни қаттиқ севадиганлар уни севишнинг қийматини шундай яхши тушунишганки, Уни севганга қул бўлишга ҳам рози бўлишган.

– Менинг севгимнинг Аллоҳ севгисига алоқаси йўқ.

– Бугун йўқ бўлса, эртага бўлади. Бунга қанча мисоллар бор. Лайлини севиб туриб, муҳаббатлари Мавлога йўналтирилган. Фақат сўзларим ёдингда қолсин. Бир кун Унга қайтсанг, ана шунда бу сўзларимнинг маъносини тушунасан.

– Кимга қайтсам?

– Унга.

– Ҳозир айтганларингизни тушунмадим.

– Қайсини?

– Севганларни деганларингизни.

– Аллоҳни севганлар У зотни севганларга, яъни Аллоҳнинг дўстларига, авлиёларга хизматда бўлишни исташган. Бир ўйлаб кўр, Аллоҳни шунчалар қаттиқ севишадики, Уни севганларга хизматкор бўлганлар бор.

Ҳақдан ҳикмат сенга,
Ҳайрондир, уммат сенга!..
Еритдинг дунёмизни,
Ташаккур ва раҳмат сенга.

Ҳақ шундай севдики сени,
Зор бўлар жаннат сенга.
Ойлар кўнгилда чарогон,
Раҳбар бўлди суннат сенга.

– Доим сизни эшитсам дейман, менга ҳузур беряпсиз.

– Мен эмас, сенга ҳузур бахш этаётган илоҳий сўзларнинг нуридир.

– Мен сиздан нимани сўрашга келдим ва нималарни эшитдим. Раҳмат, Али оға, раҳмат.

– Шунча гапларимиздан нимани тушундинг?

Билқис бироз ўйлагандан кейин жавоб қайтарди:

– Фикрларим чалкашиб кетди. Аниқ уч нарсани тушундим. Аллоҳдан бошқа ортиқроқ севишга лойиқ ҳеч нарса йўқ. Иккинчиси, кўзлар шакл ва рангларни кўриш учундир. Асл ҳақиқатни ақл ва руҳ кўради, илм йўлбошчилик қилади. Учинчиси эса ўзингни билмай туриб, бошқаларни била олмайсан. Мана шуларни ўргандим.

– Офарин! Ростдан ҳам, мана шуларни тушунган бўлсанг, сен ҳали кўп нарсани тушунасан. Қара, отанг келяпти.

– Унақада мен кета қолай. Сиздан сўраганларимни бировга айта кўрманг.

– Қўрқма, мусулмон Аллоҳ учун сир сақлайди. Сир сақлаганни шайтон кўпроқ туртади, аммо курашамиз. Бундан хавотир олма.

Билқис нима деб ўйлашни билмайдиган ҳолда уйига қараб кетар экан, Фазлиларнинг уйида гап Билқис ҳақида борарди. Чилли сирни фош қилиш вақти келди деб ўйлаганди. Шунинг учун “Бу қиз ўзидан кетиб қолибди”, деган Фазлига шундай жавоб қайтарди:

– Ҳеч қанақасига ўзидан кетиб қолмаган, фақатгина бечора саккиз йилдан бери сенга ошиқ. У сени севгани учун ўзини лаънатлаб юрибди.

Фазли ҳайрон қолди.

– Нима?! Мени севадими?

– Ҳа, асабийлигининг сабаби ҳам шу. Нолон хонимни ҳам шунинг учун ёқтирмади.

Нолон ҳам ҳайрон бўлиб қолганди.

– Менимча, Билкис ҳақ, – деди у. – Мен бўлсам ҳам, шундай қилган бўлардим. Лекин тушунмаганим шуки, севмайдиган кишига нега суйкалади, ҳамма ҳам севишга муносиб эмас.

– Фазли, эшитдингми, ўғлим?

– Ҳа, эшитдим. Ҳайронман. Демак, «Мен ҳам бир аҳмоққа кўнгил бердим», деганида мени назарда тутган экан-да.

– Ҳа, сен эдинг.

– Бизнинг фалсафа устозимиз шундай дерди...

– Ўғлим, қўй ҳозир устозингни, у нима деса деяверсин. Билкиснинг қалбига сўзини ўтказа олмайди. Тўғриси, роса хафа бўлдим. Аммо сен Нолонни қизимизни севибсан, нимаям қилардик, тақдир.

– Нолон бўлмаганида ҳам, Билкисга уйланишим мумкин эмасди. Дунёқарашларимиз бошқача, бир-биримизни тушуна олмаймиз...

Чилли Нолонга қараб:

– Кўп қолиб кетдик, Нолон, бир айланиб келамизми? – деди.

– Фазли ҳам борса бўладими?

– Иккимиз бўлсак, яхшироқ бўларди. Қишлоғимиз аҳолиси урф-одатни ҳали тарк этгани йўқ...

Бирга уйдан чиқишди, қишлоқдан чиқаверишдаги дарахтнинг тагига ўтиришди. Нолон расм чизишга арзийдиган бир манзара изларди. Бир томондан хаёли Билкисда. Сабри чидамай сўради:

– Чилли, Билкис ҳикоясини гапириб бер, жуда ҳам қизиқяпман.

– Буни мен ҳам билмайман. Сулаймон пайғамбар тахтини олиб келганини бобом айтиб берганди.

– Қанақа тахт экан?

– Билкиснинг тахти-да.

– Билкиснинг тахти борми?

– Менда бунча билим йўқ. Қуръонда шундай ёзилган экан.

– Нима? Қуръонда Билкис ҳикояси борми?

– Ие, сен бизнинг Билкисни айтяпсанми? Вой, Худойим.
Мен Билкис хикояси десанг, бошка Билкис хаёлимга келибди.
Иккови хам бир муддат кулгандан кейин Чилли гап бош-
лади:

– Билкиснинг нимасига кизикяпсан? Сен сўра, мен айтай.

– Хаммасига, хамма нарсага.

– Аслида жуда самимий киз. Бунинг устига, Билкис киш-
логимизнинг энг яхши кизи. Нима бўлибди-ю, Фазлини се-
виб колибди. Фазли ростдан хам жуда ўзгариб колган. Олдин
у тушунадиган йигит эди. Шахар хаёти унинг рухини остин-
устун килибди.

– Яъни ўзлигини демокчимисан?

– Огамнинг айтишича, биз рух деймиз, аммо хамма нарса-
нинг номини ўзгартириб ташлашибди. Аллохга хам ном то-
пишди ўзларича. Аллохни табиат дейишади, хазрат Мухам-
мадни эса файласуф. Астагфируллох!

– Оганг кизик гап айтибди.

– У доим шунака. Менинг биргина дўстим огамдир. Мени
жуда яхши кўради ва доим кадрлайди. Огамнинг «Сени жуда
кадрлайман, синглим, сен биттасан», дейишини хеч нарсага
алмашмайман. У жуда оз, лекин соз гапиради. Хато иш кил-
сам, шунака чиройли тушунтирадики, унга рахмат айтишга
мажбур бўламан. Хар икки гапининг бирида менга «Синглим,
кўнглингни хаммага очма. Бир куни биронтасини ёктириб
колсанг, севмасдан олдин мен билан маслахатлаш. У сенга
ёр бўла оладими, йўкми, бир суриштириб кўраман», дейди.
Жуда тўгри, хаммани танишнинг, билишнинг имкони йўк.

– Тўгриси, оганга хайрон колдим. Кишлокда мана шунака
маданиятли йигит бор экан.

– Огам жуда бошкача одам. Ха, майли, биз Билкисга кай-
тайлик. Билкис Фазлини каттик севади. Уни ўйлаб уйкуларим
кочиб кетади, дейди. Баъзан ўз жонига касд килганга жаноза

қилмас экан, муртад кетар экан, агар шундай бўлмаганида ўзимни ўлдирардим, дейди.

– Вой, роса раҳмим келиб кетди. Биров учун ўзини ўлдиришга арзимайди. Биласанми, мен ҳам бир замонлар биттасини севгандим. Ҳатто тўйимиз куни ҳам белгиланганди. Мана шу карордан икки ойу ўн кун ўтиб, бошқа бир қизга уйланди. Мен учун йиғлаган инсон бошқасига уйланди. Шунинг учун ҳақиқий севгининг тугамаслигига ишонмайман. Унинг тўйи ҳақидаги хабарни эшитган куним мен учун муҳаббат деган эртак йўк энди дегандим. Буни Фазлига ҳам айтдим.

– Демак, сен ҳам яралорсан...

– Йўк, яраланмайдиган даражада ундан узокман. Узоклашдим.

– Кўнглингдан ўчирганингда буларни айтмаган бўлардинг. Демак, ҳали ўчира олмабсан.

– Озрок тўғри, фақат ишонаманки, бир куни кимнидир каттик севсам, унутаман.

– "Руҳий бўлмаган севгилар сўнишга маҳкумдир", дейди огам. Яна тез-тез "Инсон руҳан севса, бир-бирини унутмайди. Инсонларда руҳ қолмаган", дейди ва мен маъносини тушунмайдиган мана бу шеърни ўқиб беради:

Инсондир бу!.. Бир ёрга кўнгил берар,
Ё ҳасрат-ла ёнар, ёки висолга етар.

– Тўғриси, оганг билан танишишни истардим. Жуда ажойиб карашлари бор экан.

– Балки бугун-эрта келиб қолар. Биз Билкисга қайтайлик. Билкиснинг вазияти нима бўлади?

– У билан гаплашаман. Мен Фазли билан турмуш қурмайман, у шунчаки дўстим. Фазли мендаги бўшликни тўлдиролмайди. Ички дунёмни билсанг эди...

– Огамнинг айтишича, ички дунё деган нарса йўк экан, руҳий дунёмиз бор экан. Аммо... нима дерди... Ҳа, эсладим. «Модд-

юнчилар рухга ишонишмагани учун «ички дунё» деб масалани ёпишади», дейди.

– Яъни ички дунё дейиш мумкин эмасми?

– Йўқ, деса бўлар экан, аммо аслида руҳий дунё экан. Билимли одам «ички дунём» деганда руҳий дунёсини назарда тутгани учун зиёни йўқ экан. Лекин нима эди... Ҳа, яна эсладим. Моддиюнчилар атайлаб «ички дунё» каби сўзларни айтар экан. Демак, Фазлини севмас экансан-да?

– Йўқ. Фазлига ишонч йўқ. Ҳар олдидан чиққан қизга умид беради. Қизларнинг ҳисларини суиистеъмол қилади. Манман инсон. Мен бунака дарров севиб қолаверадиган инсонни ёқтиролмайман.

– Дарров севиб қоладиган эмас, тентак десанг тўғрироқ бўлади. Уйланмайдиган қизини алдаган одам бировнинг пулини ўғирлагандан баттар ўғри ва сохтакордир. Фирибгар десак тўғри бўлар. Бунака қизлар ҳам худди шундай.

Нолон кулди:

– Жуда тўғри, аммо истанбуллик, анқараликларни бир кўрсанг эди. Севги номи билан бир-бирларини алдаб юришибди. Шунчалар табиий кўриниб олишадики, ҳайрон қоласан. Мана шундай муносабатлар сабабли ёшлар анчагина бузилиб кетишмоқда. Ишонмагани учун севолмайди, севилса ҳам ишонмайди бечоралар.

– Сен ҳам оғамга ўхшаб гапиряпсан. Агар ўранган бўлганингда, сени диндор деб ўйлардим.

– Ўранганлар диндорми?

– Йўўк. Ҳамма ўранган ҳам диндор эмас. Аммо диндорлар, албатта, ўранган бўлишармиш...

– Нега чайналиб қолдинг?

– Гапиришга юзим йўқ, шундан...

– Сен ҳам менга ўхшагансан, шунақами?

– Қанақа?

– Ўртада қолган. На диндор, на динсиз.

– Шундаймикан, билмадим.

– Биз чукур киришиб кетдик. Биласанми, аслида Худога ишонардим ва...

– Хўш?

– Ха, майли, кўйвер, биз ким-у... Керакмас...

– Хуллас, сенинг хам ичинг тўла экан. Сени бунака очик-очик кўрганлар нималар деб ўйламайди. Айникса, бизнинг Эзо буви кўрса борми. Аслида жуда яхши инсон, сал мутаассиб холос. Очик кийинганларни кўрса, нималар демайди-я.

Чиллининг кўзи сал нарида келаётган аёлга тушди.

– Ана, ўзи келяпти. Хозир, албатта, сенга гапиради. Илтимос, унга эътибор берма.

Унинг гапи тугамасдан Эзо буви етиб келди.

– Хайрли кун, Чилли. Нима киляпсан бу ерда?

– Хеч нарса, ўтирибмиз, Эзо буви.

– Ёнингдаги йигит кимнинг ўгли, таний олмадим.

– Хали и... Эзо буви, у йигит эмас...

– Ким ўзи? Бегонами?

– Ха, мехмон. Истанбулдан келган дугонам.

Эзо буви эгилиб, кўлларини юзига кўйиб, хайрат билан караб турарди.

– Нима дединг, нима дединг? Бу калта юбка, шунаками?

Чилли кизариб кетди.

– Эзо буви, дугонам яхши киз.

– Яхши эканини каердан биламан? Яхши бўлганида Аллохга осий бўлармиди? Мана буни кара! Бошимизга тош ёгилади бу кетишда. Сен канака кизсан, кани ўрнингдан тур-чи!

Нолон ўрнидан турди.

– Вох, вох, ўлибгина колай. Бу нима ахвол, кизим? Сен Аллохдан кўркмайсанми? Одамлардан уялмайсанми?

– Бизга шундай ўргатишган, хола, нимаям килардик...

– Истанбулда аёллар мана шундай юрадими?

– Ха, хола.

– Яна ҳалиги фильмлар бор экан, кинозалларда кўрсатилар экан. Очиқ аёллар бўлар экан. Одамлар бир-бирини кучоқлаб юрар экан, шу ҳам тўғрими?

– Сиз кинони айтяпсиз, тўғри. Ҳатто киноларни уйларига олиб келишган. Телевизор деган нарса чиққан. У ҳам кинога ўхшаган нарса.

– У ҳам очиқ-сочиқ аёлларни кўрсатадими?

– Ҳозирча очиқ саҳналар йўқ. Телевизор халқнинг ахлоқига зид фильмларни кўрсатмайди. Аммо одамларни ўргатишяпти. Кейин... Бир неча йилдан кейин нақ Европа бўлармиш.

– Вой, онам, вой! Мен ўғлимни икки дунёда ҳам шаҳарга юбормайман. Демак, шунинг учун ҳам ёшларимизда шунақа тез ўзгариш бўляпти экан-да. Хўп, ўғлим... йўқ, қизим... Истанбулда Аллоҳдан қўрқадиган мусулмон йўқми?

– Нега йўқ бўлар экан, бор, албатта.

– Улар сизларга ҳеч нарса демайдими? Шаҳарлар кофирлашиб кетдими?

Чиллинииг жаҳли чиқди.

– Бу нима деганингиз, Эзо буви? Нега кофир бўлишади?

– Чунки мусулмонликдан асар ҳам йўқ. Сенга нима бўляпти? Сен жим бўл, мен бу қиз билан гаплашяпман. Мен Истанбулга борсам ва у мени кўрса, «Бу қанақа кийим?» демайдими?

– Йўқ, хола. Диндорлар ҳам бор деяпман-ку, унчалик ҳайрон қолманг. Айтганларингизнинг ҳаммаси бир куни қишлоқларга ҳам келар экан. Ҳукумат сўз берибди. Олтмиш етти вилоятга, мингалаб қишлоқларга, туманларга телевизор олиб бориб, халқни мамнун қиламиз, дебди.

– Йўқ, йўқ. Бизнинг қишлоққа ҳеч ким бунақа нарса олиб киролмайди. Мен ўлдимми!?

– Сизни ҳам аста-секин ўргатишади. Сиз ҳам билолмай қоласиз. Халқ буни қабул қилмайди, деяпсиз. Лекин мен бундай фикрда эмасман, чунки шу кунларда Истанбулда жуда машҳур

бўлиб кетли. Пули бор хам, йўк хам оляпти. Кишлоклагилар буига каршилик килали леб ўйламайман.

– Сен кишлоклошларимизни ким леб ўйлаяпсан? Биз Аллохимизни, динимизни биламиз.

– Албатта, биласизлар, бирок шахарла бўлгани каби кишлокла хам линдорлар жула кам. Мен хаммасини кўрлим.

– Бу киз мени жинни килали. Отам, бечора онам мана шу ганларни эшитмай ўлиб кетли. Кофирлар болаларимизни очинтиришали, номусларига ташланишали леб йиғлардилар доим. Сентирган... ўхшаб юрганларга карайдиган бўлсак, Аллох, Куръон унуга ўхшаб юрганларга карайдиган бўлсак, Аллох, Куръон унутилибли.

Эзо буви йиғлаб узоклашар экан, хайрлашишни унутганди. Чилли эса роса уялиб кеттанли. Нолонга караб турарли.

– Нима лейишга хам хайронман, илми йўк, мутаассиб лелим-ку сенга. Хафа бўлма, Нолон. Бечора кишлоклаги етти холалонила телевизор борлигини билмайли хали.

– Сен нега бунча хафа бўляпсан, тушунмалим.

– Бировнинг шахсий хаётига аралашишга хакки йўк. Нега сенга аралашяпти? Огам одамнинг хатосини тўғри юзига айтганларини кўрса, жахли чикали. «Мусулмон илмли бўлиши керак. Факаттина табассум билан айтиши зарур», лейли. «Хамманинг хар хатосини "Нега бундай киляпсан?" леб дарров юзига солмаслиги зарур, бошка йўллар билан билдириши лозим», лейли.

– Албатта, тўғри. Оганг исломнинг умумий коидаларини айтибли. Бу хола бундан мустасно. Менимча, бизнинг маданий леб билган хаётимиздан анча маданиятли бу аёл.

Чилли кўзларини хайрат билан очиб сўрали:

– Тушунмалим, нима лединг? Кулокларимга ишонолмаяпман.

– Бизнинг таниш хонимлардан анча маданиятли.

– Буни тан олиб айтмаётганинг аник. Бу Эзо бувининг невараси маданиятли, сал колса, сени уриб кетарли.

– Шахарлагилар хам бу ишни килали. Бундан баттарини

– Қанақасига?

– Сенга эсимда қолган уч воқеани айтиб бераман. Эшитишни хоҳласанг, албатта.

Шу пайт пешин намози учун азон чақирила бошлади.

– Қара, азон чақириляпти. Сен намоз ўқийсанми?

Чилли қизариб кетди.

– Ҳалиги... йўқ, ўқимайман, нега сўрадинг?

– Бир жойда ўқигандим, «Намоз диннинг тиргагидир», деб ёзилганди. Демак, сенинг диндорлигинг тиргаксиз, тамалсиз. Худди меникига ўхшаш. Нималар деяпман-а... Майли, мавзумизга қайтайлик, уч воқеани айтиб бермоқчи эдим.

Чиллининг кайфияти тушиб кетганди.

– Ҳа, айтақол, – деди.

– Мактабда ўқирдим. Адашмасам, бошланғич мактабнинг охирги синфида эдим. Бир куни ўранган ёшгина бир аёл келди. Гапларидан қишлоқдан экани кўриниб турарди, лекин бошидан оёғигача озода эди. Йўлакда турган уч-тўрт ўқитувчи унга қаради. Улардан бири:

– Келинг, кимни излаяпсиз? – деб сўради. Аёл боласи ҳақида сўрагани келибди, сўради ва кетди. Бир қарасам, Ниҳол устоз шундай кулдики, асти қўяверасан.

– Шу қолоқларни сира тушунмайман-да, – деди.

Унинг гап-сўзлари менга умуман ёқмади. Бошқалар ҳам бирма-бир унга қарши гапириб чиқди. Зайнаб деган ўқитувчи бор эди, жуда жаҳли чиқди.

– Сизлар ҳали таълим берасизларми? Халқни менсимаган ўқитувчи буюк инсонларни етиштира олмайди, – деди.

Лекин бошқа ўқитувчиларнинг кулишлари шунчалар жирканч эдики, Зайнаб устозниг бу гўзал сўзлари мана шу жирканчликни беркита олмади...

Бир куни бизникида онамнинг "гап"и бор эди. Ғийбат урчиган ўша куни кўчадан ўранган бир қиз ўтиб борарди. У бир манзилни излаётган экан. Деразамиз очиқ бўлгани учун биз-

дан борадиган жойини сўради. Унга чиройли қилиб манзил-
ни тушунтиришди. Кетгандан кейин ҳалиги қизни роса ғий-
бат қилишди, аҳмоққа чиқаришди ҳатто. Уйларига хизматкор
қилиб ҳам олишмасмиш. У пайтларда ўрта мактабни тугатган-
дим, шекилли. Ўзимга ўзим «У сизларни хохлармикан?» де-
ўйладим. Ишон, ўша қизнинг устидан кулишлари менга қат-
тиқ таъсир қилди. Ўша кундан бери маданият, муомала нима-
лигини жуда яхши биламан.

Учинчи воқеа эса шундай бўлганди. Онам билан бирга трам-
вайга чиқдик. Қаршимизда ўранган аёл ўтирарди. Йўл бўйи
онам билан суҳбатлашиб кетишди. Кулишди, мазза қилишди.
Аёл «Аллоҳ саломатлик берсин», дея биз билан хайрлашди.
Лекин у кетиши билан онам «Вой, мана шунақалардан нафрат-
ланаман», деди. Бироз олдин яхшигина гаплашиб турган онам
унинг ортидан нималар демади...

Мана, Эдо буви гўёки қолоқ, лекин ўзига ёқмаган нарса-
ни нотўғри йўл билан бўлса ҳам, дарров билдирди. Онамга
ўхшаганлар юзингга кулиб туради, аммо ортингдан шунақа
ёмон гапларни айтишадики, ҳайратдан ёқа ушлайсан. Эдо
бувининг ичи ва таши бир, шунинг учун бунақа инсонлар-
дан жаҳлим чиқмайди. Яхши кўришса, билдиришади, яхши
кўришмаса ҳам.

– Сендан бунақа гаплар эшитаман деб ўйламагандим. Эдо
бувини мутаассиб деганим учун уялтирдинг...

Бироз суҳбатлашгандан кейин Нолон мавзуни ўзгартирди:

– Яна Билкисга қайтайлик. Истанбулдан нега қайтиб келган?

– Билмайман, тўғриси, айтишни истамайман. Буни Билкис-
нинг ўзидан сўрарсан. Тур, бир айланиб келамиз.

– Жуда яхши бўларди. Неча соатдан бери бир жойда ўти-
риб қолдик.

Икки қиз ўринларидан туришди. Қишлоқ қабристони то-
мон юриб кетишди. Бир муддатдан кейин Чилли сўз бошлади

– Сендан бир нарса сўрайман. Ҳозир оёқларимга қараб мана шу савол эсимга тушди, буни Дарвеш Али сўраганди: «Инсон қирқ оёқли бўлганида, нима бўларди?»

– Қирқоёқ каби юрарди, шекилли.

– Қирқоёқ оёқларига пайпоқ киймайди, шим киймайди. Одамнинг танаси икки оёққа мослаштирилган. Қирқ оёғимиз бўлса, умримиз тирноқ олиш, пайпоқ ва оёқ кийимни ечиш билан ўтиб кетарди. Бир ўйлаб кўр, қирқта оёқ... Одам нима қилишга ҳайрон қоларди.

Бу Нолонга жуда ёққанидан кулиб юборди.

– Ўзимни қирқоёқ каби тасаввур қилиб кўрдим. Жуда ғалати бўлиб кетдим.

Нолон кулганидан тийила олмасди. Чилли ҳам куларди.

– Юзта қўлимиз бўлганида-чи?

– Мени кулдиравериб, портлатасан, шекилли, Чилли. Агар тушимда кўрсам ҳам кулавериб, кулгимдан кетган бўлардим. Ростданам, бир ўйлаб кўргин-а, Чилли, бутун жонзотлар ўзига хосликлар билан яратилган. Бири сенга ўйлама, ўйлама деяпти, аммо ўйламасдан бўлмайди. Мана, бир ҳазил қилдик ва ўйлаб қолдим. Аллоҳ яратган бутун жонзотлар оламини кезиб чиқдим. Пашшани дев каби тасаввур қилиб кўрдим. Сен ҳам ўйлаб кўр, роса кулгили. Кўзимиз ўрганса ҳам, танасига мос бўлгани учун яшаш тарзлари ўзгаради. Ҳа, ҳа, тартибсиз бўлади. Тартибга солувчи бор, тартибга солувчи...

– Албатта, бор. Сен Аллоҳга ишонмасмидинг?

– Ишониш билан У зотни таниш бошқа-бошқа нарсалар.

Улар юра-юра қишлоқ майдонига етиб келишди. Қишлоқликларнинг кийимлари билан қарашларидан бегона бўлган Нолон «Тўғри, мен уларга мослашишим керак», деди.

Шу пайт кимдир боласини аёвсиз ураётганини кўрди. Ўша томонга чопа бошлаганди, Чилли уни тўхтатди.

– Тўхта, борма... У одамни сен билмайсан.

– Ким экан?
– Қишлоқнинг энг бойи.
– Хўп, нима қилиш керак?
– Унинг ишига аралаша олмаймиз.
– Мен аралашаман, унинг пули мени сотиб ололмайди. Ҳозир бориб, гаплашаман.

Нолон Чиллига қулоқ солмай чопди.

– Ҳой, инсофсиз! Ёш боланиям шунақа урадими?

Одам ғазаб билан овоз келган томонга қаради:

– Сен ким бўлдинг яна?
– Мен менман, виждони бор одам.
– Сен менинг боламга кимсанки, аралашяпсан?
– Мен инсонман, аралашаман!
– Менга қара, истанбуллик таннoз! Сен олдин лозим кийгин-да, кейин гапир, ҳайвон ҳам сендан ёпиқроқ кийинади.
– Мен яланғочлигим билан ҳайвонга тенг бўлсам, сен марҳаматсизлигинг билан ҳайвонларни ҳам ортда қолдирасан. Ёш болани ҳам шунақа урадими? Сўраса, мусулмонсан, аммо мусулмончилик билан заррача алоқанг йўк. Қара, боланинг оғзидан қон кеяпти.

– Сенинг кимлигинг умуман номаълум! Насронниймисан, яҳудиймисан? Ўзингча келиб, менга мусулмонлик ҳақида гапиряпсанми?

– Мен шу аҳволга тушган бўлсам, бунинг жавобгарлиги сенга ўхшаган марҳаматсизларнинг зиммасида. Аҳволингга бир қара, сенда заррача инсонийлик борми?.. Фараз қилайликки, мен исломни сендан ўрганишим керак...

– Алҳамдулиллаҳ, мусулмонман, албатта. Бола урсак, кофир бўлиб қоламизми?

– Бола уришнинг ҳам ўз чегараси бор. Виждонли инсон боласини урмайди.

– Бор, кет! Бизга ақл ўргатяпсанми?
– Ўргатсам нима бўпти?

– Сен неча ёшдасан ўзи?.. Қоч, кет дедим сенга. Ҳозир бирор шоятга қўл уриб қўяман. Сени бошқа бу қишлоқда кўрмай.

– Бу қишлоқ сенинг қарамоғингдами? Истасам қоламан, истасам кетаман.

Одам Нолонга қараб тез-тез яқинлашиб келар экан, Чилли ўркиб кетди.

– Нолон, илтимос... Тез кел бу ёққа.

– Бормайман. Мени нима ҳам қила оларди?

Жаҳли чиққан одам биринчи марта унга қарши чиққан кимнидир кўраётганди.

– Сен нима хоҳлайсан, калтакми?

– Йўқ, инсонийлик истайман.

Нолон ортга бурилиб кетар экан, «Аллоҳ сенга қаҳр қилсин», деди.

– Сал тезроқ юр, – деди Чилли. – Унинг исми Камол, у билан тортишиб бўлмайди.

Одам уларнинг ортидан қараб қолди. Икки қиз Фазлиларнинг уйига қараб кета бошлади.

– Яхшиямки, унинг жаҳлини баттар чиқармадинг.

– Нима қиларди?

– Билмасам, яхшилик чиқмайди-да. Бу одамда раҳм-шафқат йўқ.

– Мен Истанбулда туғилдим, ўша ерда катта бўлдим, аммо манави одамга ўхшаб ўғлини урганни кўрмадим. Сал қолса, мени қишлоқдан ҳайдаб юборарди. Худди бу қишлоқ отасидан қолгандек. Шайтон мана шу қишлоқдан умуман кетма, деяпти.

– Бу ерда деярли ҳамма нарсада у билан маслаҳатлашилади. Қишлоқдагилар унга муҳтож бўлгани учун истар-истамас «пошом» деб чақиришади.

– Бунақа виждонсиз пошога Аллоҳ балосини юборсин. Одам дегани бегуноҳни ҳам урадими?..

ОРАДАН ЎН БЕШ КУН ЎТДИ

Фазли билан Нолон ҳақидаги миш-миш қулоқдан-қулоққа ўтиб борарди. Кимдир «Фазли ўқигани учун қишлоқ қизларини менсимабди», деса, бошқа биров «Буларда умуман уят деган нарса йўқ, қандай қилиб ўзлари ёлғиз юришибди», дерди.

Билқис эса ўзини қойигани-қойиган: «Ўзига бино қўйган. Аслида ҳамма айб ўзимда. У кимки, ўзимни унинг учун хароб қилай...»

Кунлардан бир куни Исмат оға қизини ёнига чақирди:

– Билқис, қани, бу ёққа кел!

– Нима бўлди, ота?

– Кел, ёнимга ўтир. Сен билан гаплашиб олишим керак.

– Гапиринг.

Исмат қизига бир қур назар солгандан кейин сўради:

– Сен билан кўп нарсани маслаҳатлашмайман, биласан. Онангнинг аҳволини сўрамоқчиман. Мен аёлларни қадрлайдиган хотинқули одамлардан эмасман, аммо барибир сендан маслаҳат олай дедим.

– Онанг деманг, у менинг онам эмас. Яна бир гап, нега энди аёлларни қадрласангиз, хотинқули бўларкансиз?

– Хотин зотига қиймат бермайман-да.

– Қизингиз ҳам бир кун келиб турмушга чиқади. Қизингизни қадрлаган одамни ҳам хотинқули дейсизми?

Исмат оға шошиб қолди:

– Қизим, сен нималар деяпсан, отангдан уялмайсанми? Ўзи сени эркалатиб юбордим. Сал қолса, бошимга чиқиб оласан.

– Сираям эркалатмадингиз. «Сизнинг хотин зоти қадрланмайди», деганингизга жаҳлим чиқди. "Хотин қадрланмайди", деб кимнинг китобида ёзилган?

– Олдиндан шундай бўлган, шундай давом этади, китобни билмадим. Сенга нима бўляпти ўзи? Саволимни беришга ҳам улгурмадим.

– Майли, сўранг.

– Бу Фотима менга умуман ёқмайди. Менга муносиб эмас. Доим қаршилик қилади, уни отасининг уйига ташлаб келсам, нима дейсан?

– Аммо унинг отаси ўлган.

– Майли, мен уни уйига ташлаб келаман.

– Аёл кишини кўчада қолдириш дегани мана шунақа бўлади. Ҳеч кими йўқ аёлга сени куйиб юбораман деб таҳдид қилиш яхшимас.

– Қизим, мени жинни қилмоқчимисан? Ҳам бу аёлни она демайсан, ҳам уни куйиб юбораман десам, бу гапларни айтяпсан. Сенга азият чектирган аёлни нега ҳимоя қиляпсан, тушунмадим.

– Менга ҳеч нарса қилгани йўқ, шунчаки онамнинг ўрнига келгани учун уни ёқтирмайман. Ҳар бир ҳаракати менга оғир ботади. Аввалига унга яхши муомала қилардингиз. «Доим шунақасизлар, олгунча унга қул бўласизлар, олгандан кейин эса уни қулга айлантирасизлар», деганди Эзо буви...

Исмат оғанинг асаби бузилди.

– Менга қара, қизим, онанг билан ажрашганимдан кейин сен ўзингдан кетиб қолдинг. Бу кетишда бебош бўласанми, нима бало? Қанақа қизсан ўзи?! Ҳам ўгай онангни ёқтирмайсан, ҳам уни куйиб юборишимга қаршилик қиласан. Менга қара, мени бекорга кофир Исмат дейишмайди. Сени ҳам кофирга айлантираман. Менга ҳурмат кўрсат ёки турмушга чиқолмай, уйда қолиб кетасан, билиб қўй.

– Майли, қолсам қолай. Онам турмушга чиқиб, нима бўлди? Аёлларни ҳайвон ўрнида ҳам кўрмайдиган кишига турмушга чиққандан кўра, уйда қолганим минг марта яхшироқ.

– Уйда қолиш деганингга эсимга тушди. Сени...

Шу пайт Фотима хоним ичкарига кирди. Исмат оға қўли билан ташқарига чиқишини ишора қилди.

– Чиқ, чиқ, дедим сенга! Кўрмаяпсанми, қизим билан гаплашяпман!

Фотима хоним эшикдан чиқаётиб бир оғиз гап айтишни истади:

– Қизингиз билан гаплашишга ҳаққингиз бор, албатта. Лекин мен яхши гапни тушунаман, инсонларга ўхшаб муомала қилсангиз бўлмайдими?

У секингина чиқиб кетди. Ортидан кофир Исмат бақирди:

– Аллоҳнинг жазосини эмас, қулининг жазосини ўйлаяпман. Бўлмаса бу аёлни аллақачон ўлдирган бўлардим. Ўлдирсам, менга ўлим жазосини беришади. Эх, бу судьялар... Нима учун бунақаларни одам ўрнига қўйишади, билмайман.

– Ота, бу хотинга жуда ёмон муомала қиласиз. Сиз сабабли турмушга чиқишдан ҳайиқиб қолдим. Сал бўлса...

Билқис бирдан ўзига келди.

– Кечирасиз, ота.

– Кечирмайман! Онанг кетгандан кейин роса эркалаб кетдинг. Камол сени ўғлига сўраяпти. Сепингни тайёрла, сени унга бераман.

Билқис бирдан ўзини йўқотиб қўйди:

– Нима? Худо сақласин, ўлсам ҳам унга тегмайман!

– Тегасан. Буйруқни сен эмас, мен бераман.

– Пули учун бермоқчисиз мени, тўғрими?

– Албатта, пули учун. Бўлмаса Камолнинг қош-кўзига учиб турганим йўқ! Яхши яшайсан, қизим.

– Мен унақа турмушни истамайман. У йигит ҳам отасига ўхшаган золим бўлади.

– Онангга ўхшаб кетяпсан тобора!

– Ота! Илтимос, мени мажбурламанг!

Кофир Исмат ҳаммага қилган зуғумини қизига ўтказолмай тишларини ғичирлатар эди.

– Бор, Фотимани чақир!

– У намоз ўқияпти.

– Унинг намози қабул бўладими? Аллоҳ бунақа беўхшовнинг намозини нима қилади?

– Ота, Аллох инсоннинг тузилишига карамайди-ку. Ким нимага лойик бўлса, шуни беради.

– Шунаками? Демак, буларни ҳам биласан.

– Ҳа, биламан. Дарвеш Али айтиб берди.

– Қўй ўша тентакнинг гапларини.

– Ота, у гапирган гапларни сиз аклли деган одамлардан умуман эшитмаганман.

Шу пайт Фотима хоним келди.

– Эшитаман, чакирдингизми?

– Қани, кел, ўтир. Сен кизимни азоблаяпсанми?

– Ундай деманг, Билкисни нега кийнай? У ҳам менинг фарзандим хисобланади.

– Йўк, йўк, мен жа унака содда эмасман, тушунарлими? Қизни кўркитибсан, сени химоя киляпти. Нима, у сенинг мудофаа вазирингмидики, сени ҳимоя килсин?

– Мени хеч ким кўркитмади, ота. Аслида мен унга азоб беряпман, инжикликларимни кўтаряпти...

Билкис йиғлай бошлади:

– Мен канака инсонман, билолмай қолдим. Била туриб, азоблайман. Биз Аллоҳдан кўркадиганлар, инсонийликдан насибасини олганлардан эмасмиз. Дарвеш Али айтганидек, инсон килган амалларига ташкаридан карашни билмас экан, хатосини ва инсонлигини англамайди.

– Шошма, шошма. Қирк йиллик жиннининг гапига качондан бери кулок соладиган бўлдинг?

– Менимча, у жинни эмас, валий.

– Ҳм... Демак, ўтган куни масжид ҳовлисига шунинг учун борган экансан-да. У билан бошка гаплашмайсан. Сенга келсак, Фотима, тайёрлан, отангникига кетасан.

– Бундай килманг, отамнинг уйига юборманг. Менинг сизга зиёним йўк-ку! Айтганингизни икки килганим йўк. Иккинчи марта ажрашсангиз, ҳолингиз нима кечади?

– Бу гапларни қўй. Сени талоқ қилмоқчиман, борми бирор гапинг?

– Айбим неки, мени хайдаяпсиз? Айбимни айтинг, кейин кетаман.

– Кўп гапиртирма мени.

– Шунақами? Мен бу турмушга мана шу қиз учун рози бўлгандим, сизни умуман суриштирмаганман. Иккинчи марта хато қилдим. Ожизлик ва энг катта хато меники. Сизни кечирсам ҳам, ўзимни асло кечирмайман.

– Хохламаслик айбми? Хотин олиш хам ҳуқуқ, талоқ қўйиш хам.

– Сиз ҳақ-ҳуқуқ нималигини биласизми?

– Мен сенга ажрашмайман деган ҳужжат берганманми?

– Мени олаётганингизда қандай ёлворгандингиз, энди нима бўлди бирдан ажрашяпсиз? Сизда Аллоҳдан қўрқиш деган нарса борми?

– Аллоҳ қўрқувини тинч қўй. Сени хоҳламайман, бор гап шу.

– Ёқмай қолдим, шунақами? Менга қаранг, қизингизга ўз қизимдек қарадим. Сиз мени фарзандимдан айирдингиз, аммо мен сизни қизингиздан айирмадим. Сизга фойдам тегмадими?

Билқис орага кирди:

– Нима дедингиз, тушунмадим. Қайси қизингиз? Қанака қиз?

– Менинг хам қизим бор. Отангга тегмасдан олдин шарт қўйдим. Қабул қиламан, деди. Аммо уйлангандан кейин ваъдасида турмади, боламни хоҳламади. Агар хоҳлаганида эди, суд орқали олардим.

– Албатта, турмайман-да. Мен сенинг боланга қарашга мажбурманми?

– Унда нега ваъда бердингиз? У менинг фарзандим эмасми? Бу қилганингиз одамгарчиликка тўғри келадими?

Билқис отасига қаради:

– Ота! Бу аёл сизнинг қизингизга қараяпти, сиз нега унинкига қарамадингиз?

– Карамайман, карамайман. Мажбурманми?

– Ваъда берибсиз-ку. Бундан ташқари, у ҳам она. Онани боласидан ажратиб бўладими?

– Яхши, ажралмасин. Борсин, уни қизига юборяпман. Уни мажбурлаб ушлаб турганим йўқ, қўйиб юборяпман.

– Ота, бундай қилманг.

– Яхши-ку, қизим, сенга ёшроқ она олиб келаман.

– Мен тирик эканман, бу уйга Фотима опадан бошқа аёл киролмайди. У ўлса, балки ўшанда бўлиши мумкин.

– Унақада мен уни ўлдираман.

– Ота!

– Гапир, болам, гапир. Роса бошимга чиқиб олдинг.

– Агар бу аёл уйдан кетадиган бўлса, мен ҳам бу уйда қолмайман. Ахир унга болангни олиб бераман деб ваъда берган эконсиз. Ваъдангизда турмаганингиз етмагандек, яна уни қийнаяпсиз.

– Мен кўчадаги ҳаромига қарашга мажбурманми?

– Унақада мен ҳам унинг назарида ҳаромиман. Демак, у ҳам менга қарашга мажбурми?

– Менга қара, қизим...

Тортишув тугай демасди. Кофир Исмат Фотима хонимни ота уйига олиб бориб қўйишга қатъий қарор қилганди.

Эртаси куни оғилхонада сигир соғаётган Фотима хоним кутилмаганда қаршисида Билқисни кўрди.

– Сигирни бугун мен соғмоқчиман, – деди Билқис. – Ҳам нега йиғлаганингизни билишни истайман.

– Оҳ, қизим, нега йиғламай? Қизимни кўролмаяпман. Яна ажрашадиган бўлсам, одамлар «Икки марта эрга тегди, эплолмади», дейди. Яна бир марта турмушга чиқсам бўлмайди, тегмасам ҳам бўлмайди. Ёшим ўттиздан ўтди, қизим. Одам бир дўст излайди, дўст. Тушунадиган дўст излайди. Мендан сенга тавсия: асло бераҳм инсонга турмушга чиқа кўрма. Ажрашган деган ном олиш жуда қийин, қизим. Эркаклар ўн марта уйланиб, ажрашса, уларга «офарин» дейишади. Аёл учинчи марта

турмушга чикса, унга зино килган аёлга карагандек карашади. Мана шунака дунёда яшаяпмиз, кизим. Аллоҳимдан сабр сўрайман. Зикр киламан, ибодатларимни колдирмайман. Шуларни ҳам килмасам, ҳолим не кечади, билмадим. Сен хафа бўлма, отанга ўхшаган одамлар аёлларни эзади, уларни одам ўрнида кўрмайди. Бу ишга кимдир нукта кўйиши керак, кизим. Аллоҳ бунака жамиятдан рози бўлмайди. Ҳакикий мусулмон эркаклар адолатни кандай чиройли карор топтиришяпти. Турмуш ўртоклари касал бўлса, ёрдам беришади. Аёлни уришмайди. Болаларга яхши муомалада бўлишади, таълим-тарбия беришади.

– Нега ана шундайлардан бирига турмушга чикмадингиз?

– Билмадим. Тўғриси, такдирим кулиб бокмади.

– Кошки, отамга тегмасангиз эди. Нега бошка бирортасини топмадингиз? Яхшилаб ўйлаб кўрсангиз, мендан сўрасангиз, мен тўғрисини айтардим.

– Ҳаксан, кизим, ҳаксан. Хафа бўлма, мендан жаҳлинг чикмасин. Аммо бу дунёда отанг каби бетарбия, беакл инсон бўлиши мумкинлигини ўйлаб кўрмаган эдим.

– Нега жаҳлим чиксин, отамнинг ноҳакликлари мени ҳам каттик хафа килади. Лекин сиз нега кизингизни ташлаб кетдингиз? Уни ҳам олиб келсангиз бўларди-ку. Ҳозиргача нега у ҳакида айтмадингиз? Тўғриси, ҳайрон қолдим.

Чукур нафас олгандан кейин Фотима хоним юрак-бағри эзилиб гапира бошлади.

– Нима, сенингча, бу мен учун осон бўлдими? Отанг килди бу ишниям. «Агар айтсанг, ўлдираман», деди. Қандай айтардим? Ҳар томонлама сикилиб қолдим. Бир томондан кизимнинг отаси, иккинчи томондан сенинг отанг. Боламни канчалар соғинганимни билсанг эди, жуда ҳам соғиндим. Кўз ўнгимда турибди.

– Ҳозир неча ёшда?

– Ўн иккида.

– Исми нима?

– Омина. Пайғамбаримиз алайхиссалом оналарининг исми. Омина, Хадича, Фотима, Зайнаб, Ойша каби исмларни жуда яхши кўраман, аммо бу исмларни унуттиришга урнинишяпти.

– Тўғриси, кизикдим, маълумотингиз канака?

– Бошланғич, болам.

– Аммо жуда чиройли гапиряпсиз, олимларга ўхшаб.

– Отамдан колган. Отам жуда илмли одам эди, Аллоҳ раҳматига олсин. Отамни жуда соғиндим. Тирик бўлганида, бир марта «кизим» деганида, ҳаммасини унутардим. Тириклигида кадри билинмайди. Сен ёқтирмайдиган отанг ҳам ҳозир сенга катта дастак. Ота ёмон бўлса ҳам, отадир. Мана, қара, кизимнинг отаси унинг исмини ҳам ўзгартирди. Атайлаб Султон деб қўйди. Аммо мен кизимга отасига қарши чиқмаслигини уқтирганман. Золим бўлса ҳам ота, ахир!

Билкис бир нарсани эслагандек бўлди.

– Султонми? Ҳалиги аёлнинг исми...

– Қайси аёл?

– Мени дунёга келтирган аёл.

– Нега бундай деяпсан? Ахир, у сенинг онанг.

– Бунака она бўлгандан кўра бўлмагани маъкул. Мени ташлаб, биттаси билан кочиб кетди. Ит ҳам боласини ташлаб кетмайди. Уни кечира олмаяпман. Шунинг учун сизниям истамадим, лекин сиз ўз онамдан яхшироқсиз. Бунинг устига дардингиз бор, сизга раҳмим келди.

– Ҳа, Билкис, ҳа, болам... Билқис... Отам вафот этганидан кейин бу дунёда бир ўзим колгандек бўлдим. Отам худди фаришта эди, унда кўрганларимни бошка ҳеч бир инсонда кўрмадим. Ҳақиқий мусулмон эди. Ҳийла-ўйинлари йўқ эди, на хотинига азият чектирарди, на болаларига. Кўнгил ишларига паст назар билан қарамасди. «Қизи учун қалин пули олган, қизини мажбурлаб эрга берган одамда ислом руҳи йўқдир», дерди.

– Унақада сизни биринчи марта турмушга бераётганда, нега ёмон одамга берди?

– Бермасди, бермасди. Аммо шундай бўлиб қолди. Неча йиллардан кейин отанг совчи қўйди. Уни мана шу қишлоқ одамларидан сўрадик. Ҳаммаси «Жуда яхши инсон, бир қизи бор», дейишди. Мен сенга қарайман, сени катта қиламан деб ўйладим. Сал олдин айтганимдек, инсон ёлғиз яшай олмайди, эллик ёшида бўлса ҳам бир дўст излайди. Аммо қаёқда... Ёмон инсонларнинг зулми ҳукмрон бўлган дунёда яшаяпмиз. Шунинг учун одамлар бир-бирини илон бўлиб заҳарламоқда. Бизга тўғри йўл кўрсатадиганлар йўқ...

Билқис юрагидан яраланган эди.

Оғилхонадан ташқарига чиқиб, тошларнинг устига ўтиришди.

– Биламан, отангдан менга яхшилик йўқ. Яна қийналаман, яна дунёим зиндонга айланади. Биласанми, шу кунларда ўлишни истаяпман. Бу дунёни нима қиламан дейман, кейин эса тавба қиламан. «Ўлимни истаманглар», деб буюрилган ҳадиси шариф келади хаёлимга. Хайрлиси билан ўлсам, ана шунда кўнглим таскин топади.

Дунёдан охиратга қадам ташласак, яқинларимизга етишамиз. Мен ҳам ўлсам, яқинларимга етаман. Бир боламдан бошқа бу дунёда ҳеч кимим қолмади. Ҳаммаси нариги дунёда, ҳаммаси...

– Мени хафа қилманг, илтимос! Ишонинг, сизга қилганларимдан пушаймонман.

– Буларни қўй, қизим. Мен бу дунёда куйдим. Иншааллоҳ, охиратда куймайман. Биргина умидим мана шундан...

– Жуда сабрлисиз. Сизнинг бошингизга тушганлар менинг бошимга тушса борми, жинни бўлиб қолишим аниқ.

– Жинни бўлмайсан, Билқис! Бошга тушганни кўз кўради. Инсонда имкон бўлса, бас, ҳаммасига кўксини қалқон қилади. Аммо мен ожиза қулман, Билқис, бошқа чидолмайман. Дунёда нега бунақа инсонлар бор дея хафаман, бундай инсонлар ёлғиз қолишлари керак деб ўйлайман...

Қуръони каримнинг «Ҳижр» сурасида Аллоҳ билан шайтон суҳбати бор. Шайтон: «**Парвардигорим, қасамки, энди мени**

йўлдан оздирганинг сабабли албатта мен уларга (одам болаларига) **ердаги** (барча гуноҳ ишларни) **чиройли қилиб кўрсатиб қўюрман ва албатта уларнинг ҳаммаларини йўлдан оздирурман. Магар уларнинг орасидаги покиза бандаларингина** (ҳақ йўлдан озмай қолурлар)», дейди. Бунга Аллоҳ таоло шундай жавоб қайтаради: «**Менинг зиммамдаги тўғри йўл будир: аниқки, Менинг бандаларим устида сен учун ҳеч қандай салтанат – ҳукмронлик йўқдир. Магар сенга эргашган – адашган кимсаларнигина** (бу тўғри йўлдан оздира олурсан)».

Одамларга қарасам, ўзларидан ўзлари шайтон томонга чопишади. Отангга ўхшаганларнинг Аллоҳ ва дин билан қандай алоқаси бор?.. Қилган саждалари рост бўлса, нега бунақа золимлар?.. Мана шайтон ўзига бўйсундирган инсонлар.

– Шунча илмингиз борлигини билмас эканман. Менга қандай чидадингиз?

– Нимаям қилардим, Билқис? Дунё жаҳолатга ботиб бормоқда. Раҳматли отам «Жаҳолат бир мамлакатни қамраб олдими, барча инсонлар бир-бирига ёмонлик қилади. Ёмонлик қила туриб, яхшилик қиляпмиз деб ўйлайди», дерди. Мана, ўша даврдамиз.

Ҳасан Басрий ҳазратлари шундай дейди: «Инсон фарзанди уч хусусият билан дунёдан кетади. Биринчиси, қилганларидан ҳеч бирига тўймайди. Иккинчиси, ўйлаганларининг ҳеч бирини тополмайди...»

Мана, мен бу ёлғон дунёда ўйлаганларимнинг ҳеч бирини тополмадим. Отанг кетаётганда, «Кечкурун келганимда сени уйда кўрсам, ўлдираман», деб кетди. Ахир ўзинг ўйлаб кўр, кетсам бир бало, кетмасам яна бир бало. Ана, кетмадим ҳам дейлик. Бунақа, ҳеч ким хоҳламайдиган уйда қандай қоламан?

– Кетмайсиз. Мен отамга айтаман. Сиз учинчи гапни айтинг.

– Қайси гап?

– Ҳалиги... Нимайди, Ҳасан Басрий дегандингиз-ку!

– Ҳааа... Бўлди, бўлди, энди эсладим. «Ишонилган абадий саёҳат учун ҳеч бир тайёргарлик топилмайди», деган.

– Ёлғонми? Қаранг, мана шундай катта қишлоқда неча киши мусулмон?

– Юр, энди кетайлик. Бугун хирмонни кўтарамиз. Отанг келмасдан тугатайлик.

– Отам қаёққа кетибди?

– Хўжа қишлоғига. Бугун ўша ерда бозор экан.

– Мен Чиллиларникига бормоқчиман. Жуда ҳам чарчадим. Ҳам озроқ дам оламан, ҳам анави Истанбулдан келган қиз билан гаплашаман. Унга яхши муносабатда бўлмадим. Узримни айтай.

– Ўзинг биласан, ўша қизни икки марта кўрдим. Менга қолса, анча одобли қизга ўхшайди. Аммо нима қилсин, илму ирфон кўрмаган.

* * *

Билқис Чиллининг уйига борганида Нолоннинг ўша ерда эканини кўрди. Ичкарига кирганида, Нолон ўрнидан турди.

– Ооо, келсинлар, Билқис хоним! Юзингни кўрган жаннатга тушгулик![5]

– Жаннат шунчалик арзон бўлса, унақада юзимни ҳаммага кўрсатай. Ҳамма жаннатга тушсин... Қаерда бўлардим, ишлар билан овораман. Сизларда нима гап?

– Нимаям бўларди, бугун Фазли билан тортишдик. Суратни чизиб бўлганимда, кетган бўлардим. Кел, ўтир.

– Бу қишлоқда фақатгина Фазли яшамайди-ку. Бизни одам деб санамайсанми?

Кулиб олишди. Чилли нималарнидир айтмоқчи бўларди. Нолон буни тушуниб сўради:

---

[5] Одатда бир-бирини анча вақт кўрмаганлар айтадиган ибора.

– Сен нимадир демокчи бўляпсан, нима эканини тушунолмадим. Илтимос килсам, айтасанми?

– Камол сени назарда тутиб, «У киз ҳалиям шу ердами? Тез кетмаса, сайловда қайта ғалаба қозонолмайсан», дебди раисга.

– Раис нима дебди?

– Бунисини билмайман.

– Одобсиз! Отам мени унинг ўғлига бермоқчи. Аллоҳ сақласин.

Нолон эслади. Болани аёвсиз ургани учун у билан тортишганди. «Ҳали кўрамиз», деганди ўшанда. Бироз ўйланган Нолон деди:

– Атайлаб мана шу қишлоқдан кетмайман. Агар жаҳлим чикса...

– Қўй шу судхўрни. Пул унинг ақлини олган. У шунча фақирнинг оиласини пароканда қилди, ҳалиям тўймайди...

– Нима иш қилади ўзи?

– Нимаям киларди? Қийналиб қолганга ўн минг лира бериб, йигирма минг қилиб қайтариб олади. Агар ўша одам пулни топиб беролмаса, бор мол-мулкини тортиб олади.

– Вой, номуссиз-ей. Қандай қилади буни? Давлат рухсат берганми?

– Давлатга ким ҳам қулоқ соларди? У ўзини қишлоқнинг давлатиман дейди. Бунинг устига, имзоланган ҳужжатларда фоизни кўрсатмайди.

– Шикоят қилиш керак. Ҳа, одамлар шикоят қилишлари керак.

– Шаҳарда бунақалар газетага эълон бериб, одамларни чув туширади. Агар кийналиб қолишса, ҳукуматдан ёрдам олишади. "Ҳеч кимга мажбурлаб, кел, сенга пул бераман деганим йўқ. Улар ўзлари келиб, ёлворишади, ёлворишмасин», дея гапиришлари одамнинг асабини бузади. Истанбулда экамда банкчилардан жаҳлим чиқарди. Хуллас, қалбларида адолат бўлмаганлар ўз қонунлари билан иш кўради. Бири қонун номи билан, яна бири эса ноқонуний равишда одамлар

ортидан миллионлаб пул ишлайди. Агар мен бош вазир бўлганимда эди...

– Нима қилардинг? Қонунларни китобга қараб қўллармидинг? Бўлмайди, Билқис, бўлмайди. Золимларга индамай қараб туриш ҳам золимликдир. Ўтган куни Дўне хола айтди, исломда бунақа золимлар устидан шикоят қилиш керак экан.

Чилли бошини силкитиб, оҳ тортди ва кейин сўради:

– Кимга? Қаерга?..

ЎН КУНДАН КЕЙИН

– Билқис! Шошмай тур, мен ҳам сен билан бораман, – деди Нолон.

– Мен далага кетяпман-да.

– Майли, мен ҳам бораман. Кайфиятим йўқроқ, сал ўзимга келаман.

– Хўп, ўзинг биласан.

Икки қиз биргалашиб йўлга тушишди.

– Қани гапир, Нолон, чизаётган суратинг тугай деб қолдими?

– Амаллаяпман. Менимча, бир ойдан кейин тугатаман.

– Тепаликдан қайинларни, булоқ расмини чизяпсан, шунақами?

– Йўқ, ўша ердан кўринган бутун манзарани чизишга ҳаракат қиляпман.

– Истанбулда Юлдуз исмли дугонам бўларди. Ҳамма нарса тасодифан пайдо бўлган, дерди. Ҳамма нарса тасодифан бўлса, аллақачон расмни чизиб бўлардинг, тўғрими? Демак, ҳар нарсанинг ўзига яраша тартиб-қоидаси бор.

– Албатта, тартиб-қоидаси бор. Бирор ихтисосликни эгаллаш учун камида ўн йил ўқиш керак. Ўн йил ўрганиб қилинган иш тасодиф бўлиши мумкинми?..

Улар суҳбатлашган кўйи ярим соатча юришди.

– Мана, бизнинг далага келдик, – деди Билқис ниҳоят.

– Шуми? У ерда ишлаётган ким?
– Ўгай онам. Ҳатто қуллар ҳам ундан бахтлироқ...
– Нега ундай деяпсан?
– Нега бўларди, отам уни тинмай ҳайдаяпти. Бугун эрталаб ҳам кет деб ҳайдади. У кетса, мен ҳам кетаман, дегандим, ҳовури босилди.
– Шунақами? Раҳмим келди унга. Ким билади қанчалар қийналаётган экан...
– Албатта, қийналяпти. Баъзида ўйлаб қоламан отамнинг умуман виждони йўқми деб.
– Билқис, ўз онанг қандай аёл эди?
– Қўй ўша онамни, шунчаки бир она эди, мени ташладию кетди. Яхшиси, кел, мана бу ердан сув ичамиз. Бу қудуқнинг суви жуда ширин.
Сув чиндан ҳам ширин экан. Қониб ичишди, кейин Фотима хонимнинг ёнига боришди.
– Салом, Фотима опа!
Аёл туйқус чўчиб тушди. Қизларнинг келганини сезмай қолганди.
– Ие, сизлармисиз? Хуш келибсизлар.
– Нега йиғлаяпсиз?
– Эътибор берма. Қачон кулганманки, ҳозир йиғламай.
Нолон шу пайт онасини эслади. Хаёли Истанбулга кетди, онасининг хандон отиб кулганини эслади...
– Вой, Фиғон-ей! Мени Софи Лоренга ўхшатдингми? Мен ҳам сени кимга ўхшатишимни айтай унда: худди Брижит Бардонинг ўзисан. Қуйиб қўйгандек!
– Раҳмат! Хизматкор қиз йўқми?
– Шўрлик қизнинг тоби йўқ. У-ку, майли, бугун маникюр қилдирдим, шунинг учун идиш юволмайман, шуни ўйлаяпман. Кечга полиция бошлиғи Салоҳиддин бейларникига таклиф қилинганмиз. Жуда чиройли бўлиб боришни истайман. Ҳамманинг эътиборини ўзимга тортишим керак.

– Кимнинг эътиборини тортмоқчисиз, кимга ўзингизни кўрсатмоқчисиз? Шу даладаги аёлга ва ўзингизга бир қаранг!..

Билқис ҳайрон бўлиб сўради:

– Нолон, ким билан гаплашяпсан?

– Онам билан гаплашдим хаёлимда, шунга асабим бузилди. Онам ҳам, дугоналари ҳам ўзларини бошқалардан устун қўйиш билан овора. Устига-устак, қишлоқликларни ёқтиришмайди.

– Гўёки сен уларнинг ичида эмасдек гапиряпсан.

– Мен ҳам уларнинг ичидаман, аммо улардан узоқдаман. Уларнинг яшаш тарзлари менга ёқмайди. Қара, онангнинг қўллари қавариб кетибди. Нима, бу аёл қўлларини маникюр қилдиришни эплай олмайдими? Мен онамнинг қўллари ва кийиниши учун қилган харажатларини ҳамда онанг қилган харажатини бу аёл буларни ўйладим. Онам қўлларига қилган харажатини бу аёл бутун танасига қилмайди.

Биласанми, шу қишлоққа келгандан кейин кўзим очилди. Бизнинг таннозлар эртадан кечгача гўзаллик салонларида, ўзларини кўрсатиб юришади, бунинг учун чопа-чоп қилишади. Сизларнинг аёлларингиз эса эрлари учун ҳам пардоз қилгани вақт топа олишмайди.

– Эҳ... Ҳали келганингга уч ой бўлмади, нимани кўрдинг? Бир йил яша, ана унда кўрасан...

Кечга яқин Фотима хоним қизларни чақирди:

– Қизлар, юринглар, кетдик. Чарчадик, тўғрими?

Тайёрланиб, йўлга тушишди. Бироз юришгандан кейин Ишиқ қишлоғининг чўпонига дуч келишди. Чўпон хиргойи қилганча қўйларини ҳайдарди. Нолон диққат билан қулоқ солди:

Қўйлар билан тоғда яшайман, мен бир чўпонман,
Кеча-кундуз чопаман, менинг ҳам бордир жоним.
Маъраган қора кўзли қўзим менинг, султоним,
Сендан бошқа мени ким танир, ким қайдан билар?

Сен жингалак сочлигим, руҳимнинг дўстисан сен,
Инсонлар чўпони бўлсайдим, ёнардим тинмай мен.
Топ-тоза ҳолинг истайман, сенинг-ла бўлайин мен,
Сендан бошқа мени ким танир, ким қайдан билар?

Нолоннинг тўхтаб, қўшиқни эшитаётганини кўрган Билқис сўради:

– Нега михланиб қолдинг?

– Қара, қўйларини қанчалар яхши кўрар экан, уларга атаб қўшиқ ҳам тўқибди.

– Сен унга қарама. У баъзан Қуръон ҳам ўқийди, баъзан мана шунақа нарсаларни ҳам айтиб туради. Уни жуда ёмон дейишади. Мен ёнига ҳам яқинлаша олмайман. Баъзилар эса жуда яхши одам дейишади.

– Онанг бораверсин, мен у билан озроқ гаплашаман. Илтимос қилсам, ёнимда бўласанми?

– Нимани гаплашасан?

– Келсанг, тушунасан. Кел, кел! Кетиб қоляпти, юр, етиб олайлик.

Чўпонга етиб олишди.

– Ҳой, чўпон, шошманг! – деди Нолон.

Чўпон қўйларини тўхтатиб, ўзи ҳам тўхтади.

– Эшитаман, синглим, бирор нима сўрамоқчимисиз?

– Ҳалиги... Ҳа, сиздан бир нарса сўрамоқчиман.

– Албатта, сўранг. Билсам, жавоб бераман.

– Чўпонлик қанақа касб?

– Жуда яхши ва масъулияти озроқ вазифа. Мен бош вазирдан кўра хотиржамман. Бош вазиримиз менинг ўрнимда бўлиш учун жонини берган бўларди.

– Нега чўпонликни бунча мақтаяпсиз? Ҳамма чўпон бўлса...

– Ҳамма чўпон бўлсин деганим йўқ. Ҳамма ҳам чўпон бўлолмайди. Шундай инсонлар борки, чўпонлик қилган кишини одам ўрнида кўрмайди. Инсонийлик аслида қандай бўлишини билишмагани учун, албатта.

– Кечирасиз, исмингизни сўрасам бўладими?

– Мана, сўрадингиз, исмим Рамазон.

– Рамазон бей, менга ҳайвонлар олами ҳақида гапириб бера оласизми?

Рамазон иккиланиб сўради.

– Инсонлар оламини биласизми?

Нолон иккиланиб қолди.

– Озроқ биламан деб ўйлайман, аммо...

– Ҳайвонлар оламини билиш учун олдин инсонлар оламини билиш керак. Ана ундан кейин ҳайвонлар дунёсини била оласиз. Икки махлуқ ўртасидаги фарқни қиёслай оласиз.

– Жуда қизиқ.

– Ўқиганмисиз?

– Ҳа, маълумотим олий.

– Нима иш қиласиз?

– Сурат чизаман. Рассом бўлиш ягона мақсадим эди, аммо бу мени қониқтирмаяпти.

– Унақада қўйларимнинг расмини чизинг. Аммо руҳларини расмда қандай кўрсатасиз? Руҳнинг расми бўлмайди. Руҳни чиза олмаганингиз учун эса...

– Ҳар куни қўйларга сиз қарайсизми?

– Албатта.

– Улар гапга қулоқ соладими?

– Албатта. Юринглар десам, юришади, тўхтанглар десам, тўхташади. Юмшоқ табиатли ҳайвонлар. Ўтган куни бир газета қўлимга тушиб қолди. Ҳайвонларга қараш инсонларга қарашдан яхшироқ натижа берар экан. Инсонлар ичида бўлганлар анча асабий бўлса, ҳайвонлар, хусусан, қўйлар билан банд бўлганлар анча мулойим бўлар экан, деб ёзишибди. Менимча, бу тўғри.

– Хўп, от, туя каби ҳайвонлар ҳам шунақами?

– Йўқ. Отга қаровчилар ўзи билмаган ҳолда ғурурли бўлишини айтишади. Чунки отларда устунроқ бўлиш истаги бор.

Мусобақа пайтида ғалаба қозонишни истайди, қозонгач эса ғурурланади. Буни, албатта, хис қилган тушунади. Бундай жониворлар инсоннинг феълини ўзгартиради. Аммо қўй-қўзи, туя, сигир каби юмшоқ ҳайвонлар инсон руҳиятини тинчлантиради. Ҳеч кимни асабийлаштирмайди. Билмадим, мен уларга қарасам, дунёда мендан бахтиёри йўқ деб ўйлайман. Ҳаммасидан муҳими, хотиржамман.

– Сал бўлса, мени чўпонликка қизиқтириб қўясиз. Мен ҳам чўпон бўлсаммикан?

– Сиз чўпон бўлолмайсиз. Сиз ўз нафсингизга чўпонлик қилинг, синглим. Биз қўйларга қараймиз.

– Сал олдин қўшиқ ҳам айтаётгандингиз, ким тўқиган уни? Жуда ёқди менга.

– Ўзим. Хаёлимга нима келса, айтаман. Эътибор берманг, синглим.

– Менга хам тўқий оласизми?

– Майли, сўзингиз ерда қолмасин:

Тоғлар менинг саройим,
У ерда Юнусни излайман,
Йўқ қўзидан зарарим,
Мен инсондан куйганман,
Тоғда тин олдим чиндан.

Тоғлар менинг мадрасам,
Кошки шу ерда ўлсам,
Куяман халққа қайтсам,
Маънавиятдир ошим,
Тоғда тин олдим чиндан.

Раҳмим келар ўзгага,
Билса, ачинар менга,
Ҳаққа қара кўз-қошим,
Тоғда тин олдим чиндан.

– Сўзларингиз жуда таъсирчан. Демак, ўзингизни бош вазирдан хотиржамроқ ҳис қиласиз. Қанчалар бахтлисиз!

– Албатта, бош вазир Туркиядаги очлар, сувсизларга масъул бўлгани каби йўл қўйилган гуноҳларга ҳам масъул. Мен эса қўйларимга масъулман.

– Тўғриси, бир чўпонда шундай ҳислар борлигини билмасдим.

– Сиз билмайсиз-да! Дунёда қанчадан-қанча чўпон авлиё ва шоир бўлган. Ҳозирги чўпонлар эса айниб кетган. Олдинги чўпонларнинг кароматлари қўйларни йиғлатган экан... Ҳа, майли, кеч тушиб қолди, бошқа пайт учрашсак, давом этамиз. Ҳозирча хайр, синглим.

Чўпон билан хайрлашиб, қишлоққа киришди. Қишлоқдагилар энди Нолонга ўрганиб қолишган, Камолдан ташқари ҳар кўрган у билан саломлашиб ўтади.

Нолон энди Фазлиларнинг уйида эмас, Чиллиларникида яшаяпти. Билқис ҳам тез-тез келиб туради, мириқиб суҳбатлашишади. Далада бирга ишлашади, чарчашганида биргалашиб китоб ўқишади.

Нолон чизаётган сурат битай деб қолган. Унинг ўзи эса қишлоққа анча кўникди. Баъзан Эзо бувидан гап эшитиб олади, аммо хафа бўлмайди. Аслида Нолоннинг феъли Эзо бувининг кўнглини юмшатган, уни яхши кўриб қолган.

Бу орада Билқиснинг отаси Хўжа қишлоғидан бир аёлни топганини ҳақида гап тарқалди. Фотима хонимнинг эса ҳеч нарсадан хабари йўқ. Билқис унинг уйдан ҳайдалишининг олдини олишга ҳаракат қилар, лекин охирги пайтларда кучи етмай қолганди...

Уч дугонанинг суҳбати қизигандан-қизиган пайт Билқис бирданига ўйга чўмиб, жим бўлиб қолди.

– Билқис нима бўлди? – сўради Нолон. – Нимадандир хафамисан?

– Йўқ, шунчаки онам ва ўгай онамни ўйлаяпман. Ўгай онамнинг қизи Оминани ҳам, иккинчи исми Султон экан.

– Мен номусли инсонман, яхши оиланинг қизи керак. Эх, синглим сал каттароқ бўлганида ишни у орқали битириб қўя қолардим.

Уларнинг суҳбатига ҳайдовчи аралашди:

– Қанака иш?

– Асти сўраманг. Биз иккимиз дўстмиз. Овоз ёзиш студиямиз бор, янги овоз излаяпмиз. Бир ёш қизни топдик. Овози яхши эмас экан, аммо биз учун бунинг аҳамияти йўқ, чунки техниканинг ёрдами билан овознинг хунуклигини йўқотса бўлади. Манави газетадаги реклама бизники. Студияга ишлашга келганида қизнинг акаси келиб, олиб кетди. Қанча пул тиккандик. Ўрнига бошқа қиз топишимиз керак. Ёш қизлар кўп, лекин ҳаммаси халигиндай, бизга келмайди. Биз номусли қизларни истаймиз. Энди ахлоқли қиз топсак, бир ҳафта ишлатиб, дарров овозини ёзамиз.

Бу орада орқага қараб:

– Мана, – деди, – мана шу синглимизнинг ярмичалик гўзал бўлса, бир миллионни ҳафта охирида куртдек санаб берамиз.

Ғурурланиб кетдим, ёлғон гапириб нима қилдим. Менга таклиф қилишганида дарров рози бўлардим деб ўйладим. У пайтларда ўн саккиз ёшларда эдим. Нима бўлганда ҳам, ёшлик ҳаяжони бор эди.

– Хўш, кейин нима бўлди?

– Кейин суҳбатларига мен ҳам қўшилдим. Улар менга кўпроқ эътибор бера бошлашди. Биттаси «Синглим, жуда номусли қизга ўхшайсиз. Кошки ишингиз бўлмаганида, бизнинг ишни қойиллатардингиз», деди. Мен эса «Менинг ишим муҳим эмас, буниям қила оламан», дедим.

– Оҳо! Омадимиз келди, – дейишди. – Ҳозироқ бизнинг ишхонамизга борамиз.

– Мен ёлғиз боролмайман. Онам билан бораман, – дедим.

Эртаси куни онам билан бирга кўрсатилган манзилга бордик, уларга умуман алоқаси бўлмаган бир жой экан. Аслида

хайдовчи ҳам улардан экан. Шунда улар билан кетганимда ким билади, кўзимни қаерда очардим? Бири ўтган йили ге- роиндан ўлди... Истанбулнинг қоронғи томонларини бирда- нига тушунтириб бўлмайди. Борсанг, ўша қоронғиликда йўқ бўлиб кетасан.

– Нега мени ҳеч ким тушунмайди?..

– Тушуняпман, Билқис. Ростданам, отанг қилаётган ишлар инсонийликка тўғри келмайди, лекин қочиш қутулиш дегани эмас. Айтяпман-ку сенга, уйдан қочган қизлар фалокат қучоғи- га тушишади. Кейин пушаймонликнинг фойдаси бўлмайди.

Шу пайт Фотима хоним келиб қолди.

– Отанг бир аёл билан келаётган экан, менинг уйдан кети- шимни айтибди, – деди Билқисга.

Қизларнинг учови ҳам ток ургандек қотиб қолишди. Фо- тима хоним:

– Йўқ, йўқ. Аллоҳнинг адолатини биладиган йўқ. Энди мен нима қиламан?..

У хўнграб йиғларди.

– Энди мен қайси эшикка бош ураман? Эркаклар ўн мар- та уйланиб, ўн марта хотин қўйса ҳам, гап бўлмайди. Иккин- чи марта ажрашганим учун мени ёмонотлиққа чиқаришади. Ким билади энди мен ҳақимда нималар дейишади?.. «Яхши аёл бўлганида, эри қўйиб юбормасди», дейишади. Ҳеч ким «Яхши эр бўлганида, уни ташлаб келмасдинг», демайди. Энди мен нима қиламан?..

Қизлар ҳам йиғларди. Билқис деди:

– Мен ҳам сиз билан кетаман. Иккимиз ишлаб, кунимизни кўрамиз. Отам эса ўша гўзали билан яшайверсин. Қани, кўра- миз, бу гўзаллик уни бахтли қилиб, виждонини тузатармикан?..

Нолон қандайдир чора излаётгандек эди.

– Шошмай турайлик, балки ёлғондир. Ахир, одам бунчалар золим бўлиши мумкин эмас. Олдин Исмат амаки келсин-чи.

Билқис асабийлашди:

– Бу одамни амаки деб мени қийнама. Қани бўлинг, она, кетамиз.

Билқис биринчи марта Фотима хонимни «она» деганди.

– Сен мени она дедингми?

– Ҳа, асл оналикка сизга ўхшаган аёллар муносиб. Бундан кейин сиз менинг онамсиз, мен эса иккинчи қизингизман.

Улар нарсаларини тайёрлаётганда эшик тақиллади. Эшикни Чилли очди. Қўшнининг келини экан, ваҳима билан гапирди:

– Тезроқ келинглар! Дўне хола фалаж бўлиб қолибди!

Фотима хоним ўз дардини унутиб уйдан чиқар экан, Билқисга тайинлади:

– Сен нарсаларни йиғиштириб, Дўне опаларникига кел, қизим. Бу кеча ўша ерда қоламиз. Эртага йўлда чиқамиз.

Фотима хоним оёғини қўлига олганча Дўненинг уйига борди.

– Нима бўлди, опа? Тезда шифохонага олиб борайлик.

– Нима бўлганини билмадим, бирдан оёқларим ишламай қолди. Фазлини чақиртирдим, ҳалигача келмади. Қаҳвахонага хабар беринглар, тез келсин. Ўламанми-қоламанми, билмайман. Ҳа, айтганча, менга Қуръон ўқи. Аллоҳнинг ҳузурига Қуръонсиз кетмай.

– Худо сақласин, яхши гаплардан гапиринг.

– Аллоҳнинг тақдири гап билан ўзгармайди. Аллоҳ бу дунёсидан нариги дунёсига олиб кетишни истаса, кимдан сўраб ўтиради? Мол ҳам, мулк ҳам Уники.

– Алҳамдулиллоҳ, барчамиз бунга имон келтирганмиз. Лекин ҳозир ёмон нарсаларни ўйламанг. Қани, бармоқларингизни қимирлатинг-чи.

– Қимирламаяпти, Фотима, қимирламаяпти.

Дўне хола ростдан ҳам фалаж бўлиб қолганди. Бир соатдан кейин Фазли келди ва онасини бағрига босди.

Германиялик Меҳметнинг машинаси билан Дўне холани касалхонага олиб боришди.

Эртаси куни Исмат оға янги аёли билан бирга қишлоққа келгани тўғрисида хабар олишди. Фотима хонимдан кўра кўпроқ Билқис хафа бўлди. Нолон унга тасалли беришга уринарди.

– Тинчлан, Билқис, жаҳл билан ҳеч нарсани ҳал қилиб бўлмайди.

– Тинчлана олмаяпман. Мен уйга бораман, айтадиган гапим бор, агар шуларни айтмасам, портлаб, ўлиб қоламан, – дея тезда ташқарига чиқди.

Отаси билан аёл ҳали уйга кириб улгуришмаганди. Эшик олдида учрашиб қолишди. Билқис отасининг ёнида аёлни кўрсатиб сўради:

– Бу аёл ким?

– Кичик онанг.

– Мен тунда қаерда ётганимни биласизми?

– Қаерда бўларди, уйда ётган бўлсанг керак-да.

– Мен уйингиздан кетдим. Нега Фотима опани хоҳламаганингиз аниқ бўлди. Гўёки мен учун эди-ку?.. Минг афсус, ота, афсус... Агар уни гўзал деб билмас экансиз, нега олдингиз, нега унга уйландингиз? Эртага ёнингиздагидан ҳам гўзалроғини топасиз. Аммо Фотима опа каби имонлисини, фидокорини тополмайсиз.

– Бас қил! Хоҳлаганимни қиламан, ҳеч ким ишимга аралаша олмайди.

– Ҳеч ким аралашгани йўқ. Мен онам билан кетаман.

– Онам? Кечагина она дейишга ор қилаётгандинг, бугун нима бўлди?

– Бугун уни оналикка муносиб кўрдим.

Билқис аёлга қаради:

– Бу ерга нега келдингиз?

Аёл эса жавоб қайтармас, ҳайрон бўлганча қараб турарди.

– Сиздан сўраяпман, нега келдингиз?

– Сенга ҳисоб берадими? Келди, чунки у менинг хотиним.

– Биламиз, бугун уни ҳимоя қилиб, бошингизга кўтарасиз, эртага оёқларингиз тагида эзасиз. Гарчи бу аёлга ўхшаш пул-ни ўйлайдиган аёллар эзилишга маҳкум. Шошмай туринг, сиз-нинг ҳам кунингиз келади, бўйнингизга тақилган тиллалар сиз-га тинчлик бермайди.

– Менинг айбим йўқ...

– Йўқ?! Сизни судраб олиб келишдими? Нега бу одам-нинг қанақалигини суриштирмадингиз, оилалими, йўқми деб сўрамадингиз? Пули бор-да, тўғрими? Сўраб-суриштири-ришни лозим кўрмадингиз. Афсус, афсус... Аёллик шарафи-ни арзонлаштириб юборяпсизлар. Отангизнинг уйида егани зайтун билан нон йўқмиди? Танимаган, билмаган бир одам-нинг ортидан келаверибсиз, чиройли гапларига алдандин-гизми? Яқинда ҳаммасини кўрасиз. Майли, билганларингни қилинглар, мен кетдим.

– Ҳеч қаёққа кетмайсан!

– Кетаман!

Билқис қайрилиб, улардан узоқлашди.

Отаси олиб келган аёл ҳайрон эди. Исмат буни сезди ва унга тасалли берди:

– Қизим шунақа, сал тарбиясиз. Олдин ҳам шундай қилганди. Унга эътибор берма.

Иккиси бирга тахта зиналардан чиқар экан, Билқис йиғла-ганча Фазлиларнинг уйига кетди. Эшикдан кириши билан Фо-тима хоним сўради:

– Нима бўлди, Билқис, отанг хотин олиб келгани ростмикан?

– Ҳа..

Чиллининг таклифи билан ҳаммалари уларнинг уйига бо-ришди. Чилли дарров дастурхон ёзди, онаси Ҳафиза хола Фо-тима хонимга тасалли берарди. Жума намозига чиқиш учун тайёрланиб турган Чиллининг отаси ҳам қаттиқ хафа бўлди:

– Бу одам нега бундай қилди, қизим?

– Билмасам... Тақдирим шу экан-да, тоға, тақдирим...

– Тўғри, ҳамма нарса тақдирдан. Тақдирга ёзилганидан қочиб қутулиб бўлмайди. Лекин одам кўринишидаги махлуқлар қилган ишлари учун Аллоҳнинг олдида жавоб беришади.

Шу пайт Фотима хоним бир нарса эсига тушгандек сапчиб ўрнидан турди.

– Эх, Билқис қизим! Сигирлар кечадан бери оч қолди-ку! Ўзимизни ўйлаб, сигирларни унутдик!

– Энди ҳеч қанақа сигирингиз йўк.

– Нима? Сигирим йўкми? Ахир уни бузоқ пайтида олгандим, ўз қўлларим билан катта қилдим. Бу қанақаси? Ахир шунақаям виждонсизлик бўладими? Аллоҳим, Ўзинг менга сабр бер, Сендан бошқа ҳеч қандай куч менга таскин беролмайди! Ё Роббим, куйган юрагимни сенгина тушунасан. Мени кўчаларда қолдирма! Сендан бошқа ҳеч кимим йўқ, Аллоҳим! Мени ёлғиз қолдирма... Менга сабр бер, ё Роббим!

Фотима хонимнинг йиғиси ҳаммани йиғлатди. Сочиққа қўлларини артаётган Ёқуб тоға кўзларидан оққан ёшни ҳам артиб, қатъий гапирди:

– Сигирингни олиб келиб бераман, сен хафа бўлмасанг бўлди. Мен ҳам отангдекман, ахир. Шу боғнинг четида жой қиламиз, Билқис билан ўша ерда яшайверасизлар. Аллоҳ нима берса, бирга баҳам кўрамиз.

«Ҳамма инсонлар мана шунақа бўлса, нима бўларди?» дея кўнглидан ўтказди Нолон шу тобда...

Ёқуб тоға тез кўчага чиқиб кетди. Тўғри Исматнинг уйига бориб, эшигини тақиллатди.

– Ким у?

– Менман! Қора Ёқуб!

– Келинг, Ёқуб тоға.

– Ўчир овозингни, аҳмоқ! Одамларни мунча қийнамасанг? Бу қишлоққа Камол камми?

– Нима бўлди ўзи? Тушунтириб гапирсангиз-чи.

– Худди хеч нарса бўлмагандек гапиришини-чи! Бир аёлни кулдириб, икки аёлни, икки фарзандни, шунча қўшнини йиғлатиш айб эмасми? Аёлини кўчага ташлаб қўйиш нимаси?

– Менга қаранг, Ёқуб тоға, ўзи бу қишлоқда фақат сизни хурмат қиламан. Менга бунақа қаттиқ гапирманг. Нима хоҳлайсиз, шуни айтинг.

– Молхонангдаги сигирлардан биттасини берасан.

– Нега энди?

– Фотима катта қилган экан, ҳозир бизникида йиғлаб ўтирибди. Бечоранинг ҳаққини единг, бўлди, етар, яна хафа қилишингга йўл қўймайман. Мен сигирни олиб кетаман, Фотимага икки хонали уй қураман. Ерини мен бераман, керакли дарахтни эса сенинг боғингдан кесиб оламан. Ғиринг десанг, мендан кўрасан! Ғиштнинг пулини ҳам берасан. Яқинда Истанбулдан ўғлим келади, қизингни ўғлимга олим бераман. Сен ҳам ота бўлдингми? Садқаи ота кет!

Ёқуб тоға оғилхонага кириб, сигирлардан бирини олди.

– Бироздан кейин масжидга борсанг, яна гаплашамиз, – деди Ёқуб оға чиқишда. – Аммо сенга ўхшаганлар масжидда нима қилади? Айтдим қўйдим-да...

Қалби яраланган Фотимани ҳозир на сигир, на дунё – ҳеч нарса хурсанд қилолмасди.

Нолон бу қайғули манзарани кузатар, Фотима хонимнинг сабрига ҳайрат билан қараб турарди. Мана шу пайт тоғасини котибаси билан ушлаб олган холаси кўз олдига келди. «Эрим менга хиёнат қилса, мен ҳам унга хиёнат қиламан», деганди. "Демак, холамнинг ҳам номуси йўқ экан, – дея хаёлидан ўтказди Нолон. – Фотима хоним-чи? Шунча азоб кўрганига қарамай, нега интиқом олишни ўйламаяпти? Чунки унинг руҳида, эътиқодида номус деган тушунчаси бор..."

Нолоннинг хаёлларини Чиллининг овози бўлди:

– Нолон!

– Лаббай!

– Кел, бу ёкка, гаплашамиз.

– Мендан яширинчами? Ҳозир яширинча гаплашишнинг вактими? –дейишдан ўзини тия олмади Билкис.

– Кечирасан, Нолонда гапим бор-да...

– Майли, гаплашинглар.

Билкис ва Фотима уй бекаси Ҳафиза хола билан колишди. Билкиснинг хаёли Чиллида эди. «Нимани гаплашишар экан?» дея ичини ит тирнарди.

Нолонни ташкарига олиб чиккан Чилли гап бошлади:

– Мана, бизни жуда яхши билиб олдинг, энди ҳаммасини сенга очик айтаман. Билкис сенинг Фазли билан гаплашиб юришингни истамаяпти. Модомики, сен Фазлига турмушга чикмас экансан, бу масалани аник ҳал кил. Агар у уйланмаса, Билкисни оғамга олиб беришни ўйлаяпмиз. Гарчи ҳали бу гапдан унинг хабари йўк. Билкисга ҳам индамадик. Отам «Билкис ҳозир жуда кийин аҳволда», деди. Оғам Билкисни ёктирганидан «хоним киз» дейди.

– Хўп, мен гаплашаман, лекин ҳозир онаси касалхонада. Бундай вазиятда яхши бўлмаса керак.

– Ҳа, тўғри. Онаси касалхонадан чиккандан кейин айтасан, бирок бу икковининг йиғлаши менга ёкмаяпти.

– Сен Билкисни куткаришга уриняпсан. Албатта, у билан бирга Фотима опани ҳам. Аммо бошка Билкислар, Фотималар-чи? Улар кандай кутулади? Менимча, аслида уларнинг кутулиши учун ҳаракат килиш керак. Шу кишлокка келганимдан кейин мана шуни тушуниб етдим. Карасам, бутун дунёда ҳамма ёмонликлар манбаини жоҳиллар пайдо киляпти, ёмон ниятли кишилар эса бутун дунёга ёйяпти. Масалан, шу кофир Исмат килган ишни Истанбулдагиларга айтиб берсам, «ох, воҳ» дейишади ва тезда унутишади. Аммо «Намоз ўкийдиган бир киши» десам борми, нак киёмат кўтарилади. Намоз ўкийдиганларни мутаассиб, колок, яна нималар дейишмайди. Менимча, бу вазиятни тузатиш зарур.

– Агар оғам билан гаплашсанг, ишон, фикрларига ҳайрон қоласан.

Айнан мана шу пайтда Эзо бувини кўриб қолишди.

– Хой истанбуллик, сен ҳалиям шу ердамисан? – сўради у.

– Ҳа, Эзо буви, балки яқинда кетарман.

– Анави ишинг тугадими?

– Қайси иш, Эзо буви?

–Расм чизаётгандинг, шекилли? Неча ойдан бери шу нарса билан оворасан, аммо таҳорат олиб, беш дақиқа намоз ўқийин демайсан. Нима, намоз ўқисанг, бирор жойинг камайиб қоладими? Тўғри гап айтганим туфайли кишилоқдан қувишса ҳам, барибир гапираверaман. Сизлар франкларга* ўхшаб боряпсизлар. Ахир одам деган Аллоҳга сажда қилмайдими?

Қизларнинг иккиси бирдан туриб Эзо бувига жой бўшатишди. Буви ўтирипоқ билан дарров сўради:

– Чилли, кофир Исмат яна бир аёл олиб, Фотимани кўчага ҳайдаб юборибдими?

– Шунақа...

– Воҳ, воҳ! Бекорга кофир Исмат дейишмаган уни. У нималар қилди, нималар. Фотимани алдаб, уйлангунча унга қул бўлди. Энди эса ҳайдаб юборибди. Ҳали бир кун нима қилганини тушунади, аммо у пайтда фойдаси бўлмайди. Менинг бир неварам «Бу одамларнинг оғзидан ислом сўзини эшитдингизми? Бу сулҳўр, одамларнинг ҳаққини еган золимлар исломнинг ёқасини қўйиб юборишса, уни жуда тез тарқатамиз. Аммо бу виждонсизлар олдимизга тўсиқ қўйишмоқда. Лекин бир куни, иншааллоҳ, бу тўсиқни йиқитамиз», дейди. Мана, катта кишилоққа уч киши етиб ортяпти.

Нолон сўради:

– Улар ким, Эзо буви?

– Кофир Исмат, бузуқи Ҳолис, Камол – учови бизга етиб ортади. Истаган қизларини олишади. Одамларни арзимаган

* Европаликлар назарда тутиляпти.

пулга ишлатишади. Бир беришса, икки ҳисса қилиб қайтариб олишади. Туман ҳокими, қишлоқ раиси ҳам уларга қулоқ солади. Невäрам айтганидек, бир кун келиб, золимларнинг қадди чиқмай қолади, уларга адолат нима эканини кўрсатиб қўямиз. Ёки ўзларига келиб, берилган нарсага қаноат қилишади ёки шу ҳолича ўлиб кетишади.

– Бу одамлар сизга ҳам азоб берган кўринади, – деди Нолон.

– Куйдирди. Ўғлим уйланаётганда қизнинг отаси қалин пули сўради. Пул етмади. Қалин бермасдим, аммо ўғлим гапимга қулоқ солмади. Камолдан беш минг қарз олгандим, фоизи билан ўн минг қайтаришимни айтди. Беролмадим, суд ижрочилари келди. Кўп гапиртирма, қизим, мени гапиртирма. Бу итлар кимларни куйдирмади! Мана энди Фотима қай аҳволда? Ҳеч бўлмаса, кўчага ҳайдамаса бўларди. Булоқбошидаги уйига олиб борса бўларди бечорани. Эх! Мана шулар жаҳолатдан ишора, қизим. Аллоҳни билмаганнинг золимлиги... Гўзал аёл учун ўз аёлини ҳайдаган оламда раҳм-шафқат йўқдир.

Гапираётганда кўзларига ёш келган Эзо бувининг назари Нолоннинг сочларига тушди.

– Офарин, баракалла, бошингни ўрабсан. Лекин бизнинг қизлар каби пешонангда бир неча толани кўрсатишни сен ҳам бир ҳунар деб биласан шекилли. Рўмолни тўлиқ ўрасаларинг, нима бўлади?

Нолон кулди.

– Ие, Эзо буви, мен бутунлай ўрамадим-ку! Бир кунга, холос. Мен ўрамайман.

– Нега ўрамас экансан? Пайғамбар қизи ҳам ўраган, сен ундан ўзингни устун деб биласанми?

– Ундай деманг, Эзо буви! Мен сизни яхши кўраман, сиз бўлсангиз уришаверасиз.

– Мен сени яхши кўрмайманми? Яхши кўраман, шунинг учун Аллоҳ ҳам яхши кўрсин дейман-да. Айб иш қилдимми?

Мен ҳозирги қизларга доим гапираман, лекин фақат Билқис билан Чилли қулоқ солади. Қизим, эсимда борида бир нарсани сўраб олай. Шаҳарларда эрлар хотин куйинишадими?

– Албатта, куйинишади, баъзан ажрашмасдан ўйнаш топиб олишади. Аммо ажрашишлар сони жуда тез ошиб борипти.

– Нима учун ошяпти, қизим?

– Билмайман. Замонавийликка, маданиятга қараб юрган сайин ажрашишлар ортгани экан, билганим шу. Унчалик кўп суриштирмадим.

– Эшитдимки, яланғоч аёлларнинг расмлари майдонларга осиб қўйилганмиш, шу гап тўғрими?

– Ҳа. Бундан баттарлари бор.

– Унақада эркаклар Истанбулга боргач, нега аёлларини ёқтирмай қолишини тушундим. Бу кетишда ёмон бўлади. Сен нима қилдинг, қизим? Расмингни тугатдингми, ёки бошқа расм чизасанми?

– Ҳозирча йўқ, Эзо буви. Жуда чарчадим, дам олмоқчиман.

– Яхши, яхши, агар яна расм чизадиган бўлсанг, Фотиманинг йиғлаётган ҳолатини чиз. Инсонлар дардли, қайғули юз қандай бўлишини бир кўриб қўйишсин.

Чилли эътироз билдирди:

– Эзо буви, қўйсангиз-чи! Виждони бўлмаган инсонга расм қандай таъсир қилади? Қара, зўр манзара, дейди ва ўтиб кетади. Онам «Виждонлар Аллоҳнинг таҳаккуми[1] остига кирмасдан тузалмайди», дейди.

– Қизлар, мен Фотиманинг юзига қарай олмайман. Ўзимни айбдорман. Унга мендан салом айтинглар. Аллоҳнинг валий қули шундай дейди: «Қалбнинг энг аянчли ўлими Аллоҳни хотирлашдан ғофил бўлишидир. Ким қалби тирик бўлишини истаса, унга Ҳақ зикри билан жило берсин". Фотима ҳам тез-тез дуо қилиб, Аллоҳдан сабр истасин. Нима қилай, қўлимдан бошқа нарса келмайди. Аллоҳ сабр берсин.

[1] Таҳаккум – ҳукмронлик.

– Омин. Ростдан ҳам, қийин аҳволда.

– Бўпти, қизларим, яхши қолинглар.

– Эзо буви ажойиб-да, уришса ҳам, хафа бўлмайсан.

– Ҳа, тўғри айтасан. Биз мавзуимизга қайтайлик. Мен яна озроқ қолиб, кейин кетаман. Қишлоқда бошқача туйғуларга ошно бўлдим. Ишон, ичимдан ўтганларини айтсам борми! Ҳа, майли... Мен Фазли ишини бир ҳафтага қолдирсак деганди. Онаси келсин, вазиятга қарайлик. Воқеалар ривожини вақтга қўйиб бериш керак.

– Албатта, ҳақсан. Бироз вақт ўтсин. Билқисни аввал отасидан қутқариш керак. Бир сафар эшитиб қолдим, қиморда қизларини ҳам тикишар экан. Бунақа оталар қўлида қизини қолдириб бўлмайди. Дарвоқе, сен шунча пайтдан бери Фазли билан дўстмиз деяпсан. Уни севасан-у, Билқис бўлгани учун шундай қиляпсанми?

– Янглишяпсан.

– Модомики, янглишаётган эканман, сен бир ёш қиз сифатида қандай қилиб уч ойдан бери нотаниш қишлоқдасан? Ота-онангнинг жаҳллари чиқмайдими?

– Бу нима бўпти? Бир йилга кетсам ҳам, индашмайди. Фазли билан дўстлигимизни билишади. Улар жуда ҳам илғор фикрловчи, замонавий инсонлар.

– Замонавий бўлиш ва илғор фикрлаш деган нарса йўқ, ҳаммаси бекор гап, отам доим бир шеър ўқийди:

Маданият, замонавийлик – чин ёлғонлар,
Луғавий маъноси йўқ, бундан не англарлар,
Сўзлар орқасига яширинган бечоралар,
Доим билмаганларига асир бўлардлар.

– Тўғриси, мен ҳам тушунмайдиган жуда кўп нарса бор. Айтяпман-ку, руҳим бўм-бўш... На шаҳардан, на қишлоқдан излаганимни тополдим. Мен соддалик, тўғрисўзлик тарафдори-

ман... Билкисининг аҳволини қара. Дискотекага борадиганларни, бизникиларни ҳам бир ўйлаб кўр, ким билан юради, ким билан тонг оттиради, билиб бўлмайди... Гапираман десам, гап кўп. Ие, анави келаётган Рамазон чўпон эмасми?

– Ҳа, ўша.

– У билан озроқ гаплашсак.

– Сен гаплаш, мен ундан уяламан. Одамга шунақа гаплар айтадики...

– Шошма, мен барибир гаплашаман. Ета олмасам-чи? Рамазон бей!

Рамазон овозини эшитиб тўхтади.

– Бир дақиқа шошмай туринг.

Нилой чопиб Рамазонга яқинлашди.

– Салом!

– Салом.

– Бир илтимосим бор, ўтган куниги гапларингиз мени роса хаяжонга солди. Яна бир нарсалар айтиб бера оласизми? Масалан, шеър.

– Ҳар доим шеър айтиб бўлмайди-да. Сиз Истанбулдан келган қизсиз, тўғрими?

– Ҳа.

– Унақада сизга бир савол: саҳобаларнинг мақбараларини зиёрат қилдингизми?

– Йўқ, ким улар? Исмларини ҳам эшитмаганман.

– Эшитмайсиз, албатта, эшитмайсиз. Улардан бири ҳақида айтиб берай. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккадан Мадинага ҳижрат қилган пайтларида У зотни уйига таклиф қилиш учун ҳамма бир-бири билан тортишарди. Ансорлардан* бўлган фақир бир зот бор эди. Хотини ва ўзи «Биз

* Ансорлар – Пайғамбаримиз алайҳиссалом даврларида яшаган мадиналик мусулмонлар. Ҳижрат қилганларга ёрдам беришгани учун шундай ном олишган.

фақирмиз, агар меҳмон қила оладиган шароитимиз бўлганида. У зотни таклиф қилардик, улуғ пайғамбаримизнинг уйимизга ташрифлари билан янада бахтиёр бўлардик», дея орзу қилишарди. Бу орада Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам жуда кўп таклиф олгач, шундай дедилар: «Туяни қўйиб юбораман, у кимнинг уйига борса, ўшанинг уйида қоламан». Туя ўша фақир, аммо кўнгли бой бўлган эр-хотиннинг уйи олдида тўхтади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша ерда қолдилар. Орадан йиллар ўтди. Уй эгаси қариди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Истанбулни фатҳ қилган саркарда ва аскарлари ҳақидаги мақтовларига лойиқ бўлиш учун саксон ёшида Мадинадан йўлга чиқди. Унинг ягона истаги у зот мақтаган аскарлардан бири бўлиш эди. Саксон ёшидаги бу саҳоба Истанбул яқинида шаҳид бўлди. Кейин уни бугунги жойига дафн қилишди. Ўша зот Айюб Султон[6] ҳазратлари эди.

Нолон ҳайрон бўлиб қолганди.

– Ҳааа... Айюб Султонни билардим, лекин у кишининг саҳобалардан эканини билмасдим.

– Мен жуда қисқа айтиб бердим, аслида у зотнинг маънавий қийматини бир неча кунда ҳам айтиб тугатиб бўлмайди. Майли, сиз саволингизга беринг. Қўйларимнинг бошида ҳеч ким йўқ. Жума намозидан чиқиб, энди уларнинг ёнига кетаётгандим.

– Сиз ўтган куни бош вазирдан-да хотиржамроқман, дедингиз. Чўпонликнинг нимаси сизга хотиржамлик беради?

– Айтгандим-ку, инсонлар билан муомала қилиш қийин.

– Унақада сиз худбинсиз, осон нарсани танлагансиз.

– Йўқ, ундай эмас. Менинг ақлим шунга етади. Мен китоб ўқийман, тасаввуф китобларини жуда яхши кўраман. Нақшбандийлик тариқатини. Нақшбандийни яхши кўраман.

– У ким?

---

[6] Абу Айюб ал-Ансорий. Асл исмлари – Холид ибн Зайд ибн Кулайб ал-Хазражий.

– Аллохга ошиқ бўлган зотлардан бири. У Аллохга қандай ибодат килиш хакида таълимот берган.

– Ўзи ўйлаб топганми?

– Йўқ. Куръон ва хадисларга асосланиб гапирган. Хеч ким ўзидан-ўзи ибодат килишни ўйлаб тополмайди, топса хам, дин-дан чиккан бўлади. Ибодатнинг бугунги кўринишини махшарга-ча давом этади, аммо зикр килиш белгилаб қўйилмаган. Хар ким истаганидек, исломга мос шартларда килади. Накшбандий хазратлари жуда фойдали зот эди.

– Файз нима дегани?

– Буни тотмаган тушунмайди, тушунтириш эса мумкин эмас.

– Нега менинг булардан хабарим йўқ? Тўғриси, хафа бўл-дим. Накшбандий хазратлари хакида озрок гапириб беринг. Жуда кизикиб колдим.

– Тарикатдан олдин фарз бўлган илмлар бор. Сиз олдин шу-ларни ўрганинг. Зеро, тарикат тушунтириладиган мавзу эмас. Мен кеч колишман.

– Унакада, хотира дафтаримни олиб келай, шунга бир нар-салар ёзиб беринг, илтимос. Сиз айтган гаплар менга жуда ёкяпти.

Нозон дарров хотира дафтарини олиб келиб, Рамазонга бер-ди. Рамазон дафтарга бир караб олгач, устидаги расм хакида сўради.

– Бу бирор артистнинг расмими?

– Йўқ, менинг расмим.

– Тўғри, артист билан оддий кизларни ажратиб бўлмай кол-ди. Бизнинг кишлок кизлари хам унаштириш маросимида, тўй-ларда артистларга ўхшаб колади. Аллохнинг амрида юришма-са бўлди, бошка кимнинг амрида юрса, юраверишади. Мусул-монлар жуда бузилиб кетди. Бу кетишда ахволимиз нима бўла-ди, билмайман. Сиз бу расмни олиб ташланг. Кўзларим маъ-навий гўзалликларни кўришга ўрганиб колган, ўзгаришлари-ни истамайман.

– Хўп, ҳозироқ олиб ташлайман.

– Нима деб ёзай?

– Нимани хоҳласангиз.

– Неча саҳифа ёзсам бўлади?

– Қанча истасангиз. Агар ҳаммасига ёзсангиз, хурсанд бўламан. Яқинда Истанбулга кетаман. Ўқигач, хотирамда ҳамиша ёнимда қолсин.

– Хўп. Икки кундан кейин дафтарни Чилли спектаклга борамиз. Ўн беш, йигирма саҳифа ёзарман балки, хафа бўлмасангиз.

– Сиз ёзаверинг. Шеър тўқишни ҳам унутманг.

Нолон яна Чиллининг ёнига қайтди.

– Шу чўпон мени қизиқтириб қўйди. Қишлоқ қизларида унга ошиқ бўлган йўқми, Чилли?

– Қаёқда, қизларимиз бойларга қарайди. Чўпонга қарашармиди?

– Истанбулда ҳам қизлар шунақа, кўпида бир хил касаллик бор... Қара, одамлар масжиддан чиқяпти, қайтайлик. Билқис хавотирдан портлаб кетаётгандир.

Уйга киришганида Фотима хоним кетишга тайёр турарди.

– Қизлар, мен энди кетаман. Билқис сизларга омонат, у томонларда қийналади қиз бечора. Отасининг ёнида қолсин, бўлмаса, у бир балони бошлайди.

Билқис:

– Йўқ, мен ҳам сиз билан кетаман. Ёқуб тоға бизга жой тайёрлагач, яна қайтиб келамиз. Унгача сизни ёлғиз қўймайман, – деди.

Нолон хафа бўлди:

– Қанийди, мен ҳам сизлар билан бирга борсам...

– Йўқ, йўқ, асло бўлмайди. Ҳали менинг қаерда яшашим аниқ эмас, сизларни қаёққа олиб бораман?..

Билқис ва Фотима хоним ҳамма билан хайрлашишди. Ярим соғлиқ йўл юришлари керак. Фотима хоним тўхтамай йиғлар, қалбида жуда чуқур яралар пайдо бўлганди. Ташқарига чиқишар экан, Нолон Билқисдан сўради:

– Менга қара, саволимга жавоб бермадинг, ракетани ким кашф қилган?

Билқис ғалати қараб қўйгач:

– Хитойликлар ўйлаб топган, америкаликлар эмас. Бундан саккиз юз йил олдин кашф қилишган, – деди.

Нолон унинг қулоғига шивирлади:

– Ракетани қўй, Фазли масаласини ҳал қиляпмиз, шуни айтмоқчи эдим.

– Қандай ҳал қиляпсизлар?

– Мен уни хоҳламайман, у бўлса мажбуран сени танлайди.

– Уни хоҳлашимни ким айтди? Отамнинг қилган ишларидан кейин дунёда қанча эркак бўлса, ҳаммасини бир гўр деб ўйлайман. Бундан ташқари, ўзига бино қўйган олифтанинг нима кераги бор менга? Нега севдим ўша олифтани ўзи?.. Хўп, майли, яхши қол...

Орадан ўн кун вақт ўтди. Дўне хола касалхонадан чиқди, унинг қўлига қисман фалаж деган хулоса тутқазилганди. Уни уйга олиб келишди.

Айтганча, Ёқуб тоға ваъдасида турди. Бир хона ва бир ошхонадан иборат уй солди, қишлоқликларнинг ёрдами билан уйни битиришди. Ёқуб тоға ёғочларни ва ғиштларни Исматдан ололгани учун хурсанд эди.

Қизи Чилли билан Нолонга:

– Боринглар, Билқисларни олиб келинглар, – дея Фотиманинг тоғасининг уйига юборди.

Улар етиб келишганида, Билқис уйнинг деразаси олдида ўйланиб ўтирган эди. Кўзи дугоналарига тушиши билан чопқиллаб кетди.

– Қизлар!.. Сизларни кўрганимдан қанчалар хурсандлигимни тасаввур ҳам қилолмайсизлар. Қани, келинглар.

Қизлар ичкарига киришди. Фотима хоним ўрнидан турди.

– Жон сингилларим менинг! Қайси шамол учирди, қандай келдиларинг?

– Сизларни олиб кетишга келдик. Отам сизларга ишлаган уйни битирди.

– Исмат нима қиляпти?

– Қўйинг шу Исматни, сизларда нима гап?

– Ҳозир қизим келади, қишлоқ раиси олиб келади. Аллоҳ ёрдам берганларга Ўзи ёрдам берсин. Қизимни жуда соғиндим. Оёқ-қўлларим титраяпти. Боламни кўраман, ундан кейин нима бўлади, билмайман.

– Нега қизингизни тез-тез кўриб турмайсиз?

– Отаси кўрсатмайди. Умуман виждони йўқ, ахир боланг онасига қандай қилиб кўрсатмаслик мумкин?

Шу пайт кўчадан овоз эшитилди.

– Ҳой, уй эгалари! Кимдир борми?

Фотима хоним ёшиндек ташқарига чиқди. Раиснинг ёнида қизини кўрди. Юраги тўхтаб қолай деганди.

– Болам, жоним!

Омина қўлларини очиб, чопганича онаси томон югурди.

– Онажон! Қаерларда қолдингиз? Сизни жуда соғиндим. Нега мени изламадингиз?

Она-қиз бир-бирларини қучоқлаб, ҳўнграб йиғларди.

– Онажон, нега мени ташлаб кетдингиз? Нега мени олиб кетмаяпсиз?

– Сени менга беришмаяпти, болам.

– Мен сиз билан бўлишни истайман. Сизни доим тушларимда кўраман.

Фотима хоним қизининг юзи, сочларидан ўпар, ҳидларди.

– Мен ҳам сендан айрилишни истамайман, болажоним.

Омина онасининг қучоғида йиғларди:

– Мени ташлаб кетманг, онажон...

Шу пайт раис Фотима хонимга яқинлашди:

– Синглим, болани ярим соатга олдим, холос. Отаси жуда қайсарлик қилди. Болани уйга олиб кир, гаплашиб олинглар. Кейин олиб кетаман.

– Илтимос, раис, илтимос, олиб кетманг! Ахир неча йиллардан бери қизимни энди кўриб турибман. Бу болада менинг ҳаққим йўқми?

– Албатта, бор. Аммо отаси бало экан, нимаям қилардик.

Гапга Билқис қўшилди:

– Бало бўлса нима бўпти? Биз ҳам судга бериб, суд қарори билан оламиз.

– Мени олсаларинг, отам онамни ўлдирар экан, – деди қизча.

Ичкарига киришди. Омина онасининг юзига тикилиб ўтиришди.

– Онажон, сизни жуда соғиндим.

– Мен ҳам соғиндим, болам.

– Отам сизни ёмон дерди, сиз эса отамни ёмон деяпсиз. Қайси бирингиз тўғри гапиряпсиз?

– Болам, энг яхшиси, катта бўлганингда бу масалада ўзинг бир қарорга келарсан. Ҳозир буларни ўйлама.

– Хўп, онажон.

Фотима хонимга қўшилиб Билқис ва Чилли ҳам йиғлар, Нозои эса ўйга толганди: «Нега бу бола кимнингдир айби деб қийналяпти, нега?..»

Ярим соат бир зумда ўтиб кетди. Ташқаридан раиснинг овози эшитилди:

– Оминани олиб келинглар!

Омина эса онасини баттар қучоқларди.

– Мени бериб юборманг, она, илтимос. Мен сизга қулоқ соламан, сизни умуман хафа қилмайман.

– Болам, ҳозир кетишинг керак. Сени яқинда оламан. Мен ҳам сендан айрилишни истамайман.

Хайрлашиш вақти келганди. Омина чинқирди:

– Йўқ!!! Мени онамнинг олдида қолдиринг, илтимос!

– Кел, қизим, отангдан кўрамиз кўрадиганимизни йўқса.

– Мени онам билан қолдиринг, деяпман! Илтимос, онамни жуда соғинганман. Доим онамни ёмон дейишади, у ёмон эмас. онам билан қолишни истайман.

– Болам, Оминам меним! Барибир сени оламан, хавотир олма. Ҳамманинг кўзида ёш, Оминанинг орқасидан қараб қолишди. Фотима хонимнинг йиғиси йўлга тушишганида ҳам тинмаган эди...

Тепалик кўрина бошлади. Пешин намозига азон айтилаётганди. Фотима хоним:

– Оёғим оғриб кетди, озроқ ўтирайлик, – деди.

Йўл четига ўтиришди. Фотима хоним бошидан кечганларини айтиб берди. Қизидан айрилиши, иккинчи марта ажрашганини, қайнона, қайнопаларидан қандай зуғумлар кўргани, сепини оз олиб боргани учун кўзини очтиришмагани, йўқ жойдан калтак еганини, отасининг насиҳатлари ҳақида гапирди.

– Аллоҳга хиёнат қилганлар билан асло турмуш қурманглар. Ё дунёингиз барбод бўлади, ёки охиратингиз. Кимдир бу дунёда бахтли бўлса ҳам, охиратда ютқазади. Шунинг учун, отам айтганидек, дини бутун инсонлар билан дўст бўлиш керак.

Ниҳоят Ёқуб тоғанинг уйига етиб келишди. Уй бекаси уларни кўтаринки кайфият билан кутиб олди.

– Келинглар, келинглар. Хуш келибсизлар! Сизларга хушхабарим бор, ўғлим келяпти экан. Ширинликлар тайёрлаяпман, зиёфат бераман.

Унинг гапи оғзида қолди. Фотима хонимнинг йиғлаганини сезгач, ноўрин гапириб қўйганини сезди. «Бири боласидан айрилаяпти, яна бири эса боласига етишяпти, жуда чалкаш дунё», деб хаёлидан ўтказди Чилли.

Бу орада Нолон рухсат сўраб, Фазлиларникига кетди. Эшикни тақиллатган эди, Фазли очди:

– Ооо! Марҳамат, хоним, марҳамат, келинг! Кўринмай кетдингиз, тинчликми?

– Салом, онанг яхшими?

– Салом. Яхши десаям бўлаверади. Нолон, сенга нималар бўляпти? Мен сени бу ерга ўзим учун олиб келгандим.

Сен бўлсанг, қишлоқи қизга айландинг қолдинг, бу нимаси? Фикринг ўзгарди, ишон, сени тушунолмай қолдим. Сенга нима бўлди?

– Нима бўларди, дўстлигимиз учун мен ўзимни қарздор деб ҳисоблайман.

– Бу нима дегáнинг?

– Ёлғонми? Агар мақсад фақат дўстлик бўлса, нега бу ерга ўғил бола дўстингни эмас, мени олиб келдинг?

– Ана бўлмаса... Сен бизнинг мутаассиблардан ҳам ошиб тушдинг-ку!

– Йўқ, янглишяпсан. Мен бу қишлоқда икки-уч мутаассибни кўрдим, холос. Барча мутаассиблар Истанбул ва Анқарада экан деб қолдим.

– Шундайми? Майли, кир ичкарига, онам хавотир олади.

Ичкарига кириб, ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин Нолон асосий мақсадга ўтди:

– Дўнис хола, мени яхшилаб эшитинг. Билқис Фазлини севади. Мен Фазли билан яшай олмаслигимни жуда яхши тушундим.

– Нолон, илтимос. Сени ёқтираман, биласан...

– Сен ҳаммани ёқтирасан. Ёқтиришнинг ўзи етарли эмас. Менинг руҳимда...

– Ёш болалик қилма, Нолон! Сен олий маълумотли қизсан. Атом асрида руҳ ҳақида гапириш сенга ўхшаган замонавий, олий маълумотли қизга умуман ярашмайди.

– Тўғри, сенда руҳ бўлмагани учун мени тушуна олмайсан, ишониш эса тамоман бошқа бир нарса. Мен неча йиллардан бери ўқияпман. Биргина Эзо бувининг, Рамазон чўпоннинг ярмичалик ҳам самимий бўлолмадим, катта Истанбулда уларга ўхшаган одамни кўролмадим. Менимча, юз эмас, мингтадан битта инсон бундан мустасно, инсонлар сунъий бўлади. Доим тақлид, доим сунъийлик. Сен эса ўша одамларга талпинасан... Шунинг учун ўзингни яширишга, уларга ўхшашга уринасан.

– Яхши, яхши. Кишлокнинг имомига тег, кейин муаззин бўл. Агар сени лутопаларинг кўрса борми... Аммо кўришмайди, унгача тузалиб кетасан.

– Мен жинни эмасман, нимам тузалади? Имом масаласига келсак, унга тегишим мумкин. Сенга ёкмайдиган ўша инсон сендан устунрок. Чунки сен уни менсимайсан. У эса бундай килмайди. «Фазлимиз яхши», деб ди ўтган куни. Агар сенинг шунака эканингни билганида эди...

– Аллох сендан рози бўлсин, кизим. Ўзи фалаж бўлишимнинг сабаби хам Фазлининг ахволи. Болам Анкарага кетаётганида намоз ўкир эди. Бориб келдию ғалати бўлиб колди. Сенгаям ёкмай колди, балки акли жойига келар.

– Жони соғ бўлсин Полоннинг! Мени ёктирмаслик колокларнинг иши.

– Билкис хакида нима дейсан? Сен уни ёктирмайсан, у эса сени каттик севади. Болалигидан бошланган экан севгиси.

– Менга нима кизиғи бор? Эрта-индин бир иш эгаси бўламан. Бошида рўмоли бор кишлок кизи билан зиёфатларга боришимни ўйламаётган бўлсанг керак?

– Онанг сени зиёфатларда дунёга келтирмаган. Уялсанг, бормай кўя коласан. Ўйлаган нарсангни кара. Хотинингни мехмондорчиликда чиройли кўрсатиш сенга нима беради, тушунмадим. Кейин шундай бир нарса бор: кишлок кизларининг бошини очиши осон, аммо шахар кизларининг рўмол ўраши кийин масала. Мен кишлокдан шахарга келган канчадан-канча кизни кўрдим, дастлаб ётокхонада намоз ўкишарди. Йигитлар билан гаплашаётганда юзлари кизариб кетарди. Бошларида рўмол бор эди, аммо нима учун ўраганликларини билишмагани учун дарров очилиб кетишарди.

– Бу борада сен билан бир фикрламан. Ростданам, Билкис нима учун ўраганини биладиган киз эмас, уни тез йўлга солиб оламан.

Дўне хола каттик хафа бўлди.

– Ўғлим, сен шунчалар диндан узоклашиб кетдингми? Демак, йўлдан чиқаришнинг номини йўлга солиш демоқдасан. Ўғлим, бундай қилма, илтимос, болам. Мени юрагимдан яралама. Қара. Ёқуб тоғанинг ўғли ҳам ўқиган...

– Она, ҳазиллашдим, ҳазиллашдим, эътибор берманг.

Дўне хола йиғлаб, ёлвора бошлади:

– Ох, менинг келишган болам, илтимос! Охирги нафасимда менинг гапимни қайтарма, уйлан Билкисга. Қанча тиллам бўлса, ҳаммасини бераман.

– Умуман олганда, мен ҳам Билкисга эътиборсиз эмасман, фақат унинг қолоқлиги менга ёқмайди.

– Ўғлим, унга тухмат қиляпсан. Қиз ҳеч қачака қолоқ эмас.

Нолон Фазлининг «Билкисга умуман олганда беэътибор эмасман», деган сўзларини ўйларди.

– Сен Билкисга уйланасанми ёки уйланмайсанми? – сўради ундан.

– Ўйлаб кўришим керак. Эртага у ҳам мени бошқасига алмаштирса, ўртада қолиб кетаман.

Дўне хола яна ёлвора бошлади:

– Илтимос, ўғлим, менга бегона эллардан нотаниш келин олиб келма. Шаҳар қизи менга чидолмайди, Билкис эса менга қарайди. Шаҳар қизини олсанг, қишлоқ ишларини қилолмайди, бу ерга чидолмайди.

Фазли Нолонга тош отгандек:

– Йўқ, хавотир олманг, она! Шаҳарлик, ўқиган қизлар қишлоққа тез мослашяпти, қишлоқликларнинг адвокати бўляпти, – деди.

– Бу нима деганинг? Шаҳарда нечта Нолон топа оласан?
Менинг руҳимда қишлоқликларни севиш ҳам бор. Агар эсласанг, дискотекага зўрға борардим. Майли, мен кетдим. Фазли,
ўйлаб кўр ва жавобини бер, хўпми?
айт. Ҳеч бўлма-
– Бўпти, бўпти, унга уйланмоқчи эканимни
... қарайди.

Нолон чиқиб кетгач, Дўнс хола ўғлини алқади:

– Аллоҳ рози бўлсин, ўғлим. Билқисга рози бўлдинг, энди ўлсам ҳам ғамим йўқ. Мен Нолон қизимни ҳам яхши кўриб қолдим, аммо у қишлоқда яшолмайди-да.

– Она, тили заҳар-ку унинг, нимасини ёқтирасиз, билмадим. Бирор марта менга яхши гапирганини эшитмадим.

– Ўғлим, сен билан бу ерга келишига онаси ҳеч нарса демаганмиди?

– Улар ҳеч нарса демайди, маданиятли инсонлар дедим-ку. «Қизимга яхши қара», деди, холос,

– Бирга келишларингизни билишармиди?

– Албатта. Автобусга ўзлари чиқаришди. Нолоннинг машинаси бор, ўзи ҳам ҳайдай олади. Аммо унда келмадик. Онаси кузатди бизни.

– Ўғлим, маданият деганинг қўшмачиликка ўхшаган нарса экан-да.

– Йўт-ей! Маданиятли инсонлар бошқа, яхши одамлар.

– Ўғлим, бу қанақа яхшилик? Нотаниш бола билан қизини бир четларга юбораверса. Тавба! Лекин Нолон яхши қиз. Ақлли, одобли. Ота-онасининг омади бор экан.

– Мен ҳам ҳайронман. Гўёки Истанбулда мен танишган Нолон кетиб, ўрнига бошқаси келгандек. Имомга тегса ҳам, ҳайрон қолмайман. Дугоналарига кулги бўлади.

– Нега? Имом одам эмасми? Айби намоз ўқиганими?

– Нималар деяпсиз, она? Нолон имомга турмушга чикса, бу ҳақида газеталарда ёзишади.

Она-бола мана шуларни гаплашар экан, Билқис билан Нолон турмуш қуриш масаласида суҳбатлашаётган эди.

– Билқис, Фазли сенга уйланмоқчи.

– Шунақами? Қолоқ, қишлоқ қизи бўлмайди, деётганди нима бўлди? Энди мен ...

Энди эса шимининг дазмоли бузилмасин деб тик турармиш. Бутларга ўхшаган одамни хохламайман.

– Яъни севмайсанми?

– Севмайман!

– Бекор қиляпсан-да, Билқис!

Шу пайт Камолнинг аёли келди ёнларига.

– Қизим, Билқис, эшитдингми, отанг отдан йиқилиб, оёғи синибди, сал олдин докторга, Хўжа қишлоғига олиб кетишибди.

– Ростданми? Эх, барибир рахмим келди. Фотима опанинг дуойибади ургандир. Янги хотини нима қилибди?

– Нима қилишни билмай қолибди.

– Шошманг, отам йўқлигида бориб, нарсаларимни олиб келай.

– Қизим, қўй ўша нарсаларни, бизнинг молимизнинг хаммаси сеники. Отангнинг жахлини чиқарма.

– Нега сизнинг мол-мулкингиз меники бўлар экан?

– Қизим, биласан-ку, отанг сени бизнинг ўғлимизга берди.

– Нима?! Худо сақласин. Фазлига тегаман ундан кўра, буни унутинглар. Шошмай туринг, Дарвеш Алидан сўрай-чи, мен хохламасам, отам мени бировга бера олармикан-йўқмикан. Тур, Нолон, сен билан борамиз.

Вақт ўтиб борар, қуёш аста-секин ботиш учун ғарб томонга қараб ёнбошларди.

Дарвеш Али масжиднинг бир бурчагида ўтириб, тасбех ўгирарди. Нолон биринчи бўлиб сўради:

– Кечирасиз, нима қиляпсиз?

– Бунинг номини «зикр» дейишади. Қалбни нурлантиради, кишини Аллохни янада кўпроқ сева бошлайди. Буюк Роббимиз «Сизлар мени ёдга олсаларинг, мен хам сизларни эслайман», деб мархамат қилган. Кечки пайт қуёш ботаётганда ким юз марта «Субханаллохи ва бихамдихи» деса, унинг денгиз кўпиги- ... Аллох кечирар экан.

– Субханаллохи ...

– Аллоҳ бандаларини шунчалар тез кечирадими?

– Албатта. Ҳамма гап самимий бўлиш ва қилмишларингдан чин дилдан пушаймон бўлишда. Кейин зикр ёки ибодат фақатгина Аллоҳ мени кечирсин дея қилинмайди. Аллоҳни севган уни доим ёдда тутади. У билан бўлишни истайди, кейин қалбларнинг жилоси зикрдир, зикр. Албатта, бу умрингни фақатгина зикр билан ўтказасан дегани эмас. Инсонларнинг Аллоҳга яқинлиги босқичма-босқич амалга ошади. Менга қолса, ҳар бир мусулмон кунда ҳеч бўлмаса бир соат зикр қилсин деган бўлардим. Қалбининг чангларини тозаласин.

Сизлар қалб жилоси нима эканини билмайсизлар. Зикрдан лаззат олиш шунақа нарсаки, буни сўз билан таърифлаб бўлмайди. Ҳеч ким қалбининг маънавий кирларини ибодатсиз тозалай олмайди. Шунчаки қалбимни тозалаяпман дея, ўзини ўзи алдайди, холос. Дарвоқе, нимадир сўрагани келганмидингиз?

– Ҳа, лекин айтгани сал уяляпман... – деди Билқис.

Гапга Нолон қўшилди:

– Исломда уялиш деган нарса йўк экан, шунақами?

– Нега бўлмас экан? Исломда уялиш бор, аммо илм ўрганишда уят йўқ. Одамлар мана шуни нотўғри тушунади. Исломиятда нимaнинг айб эканини ўрганиш айб эмас, айб ҳисобланадиган нарсани қилиш айбдир. Хўш, қани, айт-чи, нимани сўрамоқчисан, Билқис?

– Ҳалиги... Исломга кўра, отам мени мен истамаган одамга турмушга бера оладими?

– Беролмайди, аммо отанг исломга қарамайди-да.

– Тўғри. Шу ишлар ёқмагани учун Истанбулга кочиб кетаман деганидим. Нолон мени қўрқитиб қўйди. Уйдан кочган қизларнинг деярли ҳаммаси ёмон йўлга кириб кетар экан.

– Сен нега бунча ёмон гапларни айтяпсан? Қочиш нима дегани? Шошма, қисматинг чиқади ва турмуш қурасан. Айтганча, отанг Фотима хонимни қўйиб юбордими?

– Ха, уйдан қувди. Биласиз, янги аёл ҳам олиб келган, уйга хизматкор ёллабди, сигирларга ҳам у қарар экан. Бечора Фотима опа қанчалар сабрли инсон экан-а! Ҳозир ҳам уйдан нарсаларини олай десам, кўнмаяпти.

Дарвеш Али яна бироз ўйлагандан кейин:

– Фотима хонимнинг ўзи билан олиб келганларини олиб келишинг мумкин. Маҳри бормиди?

Билқис:

– Маҳр нима дегани? – деди.

– Турмуш қураётганда эркак киши томонидан аёлга бериладиган совғага ўхшаш, бир миқдор тилла ёки пул. Никоҳ ўқилаётганда имом сўраши лозим, аммо буни сўрайдиган нечта имом бор, билмайман. Никоҳни ўқишади, на аёлнинг эр олдидаги вазифаларини, на эрнинг хотин олдидаги вазифаларини айтишади. Имом дегани йўлбошчи дегани. Модомики, йўлбошчи экан, ҳеч бўлмаса, энг муҳимларини айтиши керак.

– Бу маҳр аёлни сотиб олиш бўлиб қолмайдими?

– Йўқ, асло ундай эмас.

– Демак, мен отам уйда йўқлигида Фотима опа олиб келган нарсаларини олсам бўлади, тўғрими?

– Албатта, аммо мени айтма.

– Хавотир олманг. Сиз ҳақингизда оғиз очмайман.

Билқис отасининг уйига бориб, эшикни тақиллатди. Ичкаридан:

– Ким у? – деган овоз эшитилди.

– Мен Билқисман.

– Отанг уйда йўқ. Эшикни очолмайман.

– Бу менинг ҳам уйим, эшикни очинг.

– Очолмайман, кейинроқ кел.

– Унақада ўзингиздан кўринг!

Билқис қўлига тушган чўкич билан деразанинг ойналарини синдирди. Аёл нима бўлганини тушуниб улгурмай, деразадан ичкарига кирди. Тўғри хотиннинг ёнига борди.

– Менга қаранг! Сиз нималар деяпсиз?

Аёл кўркиб кетганди:

– Менинг айбим йўқ, отанг шундай деди.

– Шунақами? Демак, сизнинг айбингиз йўқ, сизнинг бефарзандлигингизнинг ўзиёқ айб.

– Ўгай бўлганим учун шундай қиляпсанми?

– Йўқ, нотаниш одамга пул учун текканингизга жаҳлим чиқяпти. Шунинг учун сиздан нафратланаман.

– Фотима ҳам отангга пули учун тегмаганмиди?

– Йўқ. У яхши ният билан турмушга чиққанди. Мен Фотима опага нималар қилмадим, аммо чидади ҳаммасига.

– Мен чидолмайман. Мен унга ўхшаб ўтириб қолганлардан эмасман. Гўзал аёлман. Ортимдан кимлар юрмайди! Ҳозир кетсам ҳам, зўрини топиб оламан.

– Ҳа, буни эплайсиз, бунга шубҳам йўқ. Қочинг йўлимдан! Оёғингизни кўтаринг, бу гиламни оламан.

– Ололмайсан, отанг келгач, оласан.

– Сиз аралашманг! Отам билан учрашишни истамайман, тушуняпсизми?! Унга айтинг, мени қиморга тикканини ҳам эшитдим. Бундан кейин менинг отам йўқ.

Билқис гиламни, кўрпа-тўшакларни эшикдан ташқарига отгандан кейин сеп сандиғини ҳам олди.

Нима қилишни билмай қолган аёл:

– Отангнинг мендан жаҳли чиқмайди, аммо сен ундан қутулолмайсан, – деди.

– Отамга салом айтинг. Раис Ҳасаннинг қотили ҳақида биров билишини истамаса, асло менинг олдимга яқинлашмасин. Ҳа, оғилдан яна битта сигирни олиб кетаман. Фотима опа учун, у катта қилган сигирларни. Отам сизнинг ортингиздан юрганида, Фотима опа тўхтамасдан ишлади, тушунарлими? Яхши одам бўлганида отамни кофир Исмат дейишмасди...

Эртаси куни Чиллининг оғаси шаҳардан келди. Ёқуб тоға ўғлини бағрига босди.

– Хуш келибсан, ўғлим! Нега бунчалик кеч қолдинг?
– Бўлмади, ота, келолмадим. Айтганча, синглим қани?
– Хозир шу атрофда эди.
Хаммалари ичкарига киришди.
Довуд яна сўради:
– Чилли қани? Худо хакки, айтинглар.
Чилли яширинган жойидан чиқиб, оғасига яқинлашди.
– Оғам мени дархол сўрармикан деб, сизни синадим-да!
– Нега сўрамас эканман? Сен менинг хам синглим, хам хамфикр дўстимсан. Лекин қойилман сизларга, ёнимдаги мехмон ким деб сўрамайсизларми?
– Ўғлим, хижолат бўлиб сўрай олмай турган эдим. Ким бу қиз?
Хамманинг кўзи Довуднинг оғзида. Чиллининг хаяжони хамманикидан кучли эди.
– Онажон, бу қиз келинингиз.
– Нима?! Ўғлим, хазиллашяпсанми?
– Йўқ, хазил эмас. Мен жоиз бўлмаган хазиллар қилмаслигимни яхши биласизлар-ку.
Ёқуб оғага бу ёқмади. Онаси буни сездирмасдан:
– Хуш келибсан, қизим, хайрли бўлсин, – деди.
Чилли хам аранг:
– Хуш келибсиз, – деди.
– Хуш кўрдик, кечирасизлар, сизларни хайрон қолдирдик, лекин...
– Ха, тўғриси, шошиб қолдик, қизим. Тўй-пўй қилсак бўларди.
Довуд жавоб қайтарди:
– Тўйни истасангиз, қилаверинг, она. Турмуш қургандан кейин тўй қилмасин деган қонун йўқ-ку.
Довуд Нолонга ишора қилди:
– Мехмонимиз борми?
– Ха, Истанбулдан Нолон.
– Жуда соз, сиз хам хуш келибсиз. Чилли сизни роса мақтаган.
– Шунақа, уни биламан...

Ҳол-аҳвол сўралгандан кейин қишлоқда бўлган воқеаларни Довудга айтиб беришди. Бу орада Нолон билан Билқис қишлоқ майдонига келиб қолишганди.

– Нолон, Ёқуб тоғанинг қанчалар яхши инсонлигини кўрдингми? Бизга дарров уй қуриб берди. Аллоҳ рози бўлсин ундан. Дунёда яхши инсонлар ҳам бор, ишонавер.

– Албатта, бор. Мен ҳам унга ишонаман. Ҳалиги... Билқис Рамазон чўпонни кўрмадингми?

– Ҳа, икки кун олдин келди. Сен расм чизгани кетгандинг, сени сўради, яна қайтиб кетди. Омонатни эгасига беришим керак деди.

– Уни қаердан топсак бўлади?

– Бу жуда осон. Ҳозир яйловда бўлса керак. Юр, ўша ёққа борамиз, ўзи зерикиб, портлаб кетай деяётгандим. Ҳам айланиб келамиз, барибир қиладиган ишимиз йўқ.

– Айтганча, Довудни қара-я, уйланиб келибди. Ахир, сени унга олиб беришмоқчи эди.

– Бўйдоқ келганда нима бўларди? Барибир унга тегмасдим. Мен ҳеч кимга тегмайман. Фазлини севгандан кейин дунёдаги барча эркакларни ўзимга оға ёки ини деб эълон қилдим. Ихтиёр ўзимда эмас, ундан нафратланаман, лекин ундан бошқасини кўзим кўрмаяпти. У олдин қанчалар яхши бўлганини билсанг эди. Ҳозир эса роса ўзгариб кетган. Олдинги ҳолидан асар ҳам йўқ.

– Унга севишингни айтдим. «Мен ҳам унга нисбатан беэътибор эмасман», деди. Онаси ҳам сени жуда яхши кўради. Гарчи озроқ қизғандим, бироқ сен учун хурсандман.

– Жуда тўғрисўзсан-да, Нолон.

– Ҳа, шунақаман. Инсонлар баъзан тўғрисини айтишади. Сени яхши кўриб қолдим. Севган йигитингнинг ёнида мени кўриб, ақлингни йўқотишда ҳақли эдинг. Аммо билмагандим, энди сендан айрилишни истамайман.

– Ишон, мен ҳам сендан айрилишни истамайман, бугун кел-

– Онамдан.

– Нима деб ёзибди, бормаганингга роса хафа бўлибдими?

– Бу мактубда унака гаплар йўк. Истасанг, ўкиб бераман, мана, чўнтагимда. Ўкиб берайми?

– Агар мумкин бўлса, хурсанд бўлардим.

– Мана ўкишни бошладим.

«Нолоним, салом!

Сен юборган соғинч тўла мактубни олдим. Мени хурсанд қилдинг. Мактубингни ўпдим. Мен сенинг бахтли бўлишингни истайман.

Қишлоқлиқлар билан қандай келишиб кетганинг бугун куннинг мавзуси бўлди. Орзу «Эҳтиёт бўлсин, қишлоқнинг ҳиди билан келмасин, келишда бир кун ҳаммомда қолсин», дейди ҳазиллашиб.

Бизни кулдиряпти. Отанг ҳам ҳайрон, ҳалигача келмаганингга дугоналаринг ҳам роса қизиқяпти. Насриннинг туғилган кунига икки ой бор экан. Ўн икки қаватли торт пиширишар эмиш. Нолон келмаса, у билан бошқа гаплашмайман, деди.

Муаллонинг қаллиғи унаштирувни бекор қилди. Нилай турмушга чиқди. Тўйида алламбало кўйлак кийибди. Роса кулги бўлди, бир кўрсанг эди.

Холангни сал қолса унутардим. Конкенда[10] илк марта ғалаба қилди. Мен Қоракўл мўйнасини олдим. Қаердан олганимни тушунгандирсан. Нажиядан роса асабим бузилди. Олган мўйнасини менга мақтагач, аламимни Бейўғлида[11] олдим. Отанг билан озгина тортишиб олдик, лекин нима аҳамияти бор, ҳар доимги кунимиз.

Бошқа янгиликларни келганингдан кейин айтиб бераман. Сенга ишлаш учун жуда чиройли жой топиб қўйдик. Отанг ижарада туришингни истамасмиш, мулк сифатида сотиб олар экан. Келишса, Фазли бей билан бирга вақт ўтказиш учун шоҳона жой бўлади, деди.

---

[10] Конкен – карта ўйини.

[11] Бейўғли – Истанбулдаги туман.

Сен сўраган пулни юборяпман.
Отанг кўзларингдан ўпиб қолади.
Сени соғинган онанг.
Ўпиб қоламан.
Хайр!"

– Мана, уч ойдан бери кизини кўрмаган онанинг мактуби. Хўш, калай, ёкдими?

– Билмадим.

– Билмайдиган нима бор, тушунмадим? Уларнинг заррача дардлари борми? Бор, аммо нималигини ўзлари билишмайди. Онам худди бир бегонадек. Чиллининг онаси болаларига «жайроним» дейишига, тўғриси, роса ҳавас килдим. Дўне хола ҳам шунака. Менинг онам эса коматим бузилади деб бирор марта эмизмаган ҳам. Сунъий сут билан боккан, энагаларнинг кўлига берган. Мен бунака она бўлмайман. Ўз фарзандимни ўзим катта киламан. Манави кишлокдаги болалар самолётларда юрганлардан кўпрок бахтлирок. Эшакда ёки яланғоёк юришибди, бирок оналарининг ёнида. Бизнинг оналаримизнинг кўпи ишлайди, ундан ҳам кўпи пардоз-андоз билан овора... Бизнинг уйимизда бир ит бор, ўша билан иккимизнинг кадримиз деярли бир хил, ипонавер. Онам кўп вактларда уни ёнига олар, мени эса энагам билан колдирарди. Ўйлаб кўряпсанми? Итга ҳавас килган кунларим кўп бўлган.

– Нега итни ёнида олиб юради?

– Одамларга кўрсатиш учун. Уф, бу гапларни бас килайлик. Асабларим бузиляпти. Мактубда «Кел, кизим, сени соғиндик» деган бирор жумла йўк. Мўйна олибди, канакадир келин кўйлак... Яна сохта сўзлар: «Ўпиб коламан». Шуям гапми? Сендан сутини кизғанган онани сен самимий ўпган бўлармидинг?..

– Буни кара-я, сенинг ҳам ичинг тўла экан.

... Кара. Рамазон чўпон келяпти.

Рамазон чўпон қўйлари билан аста-секин келарди. Икки қиз чўпонга қараб кетар экан, Нолон сўради:

– Бу чўпон жуда ғалати одам. Қаерда яшайди?

– Қишлоқдан сал ташқарида яшайди. Кичкина кулбаси ва онаси бор. Отасининг қаердалигини ҳеч ким билмайди. Чил-ланинг акаси уни жуда яхши кўради. Бечора баъзан туҳматга қолади, аммо умуман эътибор қилмайди.

Бу орада Рамазон чўпон уларга яқинлашиб қолди.

– Салом, Рамазон оға.

– Салом!

– Нолон хонимнинг сизда омонати бор экан.

– Ҳа... Ассалому алайкум, синглим. Мен ёзадиганларимни ёздим. Лекин сизга дуч келмадим. Омонатингиз ғурвамда бў-лиши керак. Ҳозир қарайман. Ҳа, мана топдим. Жуда узоқ ёз-дим. Ёзганларимни ҳозир бир ўқинг, турмушга чиққандан ке-йин яна бир марта, ўн йиллан кейин яна бир марта ўқинг. Ҳар сафар ўқиганингизда янада яхшироқ тушунасиз.

– Катта раҳмат! Сиз ёзгандан кейин, албатта, чиройли бўла-ди. Фикрларингизга қизиқаман.

– Менинг шахсий фикрим эмас. Агар чиройли гапларни ай-таётган бўлсам, бу гўзалликлар исломдандир.

– Илтимос қилсам, битта шеър ўқиб берасизми? Майлими?

Рамазон бошини эгиб ўқиди:

Бир йўл бордир сен билмайдиган,
Юраман, юраман сираям битмас,
Бир ёр бордир менинг севганим,
Севгиси руҳимдан сираям кетмас.
Эй кўзлари кулгичим менинг,
Эй жоним, пешвойим менинг,
Эй жоним, қуёшим менинг,
Ҳаётий йўлбошчим менинг.

– Ҳозирча шу етарлими? Қўйларим тарқалиб кетади.

Чўпон кетар экан, ортига қараб:

– Ҳой, Билкис синглим, намоз пайтида дуо қилаётганингизда мени ҳам унутма, хўпми? Нолон синглим, сиз ҳам унутмасангиз, хурсанд бўламан. Бу ғариб қулни дуо қилинглар. Албатта, бошқа мусулмонларни ҳам.

Нолон узоқлашиб бораётган Рамазоннинг ортидан бақирди:

– Рамазон бееей! Рамазон бей! Мен намозни ҳам, дуони ҳам билмайман.

Тепаликлар ортида йўқолиб бораётган Рамазон жавоб берди:

– Ўрганасиз, ўрганасиз. Хоҳладингиз, ҳавода учаётган қуш расмини чиздингиз. Дуо қилиш одамни бунчалик овора қилмайди.

Кеч тушганди. Нолон Рамазоннинг ёзганларини ўқий бошлади.

"Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳнинг номи билан.

Азиз синглим!

Мен ожиз қулни бир нарсалар билади деб ўйлаб, бирор нима ёзиб беришимни сўрадингиз. Майли, синглим. Сизга илк сўзим шуки, Аллоҳни севинг ва Унга чин кўнгилдан ишонинг! Мусулмонликни одамлар гапиргандек деб тасаввур қилманг. Халқимиз ким қаёққа етакласа, ўша томонга кетадиган даражада заиф тамаллар устида турибди, мустаҳкамлари жуда кам.

Сизга бир нечта саволим бор. Олдин мана шу саволларни бир ўйлаб кўришингизни илтимос қиламан. Албатта, Аллоҳ учун.

1) Инсонлар қайси сифати билан устун ёки тенг бўлишади?

2) Яшашдан мақсад нима? Сиз истаганингиз учун яшаяпсизми ёки яшаш истагингизга кўра бири томонидан сизга ҳаёт берилаяптими? Жавобингиз нима бўлса ҳам, беришингизни сўрайман.

3) Рассом бўлибсиз, яхши. Сизнингча, бу дунёдаги вазифангиз фақатгина расм чизишми? Инсоний масъулиятингиз шу билан тугайдими?

4) Ҳайвонлар ва инсонлар ўртасидаги фарқ нима?

5) Ислом нима? «Диндир» жавобини берсангиз, яна савол бераман: дин нима ва нима учун у бор?

6) Аввали йўқлик ва охири мангулик нима?

7) Мантиққа изоҳ беринг.

8) Инсон қиймати нима билан ўлчанади?

9) Исломнинг амрида яшайдиганлар нима йўқотади?

10) Севги дунёимизда Аллоҳга ажратган жойимиз қанча?

Муҳтарама синглим, ҳозирча мана шу ўн саволни беряпман. Жавобларини ўйлаб кўринг ва изланг. Тополмасангиз, менга мактуб ёзасиз. Мен билганимча жавобларини бераман.

Мақсадим сизнинг китобингизга хотира ёзиш эмас. Биламан, китобларга ёзилганларнинг кўпчилиги китоблар саҳифалари орасида йўқолиб кетади.

Мен ёзганларимни хотирангизга муҳрлашингизни истайман. Бир кун келиб, бу саҳифалар сарғайиб кетади. Аммо айтганларимни хотирангизга хоҳлаб ёзсангиз, ҳар ўтган кун бу ёзувлар янада жонланиб бораверади.

Синглим, сиз университетда ўқидингиз. Мен сиз айтган гапларни билмаслигим мумкин, бироқ сиз тушунадиган сўзларни тушунаман. Шуни унутмангки, дунё бизнинг томорқамиз эмас, биз ҳам арзон ва сифатсиз инсонлар эмасмиз. Дунёга бир назар солайлик. Умуман қадри бўлмаганлар ўзларини қадрли деб эълон қилар экан, асл қадрнинг нима эканини тасаввур ҳам қила олишмайди.

Охирги кунларда радио эшитмаяпман. Нега эшитмаяпсиз, десангиз, доим бир хил сўзларни айтади. Бугун Демирел айтганни эртага Эжевит[12] айтади. Бир газетада исломга қарши чоп этилган бир сўзни бугунги ёшлар ҳам сақичдек чайнашяпти. Ўйлаб кўринг-а, бир газета жамиятнинг ярмини ўз таъсири остига олиб, уларга ёлғонни тўғри деб қабул қилдиради. Халқ шундай ухлатиб қўйилган, бу янгилик ёлғонми, ростми дея

---

[12] Сулаймон Демирел ва Бюлент Эжавит – Туркиянинг собиқ бош вазирлари.

ўйламайди. Мана шундай дунёда нима учун чўпонликни танлаганимни тушунгандирсиз? Менинг бунчалар ожиз инсонлар жамиятини кўришга кучим етмайди. Мана шу инсонлардан қочаман. Қўйлар най овозини риёсиз эшитишади. «Бу найни ким чаляпти?» деб сўрашмайди. Қўйларнинг фитрати шуки, сабаб сўрамайди. Сиздан истагим, шаҳват, ошқозон ва моддият учун яшаётган инсонлар оқимига қўшилмасдан, ҳақиқатни топинг. Қиладиган ҳар ишингизни ҳақиқат нури остида қилинг.

Сунъий чироқлар билан йўлга чиқманг, синглим! Бир кун қоронғиликда қолиб кетасиз. Бир мусулмон исломга хизмат қилмаса ҳам, ҳеч бўлмаса, ўзига хизмат қилишни билиши керак. Ислом билан яшашдан ҳеч ким ўлмайди, аммо ғарбликларга хос яшаб ўлганларнинг чек-чегараси йўқ. Ичкиликдан, гиёҳванд моддадан, фаҳшдан, ортиқча кўнгилхушликлардан ўлганларнинг сон-саноғи йўқ. Демак, инсон оқ билан қоранинг фарқига яхшигина бориши керак. Фикрлайдиган инсонлар ақли бор инсонлардир... Оқ билан қорани ажрата олмайдиганлар кафан киймагунича ўзига келмайди. Бу масалаларни кўп чўзиб юбордимми, билмайман. Балки ўзимни ҳам айбдор деб билганим учун бўлса керак, пешонам оқ бўлиб гапира олмайман. Фақатгина мана шу гўзал сўзларни тавсия қила оламан, холос..."

Нолон ўкир экан, Билкис диккат билан тингларди.

– Жуда чиройли ёзибди.

– Ха. Дунёдаги инсонлардан кўйларнинг яхшироқлиги-га, кўнгилларга таскин берувчи эканига эътибор каратиш-га уринибди. Менимча, хак гапларни айтяпти. Истанбулда-ги танноэлар эсимга тушиб кетди, хаммаси ясама, хаммаси сохта, сунъий.

– Ишонасанми, сен буларни айтмасингдан олдин мен хам уларга хавас билан карардим. Баъзан ўзимга ўзим Туркон Шорай каби машхур бўлганимда канчалар бахтли бўлардим,

– Қўйсанг-чи, Билкис. Артистликни орзу килмаган канча қиз бор бу дунёда? Ёшликда одам мана шунака бўлади, менимча. Туркон Шорай бу чўпон рухиятидаги хузурни асло тотиб кўролмайди ва билолмайди. Яна бир нарса хакикатки, минглаб кизлар Туркон Шорайга хавас килиб, артист бўлиш учун уйларидан кочиб кетиб, эркаклар кўлида ўйинчок бўлишди, фохишага айланишди. Майли, бу гапларни кўятур, мактубнинг давомини ўкийлик:

• *Ҳамма нарсанинг тугуни ўз қонунлари билан ечилади. Дунёвий сирлар дин сирлари, дин сирлари эса дунёвий сирлар билан изоҳланмайди. Худди тиббиётда бино режасидан фойдаланилмагани каби.*

• *Аллоҳнинг динини Аллоҳнинг Ўзи ва Пайғамбаридан бошқа ҳеч ким тўғри тушунтириб беролмайди.*

• *Муаммоли бўлган баъзи чуқур мавзуларни тушунишнинг имкони йўқ. Биз тушуна оладиганларимиз билан машғул бўлишимиз керак. Таассуфки, аксини қиламиз, натижада муаммоларнинг ичидан чиқа олмаймиз.*

• *Ботиний кўзларига илоҳий сурма тортганлар кўр бўлишса ҳам, энг кўп ўшалар кўради. Кўз ҳақиқатни кўрса, кўр эмасдир. Акси бўлса, кўзи очиқ бўлса-да, кўрдир. Албатта, ҳақиқатлар чиройли сурат ва шаклларда намоён бўлавермайди.*

• *Дунё боғига нима учун келдинг? Гул териш учунми? Сўлиб қоладиган гуллар учун бу қадар заҳмат не учун керак? Демак, гул тергани келмадик... Хўш, унда нега? Гарчи ўзи истамаса ҳам, инсон мана шу саволга жавоб беришга мажбур.*

• *Шарафни қўлга киритиш учун меҳнат қилиш шартдир. Шарафни йўқотиш учун эса ишлаш шарт эмас.*

• *Нима учун ҳамма тўғри йўлдан юрмайди, биласизми? Тинглаётганларини бошдаги қулоғи билан эшитгани учун. Ҳолбуки, қалб қулоғи билан, руҳи билан тинглашлари зарур эди. Зеро, инсон руҳи ила тирикдир.*

* *Инсонга шараф келтирадиган аъзоси унинг гапирадиган тили эмас. Агар шундай бўлганида, ҳайвонлар ҳам шарафли махлуқотлар бўларди. Зеро, улар ҳам ўзаро ҳайвон тилида гаплашишади.*

* *Инсонларни бузадиганлар инсонлардир. Инсонлардан қочганлар ҳам улар. Ислом руҳига даъват қилмаганлар бир кун ҳайвонларга сажда қилиши мумкин дея қўрқаман.*

* *Ибодат қилиш инсонларга нима учун қийинчилик туғдиради? Шайтон ва нафс мана шу ерда ўзини кўрсатади.*

* *Шаҳарда Аллоҳдан тамоман узилганлар кўпроқ ҳурмат ва иззат кўрар экан. Бу жаҳолат аста-секин қишлоқларга ҳам кириб келмоқда, аммо уни кўрадиган кўзлар жуда кам. Виждон соҳиблари уйғониши керак.*

* *Мўмин киши ғофиллашмаса ҳам, кераксиз ишлар билан овора бўлар экан, масъуд бўлолмайди.*

* *Одатда биз гапираётганда мусулмондек гапирамиз, лекин нима учун мусулмонга ўхшаб яшамаймиз?*

* *Доим ёнида Аллоҳни ҳис қилган ғурбатда бўлмайди. Аллоҳдан айро бўлган она қучоғида, туғилган жойида бўлса ҳам, ғурбатнинг энг тўридадир.*

* *Сен ҳозир ўтмишда яшаган аждодингни мутаассиб дейсан, келажакдаги авлодларинг сени нима деб аташини биласанми?..*

* *Инсонлар доим ўзлари яшаган асрни, замонни ёқтиради, олдинги асрда яшаганларга раҳмлари келади. Аммо ҳайҳот! Бир асрдан кейин уларга ҳам ачинишади. Ислом эса инсонга инсонлардек қиймат бергани учун ҳеч бир асрда инсонини ерга урмайди. Албатта, агар одамга ўхшаб яшаган бўлса.*

* *Шоҳ демишки: «Мен халқимни жуда яхши кўраман». Калласи ишлаб, «Ажабо, халқим мени яхши кўрармикан?» деб сўрамабди. Нега сўрамаганини биласизми? Худбинлик туйғуси ва яхши кўрилмаслигини билиш қўрқуви. Аммо ҳақиқатни ўзгартира олармиди?*

• Асрлар сўнгра сўнадиган қуёш билан ҳаёт ниҳоясига етади. Қуёшга ёқилғи етказиб бера оладиган мослама борми? Йўқ! Демак, дунёнинг охири бўлади. Буни илм ҳам, фан ҳам тасдиқламоқда.

• Фикрни қутига солиб қўйиб бўлмайди.

• Инсонлар Аллоҳга ишонишдан нега қўрқишади?

• Баъзи инсонлар борки, менинг қўйларим улардан устунроқ. Аммо баъзи инсонлар борки, қўйларим улар учун яратилди. Сиз қайси бирисиз?..

• Ахлоқи чиройли бўлиб, имони бўлмаган киши остидан ахлат қувури ўтган озода кўчага ўхшайди. Ҳар қанча гўзал бўлса ҳам, ости ахлатдир.

• Ўйланг, ўйланг... Ўйлашни ҳам ўйланг. Ҳозирча мана шу гапларим етарли, муҳтарама синглим!

Қишлоғимизга келганингиздан бери сиз ҳақингизда «Ақлли қиз, аммо эркакларнинг ишига аралашади», дейишяпти. Эркаклар кўтара олмайдиган юкни аёлларга юклашади. Кейин эса аёллар эркак кишининг ишини қилолмайди дейишади. Унақада нима учун аёлга юклашади?..

Синглим! Истанбулда катта бўлган қизсиз, ўйлаб кўринг, инсонлар на шаҳарда бахтли, на қишлоқда. Бундан шундай хулоса қилиш мумкин: бахт рецепти инсонларга тақдим қилинмаган ёки сохта рецепт берилган, ёки инсонлар берилган рецептни рад қилишган. Натижада инсонларнинг ўзлари ҳайратда. Аллоҳдан қочишга уринишяпти. Аллоҳдан қандай қочиб бўлади? Ўйлаб кўринг, синглим!

Инсонларга бир нарсалар бўляпти: ҳам мусулмонмиз дейишади, ҳамда мусулмонликка қарши чиқишади. Бунинг сабабини ҳам ожизона изоҳладим: бу инсонлар «мусулмонмиз» деяётганда мусулмонлик, «ишонаман» деганда ишониш, «замондошлик» деганда замондошликнинг қандай маъно билдиришини билишмайди.

Бир замонлар бизнинг қишлоққа бир муҳандис келганди. Ўзича мени инсон ўрнида кўрмасди. Қишлоқдошларимиз бечора ва жоҳил бўлганликлари учун ҳар сиёҳ ялаганни олим, ҳамма нарсани билади деб ўйлашади. Муҳандис менга қараб:

– Демак, сен чўпонсан? – деди. Мен:

– Ҳа, – дедим.

– Кошки ўқиганингда эди, одам бўлардинг, – деди. Мен унга:

– Афандим, агар сиз ўзингизга ўхшаган одамни айтаётган бўлсангиз, ўқимаганим яхшироқ. Мен бунақа одам бўлишни истамайман. Инсон маслагига ишониб, инсон бўлганига ишонса, инсонликдан қуруқ қолади. Аммо инсон эканига ишониб, инсон бўлса, ана унда ҳақиқий инсон бўлади, – дедим.

Бечора одам нима дейишни билмай қолди. Бир неча ойдан кейин келганида мени топди. Қаерда ўқиганимни сўради. Китобларни қўй боқиб юриб ўқиганимни айтдим. «Маданиятнинг нима эканини сендан ўргандим», деди у. Ҳолбуки, менинг билимим кўп эмасди. Ҳозиргача кўпи билан юз элликта китоб ўқигандирман, аммо бувам туфайли инсонийликни, исломни ўргандим. Кўрдимки, ўқийдиган тоғдаям ўқийверади, ўқимайдиган одамни университет курсисига ўтқизиб қўйсанг ҳам, барибир ўқимайди. Мен ҳам динлар ва инсонларга оид фанлар бўйича доктор бўлишни истардим, аммо бўлмади. Ўқимаганим учун ўзимни ярим одам деб кўрмайман, доимо маълумотимни оширишга уринаман. Бир оёғи йўқ одамнинг устидан «Сен ярим инсонсан», дея кулишибди. У эса «Агар одам бўлиш учун оёқ муҳим бўлганида, қирқоёқ сендан 38 марта буюкроқ одам ҳисобланади», деган экан.

Мана, имон... Инсонийлик ўлчови. ИНСОН на соғлиқ, на маслак, на бойлик ва на шуҳрат билан шараф қозонади.

Ҳақиқий маънода инсон бўлиш қулга эмас, Аллоҳга қул бўлишдир, исломда бўлиш ва яшашдир.

Бу сатрларимни Истанбулга боргач, дугоналарингизга ҳам ўқиб беринг. «Буларни бир чўпон ёзди», денг. Кейин уларнинг кулишларини томоша қилинг. Инсонийлик устидан кулишганини кўрасиз. Улардан инсон ҳақида сўранг, кейин инсонийликка таъриф берадиган бир ўлчовни сўранг, ёзишсин. Агар мумкин бўлса, кейин менга юборсангиз... Сиз ҳам кўрасизки, ё бой бир ишбилармон таърифланади, ёки олий маълумотли инсон.

Бир куни Аллоҳга қайтсангиз, шу тавсияларимни унутманг! Мусулмонларни осмондан тушгандек хатосиз деб ўйламанг. Инсонлар фитратлари сабаб хатога йўл қўйишади. Хатони давомли қилмаган мусулмон ҳам, ниҳоятда бўлса-да, хато қилиши мумкин. Биласиз-ку, бу чалкаш дунёда, туғилган мусулмон оз бўлса ҳам, замон ғафлатларига қоришади. Хатосиз инсон бўлмайди. Сиз, яхшиси, мусулмонларнинг энг гўзал деб билган хусусиятларини ўзингизга олинг, қолганларига эътибор қилманг. Бошқа чора йўқ, ҳеч биримиз пайғамбарлардан эмасмиз...

Аллоҳнинг саломи йўлдошингиз бўлсин, синглим.

Оғангиз Рамазон чўпон".

Икки кизда хам тушунарсиз туйғулар пайдо бўлганди. Жавоби топилмаган бир канча саволлар Нолоннинг миясини банд қилиб турарди: Билкис нега бунча жиззаки? Кофир Исмат нега бунча виждонсиз? Фазли-чи? Унда Аллохга ишониш хисси қаердан? Рамазон чўпон ким?! Бу саволлардан ўзини куткариши керак эди.

– Қандай чиройли ёзган, тўгрими? Бизнинг адабиёт устозларимизнинг кўпчилиги чиройли сўзларни излаб юради, лекин Рамазон чўпоннинг бундай нияти йўқ. У қалбидан нима чиккан бўлса, ўшани ёзган. Эзо буви айтганидек, ичидаги олов ташига хам урмокда.

– Нолон, олдин динга қизиқишингни айтмагандинг, бу нуқтаи назарларинг бирданига пайдо бўлиб қолмагани аниқ.

– Жуда хушёрсан-да, Билқис. Шарқий вилоятдан келган энагам бўларди. Эри Олмонияда бошқасини топиб, уни ташлаб кетганди. Аёл ҳам отасининг уйига борган. Отаси «Ҳаромиларингни ташлаб, кейин кел», дебди. Аёл эса болаларидан воз кечмаган.

Бу пайт Нолоннинг гапини бўлган Билқис истеҳзо қилди:

– Худди менинг онам каби фидокор она экан!.. – Кейин кўзларига ёш қалқиб гапини давом эттирди: – Буни қара, болаларини ташлаб кетмаслик учун хизматкорлик қилибди. Мени дунёга келтирган аёл-чи?

– Онанг сенга нима қилган ўзи?

– Нима қиларди, ошиғи билан кочиб кетган, ошиғи билан!.. Истанбулга боргач, атроф-муҳит таъсирига тушиб қолди. Кийимидан ҳам уяларди. Обрў-эътиборни кийимда деб биларди. Кейин биттасини топибди, бизнинг эса хабаримиз йўқ... Дўсти эмиш. Уйимизга нарсалар олиб берармиш. Бир куни онамни ўша одам билан ушлаб олдим. Дунё қоронғи бўлиб кетди. Онамнинг ҳам кайфияти бузилди. Кейин эса кулиб, «Асло отангга айтма, гарчи айтсанг ҳам...» деди-ю, қолганини айтмади.

Маҳаллада бировнинг юзига қаролмайдиган бўлиб қолдим. Кейин онам мени ташлаб, ўша одам билан кочиб кетди. Шунинг учун шаҳардан нафратланаман. Менинг онасиз катта бўлишимга сабабчи бўлди...

– Менимча, онангнинг ўзида бор экан, муҳитнинг аҳамияти йўқ...

– Йўқ, буни қабул қилолмайман. Ўша муҳит салгина яхши бўлганида онам бунчаликка бормасди. Қишлоқда нега бундай қилмади, чунки бунга замин йўқ эди. Истанбул ҳам онамга мана шу заминни яратиб бермаганида, онам олдин унчалик ёмон эмасди аслида. Отамда ҳам айб кўп. Қаерда гўзал аёлни кўрса, онамга «Оҳ, кўзларим бундай гўзални кўрмаган», дер-

ди. Онам эса рашк килишни бошлар, бошидаги рўмолини ерга ташлаб, қўшнисидан олган нарсалар билан бўянар, отам кўрган аёлдан устунрок эканини исботлашга уринарди. Мана шундай килиб, онам бузила бошлади. Нафратланаман бу инсонлардан, отамдан, онамдан ҳам, мана шундай аҳмоқона нарсалардан ҳам.

– Нега Истанбулдан нафратланишингни энди тушуняпман...

* * *

Эртаси куни Чиллининг янгаси Тубо Фотима хонимнинг ҳолатидан хабар топди ва унга тасалли бериш учун уларнинг уйига борди. Эшикни Билкис очди:

– Келинг, келинг. Хуш келибсиз!

Дастурхон ёзилган, нонушта қилишаётганди. Нолон турмоқчи бўлди.

– Йўқ, йўқ, турманглар. Марҳамат, сизлар бемалол давом этаверинглар, – деди Тубо ва туришларига йўл қўймади.

Фотима хоним ич-ичидан йиғласа-да, зўраки жилмайишга уринарди:

– Қани, гапир, қишлоғимиз ёқдими сенга?

– Жуда яхши. Кечагина келдим, аммо билишимча, жуда чиройли.

– Қизим, тўсатдан турмуш қуриш фикри қаердан чиқди? Биз ўғлимизни бўйдоқ деб юрардик.

– Ҳикояси жуда узун, Фотима опа. Бошқа пайт айтиб бераман.

– Ўқиганмисан?

– Лицейни тугатганман. Бундан ташқари, бир йил Қуръон курсига ҳам катнадим. Энди эса иложи қолмади.

Фотима хоним кулди:

– Албатта, ўғлимиз билан қандай катнашасан дарсларга?